

# **Кулги даргалари**

*Асқиячи ва қизиқчилар ҳақида*

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2005**

**Қизиқчи ва асқиячилар ҳаёти, ижоди ҳақидаги маълумотлар матни муаллифи ҳамда тўпловчи  
Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ.**

**Кулги дарғалари: (Асқиячи ва қизиқчилар ҳақида).—  
Т.: «Шарқ», 2005. — 128 б.**

Юртимиздаги барча катта-ю кичик шаҳар ва қишлоқларда кулгисеварлар жуда ҳам кўп. Айниқса, Фарғона волийсида кулгининг асқия, латифа каби турлари ҳар бир хонадонда бўлиб туради, десак хато қилмаймиз.

Кўлингиздаги ушбу тўпламда Худоёрхон давридан то шу кунгача бўлган қизиқчи ва асқиячилар вакилларининг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида маълумотлар, улар яратган асарлардан намуналар тўпланган. Марҳамат, ўқинг, кулинг — ташвиш-ғамларингиз, дардларингиз арийди.

**Китобча кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.**

**ББК. 85.36(5Ў)-8**

**© «Шарқ» нашриёт-матбая акциядорлик компанияси  
рош таҳририяти, 2005 й.**

## КУЛГИ ХАЗИНASI

Энг олий бахт — инсон саломатлиги. Инсон саломатлигининг таянчларидан бири — самимий кулгидир. Бошқа мавжудотларнинг ҳаммасидан одам ўзининг кулиш фазилати билангина ажралиб туради. Яхши, бегубор кулгидан руҳий соғлиқ, тетиклик пайдо бўлади. Шуниси ҳам борки, хушчақчақ одамнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам қувноқлик билан ўтаверади. Шифокорлар кўпинча кулгини умр узайтириш дориси, дея тътифлайди. Ҳақиқатдан, кулиб, қувнаб юрган одам узоқ умр кўради, бу фикр ҳаётда ўз исботини топган.

Кулги кирган ҳар бир хонадондан ғам-ташвиш, уриш-жанжал, гийбат-бўхтон, дарду алам қочади. Чехралар ёришиб, хушмуомалалик ва аҳиллик кучаяди. Аммо фақат кулги билан ҳаёт кечириб бўлмайди. Кулишнинг ҳам вақти-соати, меъёри бор. Шунингдек, кулги одоби ҳам мавжуд. Ана шуларга амал қилиб кулган кишигина кулгининг қадрига етади.

Қўлингиздаги тўпламни тайёрлашда қадимий кулги даргалари ҳаёти ва улар яратган ашъорларнинг оғиздан-оғизга кўчиб юрганларидан бир амаллаб фойдаландик. Нега деганда ёзма адабиётда улар тўғрисида маълумот жуда кам учрайди. 1960 йили нашр этилган Тўлқин Обидовнинг «Юсуфжон қизиқ», Расул Мұхаммадийнинг 1970 йили тўплаб, нашрга тайёрлаган «Асқия» китобларидан бўлак адабиётлар йўқ ҳисоби. Кулгимиз хазинасининг кичик бир бўлаги бўлган бу китобчада асосан, Юсуфжон қизиқнинг устозлари, ўзи ва шогирдлари, шунга ўхшаш Кўқон ҳамда Марғилондан бўлак юртимиздаги айрим шаҳару қишлоқларда яшаган қизиқчилар, асқиячилар тўғрисида маълумотлар тўпладик.

Ўйлаймизки, орангизда кулгини ёқтирумайдиган одам бўлмаса керак. Бу китобча қайси бир хонадонга кирса, ўша ерда файзу барака, хушчақчақлик, саломатлик бўлишига кафилмиз. Хонадонингиздан ҳамиша кулги аrimасин, азизлар!

*Муаллиф.*



## Зокир эшон

Она диёримиз тарихидан маълумки, Кўқон шаҳри қадимдан қизиқчи ва асқиячилар макони бўлиб келган. Кўқонлик кулги усталарининг отаси

ҳисобланган Зокир эшон тўғрисида оғзаки гаплар кўпу, ёзма маълумотлар жуда кам. Бу етакчи қизиқчи ва асқиячининг асл исм-шарифи Рустам Мехтар ўғли бўлиб, мучали сигир бўлгани учун Зокиргов ҳам дейишган. У 1824 йили шаҳардаги майда косиб оиласида таваллуд топган. Ёшлигидан ҳаётдаги қизиқ-қизиқ кулгили воқеа ва ҳодисаларни ўрганиб, юздан ортиқ имо-ишора ҳамда оғзаки, бир пардали ичакузди комедиялар яратган. Уни Кўқон хони саройнинг бош қизиқчиси этиб олгани боис, у ўз атрофига тенгқур комик актёрларни тўплаб «Мозор», «Зарколар», «Хон», «Авлиё», «Сиркатароқ азизлар», «Хожи кампир», «Невара дуоси», «Қаландарлар», «Дорбозлик», «Келин тушди», «Мардикор ва нонвой», «Атторлик», кабиларни сайрибоғ ва Худоёрхон саройи томошагоҳларида намойиш этган. Зокирговнинг шогирдлари Кўқон атроф ҳудудлари ҳамда Марғилон, Фарғона ва Андижон шаҳарларидан бўлиб, ҳафта сайин йиғилишиб, томоша олди машқларини ўтказишарди. Шогирдлари орасида Саъди маҳсум, Деконбой қизиқ Шерназар ўғли (лақаби Юзбоши), Юсуф қизиқ Шакаржонов, Мирзараҳимқулоқ, Комил қори Қулижонов, Нормат ва унинг ўғли Пўлат қизиқ, Ака Бухор, Бердиёршумлар асосий ролларни ижро этишарди. Шунингдек, Зокиргов олис чекка шаҳар ва қишлоқларда ҳам қизиқчилик кечалари ўтказиб, тўй ва зиёфат йиғинларида одамларни кулдирав, шу билан бирга халқ орасидаги истеъоддли қизиқчи ва асқиячиларни танлаб, ўзининг саройдаги гуруҳига таклиф этарди. У 1898 йили Кўқон шаҳрида вафот этган.

Кўйида Зокиргов яратган оғзаки театр томошаларининг оғиздан-оғизга кўчиб келган намуналарининг айримлари билан танишасиз.

## НЕВАРА ДУОСИ

Саҳнада эшак минган Зокиргов пайдо бўлади. У гўё ҳовлиқиб, эшагидан тушиб, ариқ ёқасига боради. Суда «Мени ушланглар,вой-дод!» деб оқиб келаётган бола (бола ролида пакана Маҳкам)ни ариқдан тортиб олиб, унинг оёғини осмонга қилиб, силкитиб, кийимларини ечиб, жим турган эшаги устига ёяди. Кейин белидан белбоғини ечиб, боланинг юз-кўзларини артиб, унинг оёқ-кўлини уқалайди:

— Кимнинг ўғлисиз, бўтам? — сўрайди аранг кўзи-ни очган боладан.

— Мамарайим эшоннинг неварасиман, Азимхўжа қорининг ўғлимани.

— Буни қаранг, омадим бор экан, табаррук зотлар зурриёти экансиз. Мана, кийимларингиз ҳам қуриди. Марҳамат, қилиб кийиб олинг! — У болани кийинтириб бўлиб, пешанасидан ўпиб, рўбарўсига тиз чўкиб, илтижо қиласди:

— Энди бўтам, илтимос, табаррук одамлар зурриёти бўлганингиз учун мени бир дуо қилинг, шояд дуо-ингиз ижобатга ўтиб, ишларим юришиб кетса. Мен Кўқоннинг энг таниқли носфуруши Абдумансур мижғов бўламан. Қани, бўтам, бошланг.

— Ундей бўлса кўлингизни дуога очинг, — дейди бола. — Сиз мени оқиб кетаётганимда кутқариб олиб, кийимларимни офтобга ёйиб, қуритдингиз. Илойим, бошингизга мендек фалокат тушганида Сизни ҳам Худойим қуритсин, омин Оллоҳу акбар! Хайр, мен кетдим!

— Баракалла, бўтам, хайр!

Бола кетади, носфуруш эшагига минаётиб, ерга оёғини тираб, ўйлаб қолади: «Тавба, бу зинғарча қанақа дуо ўқиди ўзи! «Сизни Худо қуритсин!» — дейди-я!

Табаррук зот бўлмай кет-е! Омадим юришиш ўрнига тескарисига қия бўладиганга ўхшайди, эвой, пешанам шўр экан!

## АТТОРЛИК

Олисдан «Аттор келди-ё, аттор келди!» деган овоз эшитилиб, томошахона тўрида эшак минган Зокиргов пайдо бўлади. Эшакнинг бўйнига ҳар хил рангдаги ип ва лента — жияклар осиб қўйилган, хуржуннинг икки

кўзи тўла ойна, тароқ, упа-элик ва узук, зирақлар. Шунингдек, эшакнинг бўйнига осилган кичик тўрвачада игна, сақич, ип, совунлар тўла.

Бир зумда Зокирговнинг атрофини аёллар (у пайтлари актёр аёллар бўлмаганидан эркаклар аёл кийимида паранжи ёпинган ҳолда) ўраб олишади. Улар хуржун ва тўрвадаги атторлик молларини таңларкан, аттор улар юзидағи чимматларини бир-бир кўтариб, ўзичалик валақлайди:

— Оҳ-оҳ, аканг ўргулгур, паранжи-ю чимматни чиритмай, очилиб юраверсанг бўлмайдими! О, манависини қаранг аттор, унисидан ҳам буниси ҳаддан ташқари чиройли экан. Яхшиям атторман, бўлмаса бунақанги гўзалларни кўриш қаёқда! Қани, тўрва ковлаётганида наригисининг чимматини очай-чи. Ия, бақ-бақа бўқоги бўлмаса ҳусн бобида унинг олдига тушадигани йўғ-а...

Шу пайт қўлида кути кўтарган иккинчи аттор пайдо бўлади. У Зокирговнинг эшагини кутиси билан туртиб, ҳайдамоқчи бўлади. Кейин қўлидаги кутисини бир чеккада очиб, аёлларга «манавилардан олинглар, асл буюмлар!» деб кўяди. Шунда унинг кутисини Зокирговнинг эшаги тепиб, ағдариб юборади. Кулги кўтарилади. Жаҳли чиққан Зокиргов иккинчи атторга ўшқиради:

— Ҳой, ўйин бузуқи, орага кесакдек суқилиб, савдони бузяпсан! Қани, жўна бу ердан! Сенга бошқа жой қуриб қолидими, нариги маҳаллага бор!

Иккинчи аттор сочилган буюмларини ердан териб, кутисига жойлаб, келган томонга кетаркан, Зокиргов ҳайқиради: — Чиллаки аттор, кетди-ё кетди! Менинг асл атторлик молларимга келинглар, арzonгина! — деб хуржуннинг бошқа бир кўзини очади. Бир аёл хуржундан кўзмунчоқ оларкан, аттор унга қараб: «Оҳ, жонидан, сенга мендан бошқанинг кўзи тегмасин-а!» дейди. Унинг бу гапини дарахт панасида эшлитиб турган бир барзанги Йигит атторнинг олдига келиб дўқ уради:

— Ҳўв аттор, бу аёлга нима деяпсан, биқинингдан дарча очиб кўяйми!

— Йўқ, йўқ! Биродар, мен унга эмас, сизга айтатётгандим кўз тегмасин, деб. Манави кўзмунчоқни билагингизга тақиб олинг, муштингизга кўз тегмайди! — деб Зокиргов эшагини ҳайдаб жўнаб қолади!

## Саъди маҳсум

(1809—1889)



Фарғона водийсидаги қизиқчилар марказларидан иккинчиси — Марғилон ҳисобланган. Бу шаҳарда қадим етакчи қизиқчи Саъди маҳсумдир. У камбағал косиб оиласида дунёга келган бўлиб, ёшлиқ чоғлариданоқ қизиқчиликка ҳаддан ташқари берилади. Кўқонга бориб, Зокиргов труппасида қатнаша бошлайди. Бу труппадаги катта, кичик қизиқчиларнинг машқларини ҳамда уларнинг томошабинлар олдидаги ижросини синчиклаб ўрганади. Ҳатто, «Атторлик», «Бола ўқитиш», «Бедана ўйини», «Келин тущди» каби бир пардали комедияларда бош ролларни ижро этиб, томошабинлар олқишиларига сазовор бўлади. Қизиқчилик сирларини ипидан игнасигача ўзлаштириб олгандан кейин эса она шахри Марғилонга келиб, шогирдлари билан бирга тамошалар кўрсата бошлайди. Шогирдларидан Юсуф қизиқ, Абдуазиз қизиқ, Охунжон қизиқларни мустақил томошалар қўйгунинга қадар Кўқонга олиб бориб, бир неча бор тажриба орттириш мақсадида саҳнага олиб чиқиб, роллар ижро эттиради. Кейин эса, Марғилонда Абдуазиз қизиқ билан Юсуф қизиқлар иштирокида энг аввал «Обжувоз» комедияси томошасини одамларга кўрсатиб, кулги улашади. У доимо томошаларни саҳналаштиришда иш боши — режиссёр вазифасини бажаради. Юсуф қизиқ кўпинча уни одамларга «Менинг биринчи устозим», деб таништиради.

Энди Саъди маҳсум билан Юсуф қизиқ иштирокида бўлган ҳангомалар билан танишинг.

### ТУЛПОР ОТ УСТИДА

Кунлардан бир куни Юсуф қизиқ Тошлоқ томондан яёв келаётганида отда устози Саъди маҳсум келиб қолиб, шогирдини мингаштириб олади. Саъди маҳсум-

нинг лақаби «Сассиқ» эди. Ўшандада отга мингашган Юсуф қизиқ устозининг орқасида ўтириб, кўчада кўрингтан одамларга бурнини рўмолчаси билан елпилиб, устозини кўрсатиб, башарасини буришитирарди. Бу ҳолни кўрган одамлар ўзларини кулгидан тўхтата олмасди. Устози одамларнинг кулишидан ҳайрон бўлиб, Юсуф қизиқдан сўради:

- Юсуфжон, нима бўляяпти ўзи, кўчада ким кўринса бизга куляпти.
- Уста, одамлар менга эмас, сизга кулишяпти, шекилини.
- Нега ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ кулишади, ҳайронман.
- Ҳайрон бўлманг, кечаги «Обжувоз» томошасида Абдуазиз сиз кунжарани ялаб кўраёттанингизда бурнини жийириб, «уфф!» деганини эслашяпти-да!
- Бўпти, тушунарли, демак, ўша Абдуазизнинг қилигини сиз ҳам такрорлаяпсиз!

### УСТА ТАБИБ МАСЛАҲАТЛАРИ

(Устозу шогирд Саъди маҳсум билан Юсуфжон қизиқ савол-жавоблари)

**Юсуфжон қизиқ** — Уста, табиблик қилиш қийин экан. Шу боис, маслаҳатларингизни олиб турсам, дегандим. Айтинг-чи, жин чалиб кетганга даво нима?

**Саъди маҳсум** — Семиз қора хўрозди сўйиб, қон чиқариш.

**Юсуфжон қизиқ** — Дев-пев урганга-чи?

**Саъди маҳсум** — Давангирдек кўчқор сўйиш лозим, хўрозди сўйса девга унчалик таъсир этмайди.

**Юсуфжон қизиқ** — Бирор нафси бузук тўйда бўкиб қолса-чи?

**Саъди маҳсум** — Бунинг давоси йўқ, гўрковга хабар бериш керак.

**Юсуфжон қизиқ** — Борди-ю кўли эгрининг бир кўли синиб қолса-чи?

**Саъди маҳсум** — Дарров қозига олиб бориш лозим, у синган кўлни тахтакачлаб қўяди.

**Юсуфжон қизиқ** — Агар еб тўймаста кинна-пинна кирса-чи?

**Саъди маҳсум** — Ўткир киннакашнинг косасидаги кулдан уч марта ялатилади.

**Юсуфжон қизиқ** — Агарда фолбинлардан бири тўсатдан оғриб қолса-чи?

**Саъди маҳсум** — Оғзинг қани деса қулоғини кўрсатдиган оми беморлардан бирини топиб, ўша фолбинга рўбарў қилинса бас, тузалади-қўяди.

**Юсуфжон қизиқ** — Бозорда тош-торозудан уриб қолувчининг қорни оғриб, дод-войласа-чи?

**Саъди маҳсум** — Дарров қадоқ тош билан қорнини майдалаб эзib силаш керак, бемор терлайди. Агар терламаса, тошбақанинг косасини топиб, бошига уч кун кийгазиб қўйиш ҳам унга шифо бўлади.

**Юсуфжон қизиқ** — Кўпинча қози-ю амалдорлардан айримлари пора оладиган қўлларини оғрияпти, дея кўрсатишади, буларга қандай даво излаш керак?

**Саъди маҳсум** — Аввал ўша оғриқ қўлни орқасига буриб, пул қистириб кўриш керак. Унда ҳам бўлмаса уч-тўрт кишини ёрдамга чақириб, қўлни маҳкам ушлаб туриб, оташкуракни оловга қиздириб босса тамом, сан кўр, ман кўр бўлиб тузалади-кетади.

**Юсуфжон қизиқ** — Уста, табобатдан анчагина ўргандим. Буларни, албатта, қўллайман. Маслаҳатларингиз учун оғарин, раҳмат!

## БИР ЛАҲЗАЛИК АСКИЯ

Кунлардан бир куни нотаниш одам Юсуфжон қизиқнинг эшигини тақиллатиб, унга нохуш ҳолда деди:

— Устозингиз Саъди маҳсум оғир аҳволда ётибдилар.

— Албатта, бораман, — дея Юсуфжон қизиқ апилтапил кийиниб чиқиб, устозиникига боради, ундан ҳол-аҳвол сўрайди:

**Юсуфжон қизиқ:** — Уста, айттириб юборган экансиз, чивин чақиб, тобингиз қочибди, деб эшитдим, яхшимисиз?

**Саъди маҳсум:** — Мени чаққан ЧИВИН бу дунёники эмас, рози-ризолик сўрашай, дедим-да!

**Юсуфжон қизиқ:** — ЮРАГИМИЗНИ АЛАМЗАДА қилиб кетгандан кўра, бошида бу дунёга келмасангиз ҳам бўлармиди?

**Саъди маҳсум:** — Ўшанда ўзимнинг ҳам оёғим тортмаганди-ю, ҳол-жонимга қўймасдан ладамлар ОЛИБ КЕЛГАНдилар-да!

**Юсуфжон қизиқ:** — Тўшакда УЗОҚ ётдингиз,

ўлим ҳақ, ҳаммамизнинг бошимизда ҳам ўлим бор. Бирор олдин, бирор кейин. СИЗ КЕТИБ, БИЗ ҚОЛМАЙМИЗ. Биз ҳам бир куни борамиз, агар вақтлироқ борсангиз, биздан олдин кетган қизиқчилар: Зокиргов, Матхолик қизиқ, Сиддиқ ҳожиларга салом айтинг.

**Саъди маҳсум:** — Қани, аввал бориб кўрай-чи, мабодо каттароқ тўй-пўй бўлса хат юборман, кечикмай тезроқ боринглар. Томонгум қакраб кетди, бир пиёла сув!

**Юсуфжон қизиқ:** — Сабр қилинг уста, ҳозир бир зумда олиб келаман! — деб Юсуфжон қизиқ ташқарига чиқиб, совуқ чой келтирса, устоз оламдан ўтган экан.

Қизиги шундаки, бундан илгари Зокиргов, Матхолик қизиқ, Сиддиқ ҳожилар ҳам бир лаҳзалик асқия айтиб, кулиб туриб, жон таслим этган эканлар!

# ТОШКЕНТНИНГ ЎТМИШИДАГИ МАШХУР ҚИЗИҚЧИЛАРИ

## Жўра қизиқ



Тарихда Кўқон, Марғилон шаҳарлари сингари пойтахт Тошкентнинг ҳам қизиқчилари ва асқиячилари бўлган. Исаҳон қизиқ (1806—1896), Саидаҳмад асқия (1860—1932), Абдулла фонусчи (1828—1914), Жўра қизиқ (1881—1935) кабилар Чорсудаги Илҳом самоварчи чойхонасида ва туу йиғиниларда кишиларга кулги улашардилар. Бу галиг гапимиз Жўра қизиқ ҳақида.

Ҳамма ҳам қизиқчилик кўчасига киравермайди. Ҳаётдаги икир-чикирларни кузатган, кулгили воқеаларни бошидан кечирган, эшитган ва буларни қотириб айта олган кишигина қизиқчи бўлиши мумкин. Жўра қизиқ мана шундай қизиқчилардан эди. У Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасидаги Чифатой маҳалласида камбағал дехқон оиласида дунёга келган. Қўл учиди кун кечирган отаси Жўра ёш чоғидаёқ оламдан ўтганди. У аввалига отаси касбини давом эттириб, маҳалладошларининг ер чопиш, экин экиш каби ишларини бажариб, улушини олиб юради, кейинчалик турмушдаги қизиқ-қизиқ воқеа ва ҳодисаларни кўриб, ўзича латифалар тўқиб, чойхоналарда, тўй ва гурунгларда одамларни кулдира бошлайди. У тўқиган ҳикоялар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Барча ҳикоялари қаҳрамонлари қизиқчининг ўзи бўлади.

## ҲАЛОЛ ЙИГИТ

Баҳор ойлари бўлгани учун ҳамма экин экиш ишлари билан овора — бирор ҳовлисида, бирор даладаги боғида дехқончилик билан банд. Бизга ўҳшаган қизиқчиларга ҳеч кимнинг тоби йўқ. Хуллас, менинг ҳам бозорим касодга учраган. Энди нима қиласман, деб бошни қашлаб, чўнтақни ковласам, атиги йигирма тийин танга чиқди. Бу онам билан бир маротаба нонушта қилишимга зўрга етарди. Эртадан бошлаб мардикор бо-

зорига чиқаман шекилли, дея хаёл суриб, чойхона-нинг кўча эшиги олдида чўнқайиб ўтиргандим, шу пайт кўчадан башанг кийинган бир бойвачча ўтиб қолди. Ўрнимдан туриб, унга ҳайқирдим:

— Ҳа, бойвачча! Танимай қолдингизми? — дедим ачитиб. Бойвачча таажжубга тушиб, ҳангуманг бўлди.— Ўн сўм қарз олганингизга мана икки ойдан ошиди, қайтариб беришни сира ўйламайсиз-а?!

Овозимни баландлатиб гапирганимдан бойвачча довдираб қолди. Нима гап экан, деб чойхона ичкарисида ўтирганлар бирин-сирин ташқарига чиқиши. Мен бўлсан, гапни келган жойидан давом эттиридим:

— Ана, шунаقا-ла! Оларда кирав жоним, берарда чиқар жоним, экан-да!

Атрофга йигилган одамлар ҳам менинг ёнимни олиб, гапга аралашиб, бойваччага луқма ташлашди:

— Ҳў, бойвачча, олганингиздан кейин қарзни беринг-да! Ким айтади сизни фалончи бойнинг ўғли, деб?!

— Тағинам, қарз берган бу йигит анча андишалик экан. Агар унинг ўрнида мен бўлганимда эгнингиздаги манави хитой камзулини, оёғингиздаги амиркон ковушни ечиб олган бўлардим!

Бу гаплардан ранги докадек оқарган, пешанасидан совуқ тер чиққан бойвачча шарманда бўлишидан чўчиб, чўнтағидан ўн сўмликни чиқариб, менга узатди-ю, ломмим демай йўлига равона бўлганди, унинг кетидан яна чақирдим:

— Ҳой, бойвачча! Тўхтанг!

Бечора йигит тагин нима бўлди экан, деган ўйда тўхтади. Унинг ёнига келиб атайлаб, ҳаммага эшилтириб дедим:

— Мен сизга қарз берганимда пулим майдада бўлиб, сиз қайтаргандек битта яхлит ўн сўмлик червон эмасди. Узр, ўшанда, ҳатто, ўн сўмга йигирма тийин етмаганди. Мана ўша йигирма тийинингизни олиб қўйинг,— деб чўнтағимдаги тантани олиб, унинг қўлига тутқаздим-да, қулогига шивирладим:

— Олаверинг, бу пулим ҳалол.

Бойвачча қизариб-бўзариб, кафтида тангани ушлаганича жўнаб қолди. Йигилган одамлар эса мени мақтаб: «Жуда ҳалол йигит экан!» дейишиди.



## Абдулла фонусчи

Асли унинг исмини мухлислари аввалига «Абдулла фонусчи», кейинроқ эса «Абдулла фонус», дея атай бошлаганлар. Бу антиқ қизиқчи Тошкент шаҳрининг Чорсу бозори атрофидаги маҳаллалардан бирида темирчи-тунукасоз оиласида 1828 йили таваллуд топган. У ота касбини давом эттириб, фонус, яъни қўлда кўтариб юрадиган чироқлар ясад сотиш билан кун кечирган. Академик адабимиз Faфур Гуломнинг эсдаликларида ёзилишича, Абдулла фонусчи қизиқчиллик ва асқия айтишиш билан бирга овозлар тақлиди соҳасида ҳам ўхшаши йўқ экан. У ёш қизлар, шўх болалар, овози дўриллаган йигитлар, шунингдек, эзма кампирлар, мадорсиз чоллар товушларини худди ўзларига ўхшатиб сўзлар, ҳатто, қушлар сайраши-ю тойчоқлар кишнашигача ўрнига кўяркан. Паст бўйли, қорачадан келган бу қизиқчи кўпроқ оғзаки кулгили ҳикояларни тўқиб, образларга кириб, турли овозларда ижро этганида одамлар кулавериб, кўзларидан ёш чиқиш дара-жасигача етаркан. Абдулла фонуснинг «Ковуш ўғриси», «Аёл ювгувчи», «Шилар даллол» каби ичакузди ҳикоялари ва бошқа латифанамо юморлари ҳалигача мухлислари томонидан оғиздан-оғизга кўчиб келади.

1912—1914 йилларда Чорсудаги Илҳом самоварчи чойхонасида Россиянинг Ногинск пластинка заводидан вакиллар келишиб, Тўйчи ҳофиз, ака-ука ҳофизлар: Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар, шунингдек, бошқа санъаткорлар ва қизиқчилар овозини пластинкаларга туширадилар. Бундай эзгу ишга Мулла Тўйчи ҳофиз ва Илҳом самоварчи билан бирга Абдулла фонусчилар бош-қош бўладилар.

Ардоқли қизиқчи 1914 йили қишида 86 ёшида вафот этади. Унинг овози ёзилган факат биттагина «Чорбозорчи хасис» деган пластинкадаги ҳикояни сал қисқартирилган ҳолда ўқийсиз.

## ЧОРБОЗОРЧИ ХАСИС

Қўшнимиз Миркамол чорбозорчини Тошкентдай шаҳри азимда танимайдиганлар жуда кам топилади. Қадимги бир китобда Хотамтой деган киши сахийлик ва мардлик бобида шуҳрат топгани ёзилган. Аммо бизнинг Миркамол ўта баҳилликда ном қозонган. Хотини Замира ҳам ўзига яраша аҳволда. Эр-хотин подачидан ош, гадойдан нон сўраб кун ўтказардилар. Фарзандлари йўқ. Ҳамсоялардан чиқадиган кўшни оши таъмасида ҳовлиси деворининг уч томонидан туйнук очиб қўйган.

Кунлардан бир куни хотини Замира Миркамолнинг атрофдати қишлоқлар бозорларида санғиб юришидан шикоят қилиб, унга йиғлаб деди:

— Ҳой эр, сиз қаро ермисиз. Бу қуриган, қақшаган уйда ёлғиз ўзим қолавериб, жинни бўлай деялман. Нима қиласди, менга раҳим қилиб, бир кўйми ё тана олиб берсангиз. Ёлғизлигимда ўшани боқиб, бундоқ овуниб, йўқлигингизни оз бўлса ҳам унугиб юрадим...

Миркамол ҳафтанинг олти куни қишлоқ бозорларида дайдиб, «ўсма кет», «сурма кет» қилиб юради: шанба куни Кўктеракда, якшанба Турбатда, душанбада Тўйтепада, сешанбада Ўртасаройда бўлса фақат, чоршанбада Тошкентда, жума куни эса Жумабозорга йўргиб қоларди. Унинг бисотида ҳамма нарса бор: лампа пилик, ўлдирилган симоб, ошиқни маъшуққа, маъшуқни ошиққа иссиқ-совуқ дуоси, игна, сақич, маккаи сано, ҳар хил тумор, эзид ички, хун дори, тиш ковлагич, бурга дорилар ва ҳоказолар. Деҳқонлар орасида ўз ҳолича табибгарчилик ҳам қиласди: зулук соларди, қон оларди, сурги ичиради, симоб ютқазарди. Хуллас, у боққан касаллар ё үларди, ё қоларди...

Шундай қилиб у ҳафтада бир кун — атиги чоршанбада кечқурундан то эрталабгача уйда бўларди. Хотин жонивор олти кун тор уйда ёлғиз ўтиради.

Замиранинг ҳалиги гаплари Миркамолга маъқул тушиб, мол бозоридан танлаб-танлаб, зўрга тик турса оладиган ориқ дирдов кўйни арzon гаровга олиб келади-да, яна бозор овлаб кетади. Шўрлик Замиранинг баҳтига оч қолган ориқ кўй тинимсиз маъраб, жигига тега бошлади. Кўни-кўшнидан чиқадиган нишхўрдалар етмасди бу дирдовга. Кейинги чоршанбада эри келганда Замира зор қақшаб, қовжираб арз қила кетди:

— Хой эр! Сиз бу ҳайвонни мени ўлимимдан беш кун бурун гўрга тикиш учун олиб келганимисиз? Ҳозироқ йўқотинг, бўлмаса отамникуга кетаман!

Ўша куни Миркамол нариги даҳадаги маҳалла қабристони чеккаларида ўсиб ётган барра ўтларга дирдовини етаклаб бориб ўтлатаркан, гўрковни кўриб қолади:

— Укажон, — деди у гўрковга, — биласанми-йўқми, мен бефарзандман. Қариб қолдим, ҳеч кимим йўқ. Агар савоб учун хўп, десанг мени ўзинг кўмарсан, мана шу кўйни гўр қазиш ва дағн ҳаражатлари ҳаққи учун олиб кўйсанг, илтимос!

Миркамолнинг гапларига гўрков рози бўлиб, кўйни олиб қолганди. Орадан икки-уч ҳафта ўтганида Миркамол қуруқ қабристон ёнидаги кўчадан ўтаётиб, ўз кўйни кўриб қолди. Кўй жуда семириб, думбаси тирсиллаб турарди.

— Ия, — деди у ўзига ўзи, — текиндан-текин шундоқ тирсиллаб семирган кўйни бериб қўяманми, йўлинни топиб оламан!..

У ана шу хаёlda бориб, гўрковнинг эшигини тақиллатди. Гўрков уйида экан, чиқиб, салом-аликдан кейин сўради:

— Келинг, тинчликми Миркамол ака?

— Бе, қаёқда тинчлик, ука! Қоплонбек қишлоғидаги қизамиқ чиққан бир қизчани даволаётиб, яrim қошиқ симоб ичиргандим, ўлиб қолди. Шунга оқпошонинг ҳокими мени Ўратепага бадарға — сургун қилди. Мазам йўқ, у ёқда кўзим юмилиб қолса, мени кўмадиган одам топилмайди. Шу боис олдингга келдим, қани ука, кийиниб чиқ, бирга кетамиз!

— Мен нега борарканман? — ҳайрон бўлди гўрков.

— Ахир сен мени кўмишинг керак, кафитини, яъни хизмат ҳаққини олгансан! Агар бормасанг, кўйни қайтар, ўша ёқдаги гўрковга олиб бориб бераман!

Ноилож гўрков семириб кетган кўйни етаклаб келиб, Миркамолнинг қўлига тутқазди. Шундан кейин Миркамол қуруқ кўнгли таскин топиб, кўйни олиб кетди. Уни сотдими ё сўйиб едими, буёғи маълум эмас.

«Ҳасис ҳаёсиз бўлар, ери гиёҳсиз бўлар», — деб шундайларга айтсалар керак-да!



## Саидаҳмад асқия

---

Агарда пойтахтимиздаги маҳаллалардан бирида асқия бўлиб қолса, кулгили пайровлардан кейин тошкентлик қариялар дарров Саидаҳмад асқияни эслашади. Унинг нозик, кишини ўйлантириб қўядиган сўз ўйинлари, ичакузди пайровларини айтишиб, мийиғларида кулиб қўйишади.

Саидаҳмад асқия 1860 йил кузида Бешёғоч даҳасининг Сирли масжид маҳалласида муҳр ўювчи, яъни муҳр ясовчи ҳунарманд, зиёли оиласида дунёга келади. Отаси Исахон домла муҳр ўювчи косиб бўлиши билан бирга маҳалла болаларини ўқитар, шунингдек, тўю зиёфатларда, сайлларда қизиқчиликларга қўшилиб, пайровларда ҳам қатнашарди. Йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларигача Чорсу атрофидаги чойхоналарда навбати билан асқия ва қизиқчилик гурунглари бўлиб турарди. Машҳур асқиячилар — Абдулла Фонус, Жўра қизик, машҳур ҳофиз Шоқосим Шожалиловлар билан бирга пайровда Саидаҳмад асқия ҳам гурра-гурра портладиган кулгилар улашарди.

Сирли масжид маҳалласи Чорсуга яқин бўлганлигидан Саидаҳмад асқияни асқиячилар тез-тез тўплана-диган жойларга таклиф этиб туришарди. Айниқса, Кўқондан Муқимий, Фурқатлар меҳмон бўлиб келишса, улар Саидаҳмадни йўқлатишар эканлар. Отаси ва-фотидан кейин Саидаҳмад маҳаллада домлациликни давом эттириб, болалар тарбиясига жиддий эътибор бера бошлади. Ўша пайтлари Чорсу билан Хадра орагифидан ўтган Изза (булоқлардан пайдо бўлган оқар сув) ариғи қирғогида «Толзор» чойхонаси бўларди, уни гоҳо «Қаландархона» деб ҳам аташарди. Боиси, кўпинча олисдан келган мусоғир — қаландарлар шу ерда тунашарди. Бу жойда ажойиб асқия кечалари, санъ-

аткорларнинг чиқишилари ҳафта сайин бўлар, ҳатто, давлат арбоблари ҳам келиб туришарди. Асқиячилар икки сўрига бўлиниб ўтиришиб, бир-бирларини мот қилишга уринардилар. Булар орасида Саидаҳмадга тенг келадигани топилмасди. Шу сабабли одамлар унинг исмига «аския» сўзини кўшиб айтардилар. Таълим-тарбия билан шуғулланганлиги туфайли Саидаҳмад асқия кўплаб бадиий асарларни ўқиб, ўзининг билим савиасини оширишга ҳам интиларди. 30-йилларда қун кечириш анча қийин эди. Тирикчилик аравасини тортишда Саидаҳмад ҳам кўплар қатори азият чекарди, шу алфозда у очарчилик хукм сурган 1932 йилда вафот этади.

Кўйида Саидаҳмад асқия гурунгларидан айримлари билан танишинг.

### МУХРГА ГАП СИФДИРИШ

Кунлардан бир куни Оққўрғонга янги сайланган қози Аннақулибек муҳр ўйдиргани келиб, Исахонга дебди:

— Муҳрга қайнотамнинг отини ўясан, исмлари Хуш Муборак, менинг исмим эса Аннақулибек. Азрўйи шариат Куръондан икки сурани ҳам шу муҳрга кўшиб ўясан! Муҳрнинг катталиги бир мири тангадек бўлсин!

— Ия, муҳр сопол лаган эмас-ку, — леб отаси ҳайрон бўлиб турганида Саидаҳмад ёрдамга келибди;

— Дадажон сира ташвишланманг, мен бу киши айтган узундан-узун гапни муҳрга сиғдириш йўлини топдим.

— Қани айт-чи, ўғлим, буюртмачининг ўзи ҳам эшитсин.

— У гап — икки мисра шеър:

«Куръондан икки сура: «Ёсин» билан «Таборак»,  
Қози Аннақулибек, қайнота Хуш Муборак!»

Бу шеър ўйилган муҳр қозига ёқиб, эртасига хурсанд бўлиб, олиб кетганмиш.

### ЖИЯКЛИ ЛОЗИМ

Отаси вафотидан сўнг Саидаҳмад унинг муаллимлик ишини давом эттириди. Ўша пайтларда қийинчилик туфайли дўконларда бўз матоларни кўп сотиш авж олганди. Саидаҳмад ҳам оқ бўз кийимда юради. У бир

куни дарсга сал кечроқ келибди. Дарс бошланган пайтда олдинги қатордаги болалар пиқир-пиқир кула бошлилар.

— Намунча пиқирламасаларинг, нима мен маймун ўйнатяпманми! — деб ўшқирса ҳам пиқирлаш давом этаверибди. Шунда Саидаҳмад бир болани ўрнидан турғазиб, қулоқ чўзма қўлмоқчи бўлганида у гапиришига мажбур бўлибди: «Домла, лозимингизнинг жияти узилиб, судралиб юрибди, шунга».

Саидаҳмад қай кўз билан кўрсинки, эрта билан шошилинчда хотинининг лозимини кийганини англабди. Хижолатдан қутулиш учун дебди:

— Жим бўлинглар, ҳозир эркакларга ҳам жиякли лозим кийиш удум бўлган, буни биринчи бўлиб, мен бошладим, — деб кўя қолган экан.

## НАҲОР ОШИГА БОРАЁТГАНДА

1910 йил эди, уруш туфайли бозорлар касодга учраб, ман-ман деган бойларнинг ҳам қўли калта бўлиб, тинкаси қуриб қолганди.

— Бир куни Ўрданинг Қаймоқ бозор маҳалласидаги таниқли амалдорникига наҳор ошига борардик, — дея ҳикоя қилганди Саидаҳмад аския чойхонада, — бизнинг тўдамизга бир гурӯҳ бойлар ҳам келиб қўшилишди. Тўда боши — Тошкентнинг машҳур бойи Сайд Мирзакаримбой кўчада дайдиб юрган кўпракка ишора қилиб, менга луқма ташлади:

— Саидаҳмад эшон, кўряпсанми, ошнинг исини билиб, анави ҳам қаторингга келяпти-я!

У пайтлари бойларнинг касодга учраб қолганини мўлжалга олиб, зум ўтмай жавоб қилдим:

— Йўқ, тўрам! У ошга эмас, унинг ҳам вексели касодга учраган кўринади, — пул ахтаргани кетяпти. Пул топса кутарага бир арана сўнгак олиб, майдалаб сотиб, ўзини ўнглаб олмоқчига ўхшайди!

Менинг бу гапимга тўдалагилар гурра кулишди, аммо бойлар сал жилмайишиди, холос.



## Эрка қори

Эрка қори 1877 йили Қўқон шаҳрига туташ Тумор қишлоғида дехқон хонадонида таваллуд топган. Бир ярим яшарлигига чечак касаллигига чалиниб, икки кўзи ожиз бўлиб қолган. Хотираси кучли, зеҳни ўткир Эрка қорида ашулаға, санъатга ишқибозлик эрта уйғонганди. У бир марта эшигтан қўшиқ сўзларини дарров ёдлаб оларди. 30-йиллари ҳозирги Ўзбекистон туманининг Қораюзбува қишлоғидаги тенгдоши Мамаюнус Тиллабоев билан танишади. Ўша-ўша икки истеъод эгаси ўртасида ижодий ҳамкорлик бошланади, улар секин-аста Фарғона-даги асқиячиларга устоз сифатида танила бошлайдилар. Бу икки дўст ўртасида ҳазил-хузил ва асқия пайровлари деярли ҳар куни бўлиб турган. Кўзи ожиз бўлишига қарамай, Эрка қоридан кўзи очиқ Мамаюнус кўпинча пайровларда енгиларди. Ҳатто, бир куни автомашина эҳтиёт қисмлари номлари пайровида асқия бўлиб ўтади. Пайров охирида «Энди қўяқолинг, Мамаюнус, сиздан шофёр чиқмайди, Калберитур (карбюратор) тутаб кетаяпти», дея рақибининг лақабига ишора қилиб, уни Эрка қори мот қилган.

1937 йили ўзбек адабиёти ва санъати декадасига Москвага поездда кетаётганида вагон деразасидан атрофни томоша қилаётган Мамаюнус мудраб ўтирган шеригини туртиб дебди:

— Тулинг, қори ака! Кўр отга (курортга) етиб келдингиз, ана қаранг!

Шунда Эрка қори деразага қараб, жавоб қилибди:

— Ҳовлиқмай қолинг, Мамаюнус! Бу ер Шўртепаку! — дея унинг «Кал» лақабига ишора қилган экан.

Москвага боргандарида эса улкан театр саҳнасида Эрка қори қўлига ликопча олиб, «Боғ аро» катта ашласини мусиқасиз, микрофонсиз ижро этиб, томошабинларни ҳайратда қолдиради. Юсуфжон қизиқ бош-

чилигидаги асқия пайровлари ва қизиқчиликларга қушилиб, ҳаммага қулги улашади.

Ана шундай ўткир зеҳни ҳофиз ва асқиячи, Ўзбекистон халқ артисти Эрка қори Каримов 1957 йили 80 ёшида она қишлоғида вафот этади.

Куйида Эрка қори билан Мамаюнус ўртасида бўлиб ўтган пайровлардан айримларини ўқиб кўринг.

## БЕДАНА ПАЙРОВИ

**Эрка қори.** Мамаюнус ака, ҳали ҳам ЖЎЖАлигин-гизча юрибсизми, дейман. ДОН олишингизнинг мазаси йўқ.

**Мамаюнус.** Э, қори ака, ҳозир об-тобидаман, келаверинг, КЎНОҚЛАШАмиз.

**Эрка қори.** Бирор қанотларингизнинг тагига СУВ ПУРКАБ кўйган шекилли, даврага тушолмай, мингайиб турибсиз!

**Мамаюнус.** Ҳа деб, ПАШШАлашавериб, бизнинг ЖЎЖАни ҳам ишдан чиқариб қўйдингиз, энди сизнинг эски ТУЛЛАГИНГИЗга ярармикан?

**Эрка қори.** Қочоққа тобим йўқ, яхшиси МАЛЛАни олиб келинг.

**Мамаюнус.** Уришсангиз ҳалол уришинг-да, узоқдан ЗАРБ билан келганимда елкангиздан ошириб юборманг!

**Эрка қори.** ОСИЛГАНИНГИЗча тураверасизми, ё тўрқовоқни аққа-баққа ҚИМИРЛАТИБ қўяйинми?

**Эрка қори.** Шамолда қолдингизми, дейман, «ВИҚ-ВИҚ, ВИҚ-ВИҚ»лаб қолдингиз.

**Мамаюнус.** Совуқ уриб кетдими, дейман, «УСТИМ ЯП-ЯЛАНГ, УСТИМ ЯП-ЯЛАНГ», деб сайраганингиз сайраган.

**Эрка қори.** Калтакнинг зарбиданми, бошингизни тўрга ишқаб, «ТАТАЛАНГ-ТАТАЛАНГ!» дейсиз-а??

**Мамаюнус.** Сайрашда адашиб қолиб, баҳона қиляпсиз, «ОҒЗИМ ТИРТИҚ-ОҒЗИМ ТИРТИҚ! — деб.

**Эрка қори.** Тавба! Худди ем-ҳашакка ўчдай «ТЕР-ТИРИТ, ТЕР-ТИРИТ!» деб дудуғланиб қоляпсиз-а!

**Мамаюнус.** Қори ака, мана бедана пайрови ҳам «СИП-СИЛЛИҚ» чиқди.

**Эрка қори.** Агар шу касб сизга маъқул тушган бўлса,

**қишилганида САЙРОҚИнгизга товламачиликни  
қилиб ўтираверинг!**

## **АВТОМОБИЛЬ ПАЙРОВИ**

*(Кўжон шаҳри сайилбогида бўлган асқиядан)*

**Мамаюнус.** Қори ака, маданийлашиб «Москвич» машинаси сотиб олибсизу, баъзи чапани шофёрларга ўхшаб дараҳтга уриб. ЧИРОҒИНИ ҮЧИРИБ қўйибсиз-а?!

**Эрка қори.** Ҳой Мамаюнус, сиз ёнимда бўлсангиз, чироқсиз ҳам ҳайдайвераман. Одамзоднинг маданийлашгани яхши-да, бўлмаса қачонгача сизга ўхшаб КАЛ ЯСКАни минаман!

**Мамаюнус.** Чирофининг ўчиб-ёниб, ўчиб-ёниб туришидан моторига бир гап бўлгандир, АКА МУЛЛА ТУРИНГ (аккумулятор), тузатамиз.

**Эрка қори.** Тузатиш ўзимнинг ҳам қўлимдан келади, менга халақит берманг, сиздан шофёр чиқмайди, қўйинг. Агар жаҳлим чиқса КАЛ БЕРИ ТУР (карбюратор) машинадан дейман!



## Ака Бухор

---

Қўқондан чиққан қизиқчилар орасида Ака Бухор, яъни Бухоржон Зокир ўғли алоҳида ўринни эталлайди. У 1894 йили зиёли косиб оиласида туғилган бўлиб, қизиқчи бўлишга интилади, аввалига Зокиргов театрига қатнаб, кейин эса 1916 йилдан қўқонлик Маҳкам Ҳофиз труппасида Тошкентта кела-ди, труппа иштирокчилари билан бирга «Нон гаро-ви», «Юрак оғриғи», «Рўмолча ўйнатиш» каби кулги-ли томошаларни кўрсатади. Кейинчалик Ака Бухор ўзи-ча созанда ва хонандалардан иборат мустақил труппа тушиб, «Ҳасан ва Ҳусан», «Олтингчи бола», «Мироб боши», «Чаққон бола», «Дор тагида» каби оғзаки кул-тили томошаларни намойиш этади. У 30-йиллардан бошлаб, замонавий мавзуларда «Прогулчи», «Қимор-боз», «Дилҳирож», «Чайқовчи» каби кичик миниатю-рага ўхаш комик томошалар кўрсатиб, кўпчилик-нинг олқишига сазовор бўлади. Қирқинчи йиллар да-вомида эса Ака Бухор дорбозлар гуруҳларига қўши-либ, дор тагида қизиқчилклар қила бошлайди. Шо-киржон Тошкенбоев, Усмонжон Нишонбоев, Ҳаким-жон Парпиев сингари дорбозлар гуруҳларига қўши-либ, гастролларга боради. Ака Бухор мимикали ва кул-гили ҳаракатлар ўйини устаси эди. Айниқса, унинг «Дўппи мақташ», «Илмли ака ва илмсиз ука» каби митти ичакузди томошаларини шогирдлари Теша қизиқ Комилов, Тўйчиқори РаҳимовFaфуржон Мамаюну-совлар иштирокида кўрган томошабинлар дор ўйинла-ри орасида гурра-гурра кулишиб, олқишлишардилар. 1962 йили бетоблиги туфайли Кўқонга қайтиб бориб, ўша ерда вафот этади.

## ДОР ТАГИДА

Дор тагидаги майдончага Ака Бухор ингичка арғамчини олиб чиқиб, ёйиб қўяди-да, унинг устидан худди дорбозлардек лангарчўл ушлаб юриб, атрофдаги томошибинларга мақтана бошлайди.

— Билмасанглар, билиб олинглар! Мен етти иқлимга донги кетган энг уста дорбоз Ака Бухор бўламан. Ана-ви тепадаги дорбозлар ҳаридек йўғон арқон устида қўрқа-писа юришса, аканг қарағай манави ингичка чилвирда бамисоли маймундай ўёқдан буёққа сакраб, бориб келаверади. Аммо аканг қарағайга Худо юракдан берган. Бир уришда етти хўқизни учирив юборадиган важоҳатим бору, дор устида лангар чўп ушлаб турсам олис-олисдан учив келаётган пашшани кўриб, мени тепиб, ағдариб кетмаса гўргайди, деб юрагим такапука бўлади. (Шу пайт дор тагида тош кўтармоқчи бўлиб турган полвон йигитга қараб гапиради.) Ҳўв ука! Ҳақиқий полвон бўлсанг, менга учив келмоқчи бўлган чивинни-пашшаларни ҳайдаб тур, бўлмаса улардан бири бошимга қўниб, мени дордан ағдариб юборади-я! Ўзинг биласан, мен сендеқ полвонларнинг йигирматасини бир қўлим билан орқа курагини ерга текказаман. Чиранма фоз, ҳунаринг оз, деб бежиз айтишмаганлар. Кеча мана шу ерда бир пудлик тошни у елкамдан, бу елкамга олиб турсам, беш яшар бир зинтарча тўсатдан пайдо бўлиб, ёнимга келди-да, ўша тошни бир қўлида елкамдан олиб қочса бўладими! Аввалига уялдим, кейинига мен ҳам бола вақтимда шунақа шўх эдим, деб қўя қолдим. Ана ўша бола яна пайдо бўлди. Ҳозир ўша боланинг қўлига бир пудлик тошни бериб, елкамга миндириб дор арқони устида лангар чўпсиз югураман. Ҳой бола, бу ёққа кел, қани елкамга чиқ! (Бола тошсиз кела солиб, Ака Бухор елкасига минмоқчи бўлганида, у белини ушлаб ерга ағанайди. Бола елкадан тушганида эса, дорбозлардек чилвир арқон устидан юра бошлайди.) Умбир бака банг, бангу банг!

## ПРОГУЛЧИ

— Оғайнилар, ўзим қўлқоп тикиш артелида ҳаддан ташқари илғор бўлиб ишлайману фақат бир айбим бор, у ҳам бўлса прогулчиман. Аксига олиб, раисимиз ҳар куни эрта билан атайлаб йўлимни пойлаб туради:

— Хўш, Бухорвой, нега бугун кеч келяпсан?

— Уэр раис! Келаётсам, толга боғлоқлиқ турган қўшнимнинг эшаги арқонига ўралиб ҳаром ўлиб қолса бўладими? Бечора қўшним, шошганидан ошхонадаги бир неча йилдан бўён занг босиб ётган пичоини олиб чиқиб берди. Қани, пичоқ жонивор эшакнинг терисига ўтса, арадак роса ишқаласам ҳам бўлмади. Икки соат уриниб, бир амаллаб томчи қон чиқардим-да!

— Унда кеча нега кеч қолгандинг?

— Кечами? Кеча этигимни кияётсам, бир қумурсқа сёғимни тишлаб олса бўладими! Додлаб, дўхтирга бордим. Дўхтирг қумурсқани олиб, қўлимга тутқазди, сизга кўрсатаман, деб олиб келаётсам, қўлимдан тушди-ю қочди-кетди.

— Ўтган куни-чи?

— Ўтган куними? Ҳа, айтгандай кенжатой ўғлим жуда юракли-да, у бир илоннинг боласини тутиб олиб келиб, дада ушлаб туринг, папкамни олиб чиқиб, унга солиб, мактабга кетаман, дейди-я! Ҳой ўғлим, бундан сен қўрқмасанг ҳам мен қўрқаман, дедим. У бўлса қўрқманг,чувалчанг, дейди-я?

— Баракалла, баҳонанинг кони прогулчи, — деб раис қўлимга паттамни тутқазди. Ана шунаقا гап!



## Юсуфжон қизиқ

(1869—1959)

Умрини кишиларни кулдиришга багишлаган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов «Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», деб айтгани айтганди. АкадемикFaфур Fулом «Юсуфжон қизиқ ўзбек халқининг азиз фарзандларидан биридир. У ўз кулгилари билан минг-минглаб кишилар умрини узайтиришга сабабчи бўлган», деб бежиз айтмаганди.

Ҳажв, ҳазил, муқаллиду асқия санъатини мукамал эгаллаган атоқли қизиқчи Юсуфжон Шакаржонов 1869 йили Марғилон шаҳрида Шокир тандирчи оиласида таваллуд топган. У 90 йил яшаган бўлса, умринг 80 йилини халқни кулдиришга бахшида этди. У устоз кўрган санъаткор, етти яшарлигиданоқ Зокир эшон бошчилигидаги қизиқчи ва асқиячилар гуруҳига қўшилади. Кун сайин маҳорати оша борган қизиқчи асримиз бошларидаёқ нафақат Марказий Осиё — Эрон, Афғонистон, Покистон, ҳатто, Россия пойтахти Петроград аҳлига ҳам ўз қизиқчиликлари билан манзур ва машҳур бўлади.

Юсуфжон қизиқ шогирдлар тайёрлашга ҳам жиддий эътибор берган. Унинг шогирдлари шу қадар қўпки, санаб адогига етолмайсиз: Охунжон қизиқ, Муҳиддин Қориёкубов, Тамарахоним, Теша қизиқ, Миршоҳид Мироқилов, Ганижон Тошматов, Муҳиддин Дарвишев ва бошқалар. Юсуфжон қизиқقا 1941 йили «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилган. Наманган ва Марғилон шаҳарларида унинг номидаги халқ театрлари ташкил топган. Қўқон шаҳрида эса Юсуфжон қизиқ номидаги қизиқчи ва асқиячилар музейи барпо этилган.

## ГҮШТИ СИЗНИКИ

Шокир ота беш яшар ўғли Юсуфжонни домлага олиб бориб дебди:

— Тақсир, шу гўдакни одам қилиб берсангиз, гўшти сизники, суяги бизники!

Ўшанда ёш Юсуфжон домлага ҳараб туриб, дадасига гапирган экан:

— Дада, бу киши кабобпазмилар?

## АФАНДИ ШУ БЎЛСА КЕРАК

Юсуфжон қизиқ илк бор 1909 йили Петроградга борганида қизиқчилек қилиб, кўпчиликни кулдира олмабди. Боиси, татар таржимон томошабинларга у айтган қизиқ гапларнинг кулгисини йўқотиб таржима қилган экан. Бундан жаҳли чиққан қизиқчи имо-ишора йўли билан одамларни кулдириш йўлига ўтибди. У қўлига каптарнинг тухумини олиб, икки қўзининг қорачиғини икки ёққа қилиб, фокус кўрсата бошлабди. Уни шарманда қилиш мақсадида петроградлик бир киши учта қизчага учта товук тухуми бериб, «Мана шуни ҳам оғзингизга солиб, қўзингиздан чиқаринг-чи?» дейишиларини буорибди. Қизлардан учта катта тухумни олган Юсуфжон қизиқ дарров чопонини ечиб, саҳна ўртасига қўйибди-да, унинг устига ҳалиги учта катта тухумни териб, қизлардан бирига манавини мана бундай босиб ўтир, деб кўрсатибди. Кейин ўзи саҳна чеккасига бориб, тухум босиб турган қизга ҳараб икки тиззасига икки қўлини шапиллатиб уриб, хўроz бўлиб қичқирибди. Буни кўрган оломон гумбирлаб кулган экан. Уша томошани кўрган петроградликлар «Афанди шу бўлса керак», деб юришаркан.

## ПОЛВОН БИЛАН КУРАШДА

Бир пайтлар Юсуфжон қизиқ Бухоро амирининг ҳам қизиқчиси бўлган экан. Қунлардан бир куни курашда даврага амирнинг мана мен деган полвони тушиб, унга талабгор топилмабди. Шунда амир сен билан манави полвон кураш тушади, деб Юсуфжон қизиқни кўрсатибди. Ҳамма кулибди. Ноилож Юсуфжон қизиқ чопонини ечиб, яктак билан ўртага тушибди. У полвоннинг белбоғидан ушлаб, қулогига шивир-

лабди: «Агар мени йиқитсанг, аспаласофинга кетдим, деявер! Амир атайлаб шундай қиляпти, унга ёқмай қолганга ўхшайсан. Бундан қутулиш йўли битта: бир оз айлангандан кейин: «Ё пирам Али!» деб наъра тортаман. Шунда сен йиқилиб, елкангни ерга теккизасан. Ўшанда амир кулиб, гина-кудуратни унугади...»

Бу гапдан полвоннинг оёғи қалтирай бошлабди, ҳар хил хаёлларга бориб, қизиқчи наъра тортиши билан осонгина йиқилиб, кураги ерга тегибди. Шундай қилиб, Юсуфжон қизиқ амирнинг полвонларга берадиган совринини олган экан.

### «БЕМАҲАЛ ТУФИЛИБМАН...»

Даврадаги ўйин-кулгини томоша қилиб турганида амирнинг қулогига Юсуфжон қизиқнинг «Уфф, бемаҳал туғилган эканман!» дегани эшитилибди. Бундан дарразаб бўлган амир ўшқирибди:

— Нега bemahal туғиласан, ё менинг салтанатим ёқмай қолдими, айт!?

Амирнинг важоҳатидан кўрқиб кетган қизиқчи ўзини қўлга олиб, маъюс ҳолда дебди:

— Амирим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, гапираман.

— Кечдим, гапир!

— Унда эшиting. Мен bemahal туғилмоқчи эмасдим, ойим билан дадам келишиб олиб, мажбур қилишида!

### МАҲЛИЁЛИК

Бир куни Мадаминбек қўрбоши йигитлари билан тоғда зерикканидан Юсуфжон қизиқча тўрт кишисини юборибди. Борган йигитлар Мадаминбекнинг топшириғига биноан Юсуфжон қизиқни қора байталга тескари миндириб, олиб келишибди.

— Ҳа, қизиқ! — дебди кулимсираб Мадаминбек, — Йигитларни юбормасам, келмас экансиз-да, оқибат шуми?

— Йигитларингизга бўй бермасдим, аммо аммангизни ҳам юборган экансиз, юзларидан ўтолмай, узун сочларига маҳлиё бўлиб келаверибман.



Юсуфжон қизиқ Шакаржонов билан Усмон қори Раҳимбековлар ўзлари тўқиган «Ажина» култили оғзаки спектаклини ижро этишапти (1936 йил).

## ЙИГИТ ҲАЙРОН

Юсуфжон қизиқни танимайдиган бир йигит тор кўча бошида унинг ўзини учратиб сўрабди:

— Юсуфжон қизиқнинг ҳовлиси қайси, билмайсизми?

— Хўв анови қизил дарвоза!

Йигит бориб, қизил дарвозани тақиллатиби: — Юсуфжон ака! Ҳой Юсуфжон ака!

Сал орқароқда уни кузатиб келаётган Юсуфжон қизиқ овоз бериди:

— Хўв, лаббай!

Йигит ҳайрон бўлиб, қайтиб келиб сўрабди:

— Юсуфжон қизиқ сизмисиз?

— Ҳа бизмиз.

— Унда нега ҳали сўраганимда менман, демадингиз?

— Унда мени эмас, ҳовлимни сўрагандингиз, йигитча!

## МУСАЛЛАС ЯСАШ

Ичмаса чидолмайдиган Тўймурод Юсуфжон қизиқни учратиб, қўярда қўймай ароқ олиб берасиз, деб туриб олибди. Иложи бўлмай қизиқчи ҳам рози бўлибди. Аммо ўша куни дўкон ёпиқ экан. Тўймурод шундай уйингиздан мусаллас олиб чиқиб берасиз, деб қистовга олибди.

— Тўймуроджон уйда мусаллас аллақачон тугаган. Укам, ҳаммага мусаллас олиб бер, деб осилиб юргунча уйда ўзингиз ясасангиз бўлмайдими?

— Билмайман, қандай тайёрлаш йўлини ўргатинг.

— Бўлмаса иним уқиб олинг: бозорга бориб, қора кишишдан тўйгунча ейсиз. Устидан икки коса совуқ сув ичасиз, кейин тўрт чақмоқ оқ қандни ҳам чайнаб, ютиб юборасиз. Ундан сўнг тунука томга чиқиб, қоринни осмонга қилиб ётсангиз ичингизда бақир-буқур мусаллас қайнай бошлайди. Агар тезроқ қайнасин десангиз беш-олти жийдани каппалаб, ямламай юting, қўлбола мусаллас тайёр бўлади-кўяди. Ўргандингизми?

— Ўргандим, раҳмат, — деб жўнаб қолибди Тўймурод.

## ТУШ ТАЪБИРИ

Ўша ароқхўр Тўймурод бир куни нонушта пайтида Юсуфжон қизиқникига келиб, унга кўрган тушини айтиби:

- Юсуф ака, бугун тушимда Эрмат сўфи менга яп-янги тун кийгизди. Бунинг таъбири қанақа бўлади?
- Сўфидан қарзингиз йўқмиди? — сўрабди қизикчи.
- Бор.
- Унда бугун ётиб ухланг, — тушунтирибди қизикчи. — Навбатдаги тушингизда сўфи кийдирган тўнини ечиб олади-да, кейин сизга қарздан кутилдинг, Тўймурод, дейди.
- ЁпираЙ-а?

## МЕҲМОНХОНАДА

Ўзбекистон кунларини ўтказиш учун кўпчилик санъаткорлар қатори Юсуфжон қизиқ билан Охунжон қизиқлар ҳам Москвага боришганди. Улар «Москва» меҳмонхонасининг еттинчи қаватидаги бир хонага жойлашишди. Жўрахон Султонов билан Фанижон Тошматовлар қизиқчилардан хабар олайлик, деб келишганди, устоз уларни кўриб койий бошлади:

— Келганимизга уч кун бўлди. Охунжон иккимиз уч кундан бери тўрқовоқда сайраб ётибмиз. Сув, дон берадиган бир мусулмон йўқ. Охири ресторанга тушдик. Суюқ-куюқ овқат олиб, юз-юз кўтардик. Официантга ҳисобла, десам, «Тўқсон беш сўм», деганини биламан, Охун томонга ёнбошлаб қолибман. У официантга касали тутиб қолди, деб сир бой бермасликка уринибди. Тепамизга одамлар йигилиб, роса томоша бўлибмиз. Шу орада бир ўзбек йигити келиб қолиб, Охундан аҳволни сўраб билибди.

— Бу bemornинг дардини мен биламан, дориси бор, — деб официантни рози қилибди. Кейин барака топкур, менинг ва Охуннинг чеккасига йигирма бешталиқдан қистириб кетибди. Шундан кейингина баданимизга қон югуриб, ўрнимиздан турибмиз. Бизга дон, сувни ким беради ўзи?!

## ҚИЗИҚЧИННИНГ ХОТИРА ДАФТАРИДАН

### Махорка

Махорканинг учта хосияти бор. Биринчи хосияти — уни чекадиган одамнинг уйига ўғри тушмайди, чунки у кечаси билан йўталиб чиқади.

Иккинчи хосияти — махорка чекканни ит таламайди, чунки у ҳасса билан юради.

Учинчи хосияти — махорка чеккан одам Азроилни кутиб ўтиrmайди, тезроқ ўлиб кетади.

### Каромат

Каромат ногорачиларда бўлади. Агар кўшнининг хотини туғса, эрталаб ногора овозидан билаверасан.

Каромат киссавурларда бўлади. Пулинг йўқ бўлса, кўчада тонггача ётиб қолсанг ҳам ҳеч ким сенга қарамайди. Пулинг борлигини билса орқангдан эргашади.

Каромат кондукторларда бўлади. Чипта олиб транспортнинг охиригача боришинг мумкин. Чипта бўлмаса иккинчи бекатдаёқ тўппа-тўғри рўбарў туриб, жарима ундириш пайига тушади.

### Сичқон ҳақида

Бир куни сичқонлар мажлисга йигилишди. Кун тартибида битта масала: мушук билан алоқа боғлаш, сичқонлар учун тинчлик ўрнатиш. Музокаралар кўп бўлди. Хуллас, охири бир тўхтамга келишди. Мушук келаётганини пайқаш учун унинг бўйнига қўнғироқ осиб қўйишга қарор қилишди. Қарор қабул қилинганидан кейин бир тешикдан кичкина сичқон бўйини чўзиб:

— Бу ерга нимага тўпландинглар? — деб сўради.

Йигинга тўпланган амалдорлар унга ҳамма гапни бир чеккадан айтиб беришди.

— Тўғри қарор қабул қилибсизлар, — деди ўша сичқон, — бироқ орангизда мушукнинг бўйнига қўнғироқ иладиган мард топилармикин?

Унинг бу саволига жавоб бера олмадилар.

Бизда ҳам сергап, қуруқ маслаҳат берадиганлар жуда кўпу, аммо амалда ҳеч балода йўқ...



## Охунжон қизиқ Ҳузуржонов

Кулги дарғаларидан машҳури ҳисобланган Охунжон қизиқ кишиларнинг умрига умр кўшиб, яхшиларни кулдириб, ёмонларни куйдириб ўтди. У отахон қизиқчи, устози Юсуфжон қизиқ Шакаржонов билан талай ерларда томошалар кўрсатди.

Охунжон қизиқ 1903 йилда Марғилон шаҳри яқинидаги Акбаробод қишлоғида туғилади. Ота-онадан барвақт ажралган Охунжон бирорларнинг сигирини боқиб юрганида Юсуфжон қизиқقا дуч келади. Унинг қизиқчиликка қизиқишини сезган устоз олти ёшли болани Марғилонга етаклаб келиб, тарбиялай бошлайди. Қизиқчилик санъатини эгалаган Охунжон энди мустақил ижод қила бошлайди. Унинг «Кинначи кампир», «Граммофон», «Сартарош», «Сумалак», «Самолётда», «Шафтоли ўғриси», «Уч кўкнори» каби ичакузди ҳикоялари ўз даврида машҳур бўлган. Кўпчилик қатори Охунжон қизиқ ҳам қатағон йиллар азобига дучор бўлганлардан. Сабаби унинг ҳажвлари нишонга тегиб, ноҳокларни фош этганилиги учун ҳам қизиқчи таъқиб остига олинганди.

У 1967 йили Марғилонда вафот этди.

### ЭРКА КАМПИР

Сешанба куни Тошкент шаҳрига кетаётган эдим. Марғилон темир йўли бекатида бир ажойиб зебо кампир ўзларига шундоқ оро бериб ўтирибдилар-ки, аста қўяберасиз. Ёнларида патефон, ҳар хил пластинкалар: «Боғар», «Бир келиб кетсан»дан тортиб, «Илилла ёрим уйғонсин-у» «Дўмбогим»гача бор. Улар орасида менинг «Сумалак» пластинкам ҳам турибди. Кампир ўзидан-үзи гапиряпти:

— Анави қаторлашмай ўлгурлар, менга чипта олиб беришса ўлармикин?

Шунда мен онахон кампир билана танишай деб, гап қотдим:

— Ассалому алайкум, онахон! Ўзлари қаерга борадилар?

— Конибодомга, қизим Хатичаникига, эри колхозга майиз (раис демоқчилар) бўлиб ишлайди.

Бу кампир нимага шунчалик эрка десам, бир ўғли учувчи, яна бир ўғли муҳандис, кичик ўғли агроном экан. Уч ўғлининг топгани бир рўзгорға тушиб, кампирвойни жуда пўкақдек шишириб юборган экан. Кампир билан гаплашиб, «Хўп, онахон, червондан чўзинг, мен чиптани сизга дўндираман», дедим. Ўшанда кампир сатта қарсилама ўнталикларни, йигирма бешталикларни ҳошияли дока рўмолининг бурчагидан ечиб олиб бериб, «Ма, олиб чиқақол!» дедилар. Ўша пайдаги 8 сўму 84 тийин пулга чиптани олиб, қолган қайтимини кампиршога топширдим.

— Мана, онахон, мана бу чиптангиз, мана буниси ортган пулингиз, эҳтиёт қилинг, — дедим. Гапим унга Эришроқ туюлди шекилли, менга деди:

— Мени ёш гўлакка ўҳшатмай ўл, кўзинг ола бўлса ҳам яхши бола экансан, — деб чиптани рўмолларининг учига тутиб қўйдилар. Ўшанда мен:

— Қани, онахон, Тошкентта кетяпман, бир дуо қилинг, — десам, кампир нима дейди денг:

— Икки энлик қофоз олиб бердим, деб миннат қилмай ўл!

Шу вақт паровознинг акс-садоси эшитилди. Кампир унга қараб нима дейди:

— Анавини қара, Шерали мешқоринга ўҳшаб, хўп семирибдими, пишиллагани пишиллаган-а! Жонивор, ўрнидан жилолмай, ер тепиняпти-я!

— Э онажон, бу жонивор эмас, ўтхона.

— Биламанми, шерикларини ҳадеб қичқириб, ёрдамга чақирияпти-ку!

Қарасам кампир кулдириб кетадиган. Мен ҳам патефонни пластинкалари билан кўтаришиб, вагонга олиб чиқдим. Бир вақт кампиршо жойларига ўрнашиб олиб, гапга тушдилар:

— Ҳой олакўз, опоқ даданг раҳматлик бўлганида, хўл гаплашиб кетадиган жой экан-да. Буни қара, кара-

вотларига тўшак солиб, қавитиб қўйибди-я. Агар Хатича кўнса шу уйга кўчиб келардик!

Шу орада текширувчи келиб, ҳамманинг чиптасини кўздан кечира бошлади. Навбат кампирга келганида у менга қаради:

— Чиптани мен олиб берганман десанг, ўлиб қоласанми, олакўз!

— Ҳа, мен олиб берганман, тузукроқ қаранг, рўмолингизнинг учига тугиб қўювдингиз-ку!

Кампир рўмолининг учини қарайдики, чипта йўқ.

— Манави олакўз бола олиб берганди, чипта йўқ! — деди текширувчига.

— Бўлмаса жарима тўлайсиз!

Кампир текширувчига ёлбора кетди:

— Бўйгинангдан айланай, болам, Конибодомдаги Хатичанинг эрини танирсан, колхозга майиз...

Текширувчининг аччиғи келиб:

— «Хатича-патичани билмайман, чиптани кўрсатинг!» — деди.

— Ҳа, шоли экишган, сенга капсан олиб бераман, айланай!

— Капсан-папсан кетмайди, жарима тўлайсиз!

— Ҳой, болам, унақа дема, ана бу тугунда қовоқ сомса бор, иссиғида е!

Текширувчи кампирнинг сўнгги гапига кулиб юборди. Поезд хаш-паш дегунча Конибодомга етиб келди.

— Қани, онахон! Конибодомга етиб келдик, ю克拉ингизни туширишиб берай, десам, кампир:

— Ҳой, олакўз, шунча яхшиликлар қилдинг, яна бир яхшилик қил, — деди.

— Майли, нима қилай, — десам кампир:

— Ҳалиги ковушимни олиб келиб бер? — дедилар.

— Ковушингиз қаерда эди?

— Шу уйга кираётганимда остонаяга ечиб киргандим-да!

## ГИЙБАТЧИЛАР ЖАЗОСИ

Башанг кийиниб олган Афанди кўчада кетаётган эди, чинор тагида ўтирган икки ифвогарга жон кирди:

— Райимқул фаранг, анавига қаранг, — деди Қосим бекорчи Афандини кўрсатиб, — оладигон маоши етмиш сўму эгнидаги пальтосини кўринг, камида юз ўн сўм турар. Бир балоси бўлмаса бунақа пальтони қаёқдан оларди, лаббай!?

— Балли, бекорчим, ўтирик қылса керагов, — деб минфирилади фаранг, — уни суришириб кўриш лозим.

Панада ўтириб, ифво тоши отаётганларнинг минфири-мингирини эшишиб, Афандининг жаҳли чиқиби. Эртасига нима дейишаркин, деб атайлаб эски жулдур кийимларини кийиб чиқиби.

— Райимқул фаранг, анавига қаранг, — дебди Қосим бекорчи носқовоги билан Афандини кўрсатиб, — роса расво бўлиби-ку!

— Ҳа-я! Бу аҳволда юрганидан кўра без тергани ё ўлгани яхши!

Шундан кейин Афанди бир ўлиб кўрай-чи, бу ифвогарлар яна нима деркин, дея тўртта жўрасини чақириб маслаҳатлашибди. Ҳатто, у жўраларига нимани айтиб йиглашларигача ёзиб бериби. Эртасига жўралари тобутни кўтарган ҳолда йиглаб, чинор тагидан ўтишаётганда Райимқул фаранг Қосим бекорчини туртиби:

— Очкўз Афанди гап-гаштакда овқатни кўп еб, бўкиб ўлганга ўхшайди.

— Яхши одам бўлса жума куни ўлмасмиди, — деб қўйиби Қосим бекорчи.

Афанди энди буларнинг иғвосига ортиқча чидаёлмай, тобутдан шартта бошини кўтариб, бақириби:

— Ҳов, сувюқмас кўйдиргилар! Яхши кийиниб кутулмасам, ёмон кийиниб қутулмасам, ўлиб кутулмасам, яна нима қил, дейсизлар!

Ўликнинг тирилганини кўрган гийбатчилар ҳушларидан кетиб, йиқилибдилар.

## САРТАРОШХОНАДА

Тошкентта биринчи келганида Охунжон қизиқ Эски Жўвада сартарошхонага кириб, Исройл сартарошга дуч келиби. Сартарош одатдагидек, «Мижозни зериктириб қўймаслик»ка уриниб, гапиравериб-гапиравериб, қизиқчининг қулогини қоматга келтириби.

— Ҳар дона сочимга биттадан гап айтдингиз, энди етар. Буёғига бас қилинг!

Бу гап сартарошга андак қаттиқ тегиб, мижозни боплаб туширмоқчи бўлиби. Соч-соқол олишни роса чўзиб, охири хизмат ҳақига ўн беш сўм сўрабди.

— Намунча қиммат?

— Соч-соқолни олдим, юз-бошингизни силадим, елкангиз билан гарданингизни уқаладим, қулогу бу-

рундағи мұйларни қирқдим, пахта ҳұллаб чеккаларингизни артдим ва ҳоказо, ва ҳоказо, ақажон!

— Унда айтингчи, бир гром қон учун дүнүрга қанча тұлашади?

— Билмадим.

— Билмасанғиз билиб олинг, бир гром қон икки сүм бўлади. Сиз менинг ўн жойимни кесиб, пахта экдингиз. Демак, ўн гром қон кетди. Шунинг учун менга беш сүм тўласанғиз, ҳисоб-китобда орамиз очиқ бўлади-кўяди. А, лаббай!

## ЮВИБ ҚЎЙИШИБДИ

Чойхона сўрисида ўтирган ҳазилкаш оғайнилари Охунжон қизиқни ош ҳаражатига тушириш ниятида уни зимдан кузатишибди. Уша куни қизиқчи янги сотиб олган велосипедини миниб келиб, толга суяб қўйибдида, у-бу сотиб олиш учун магазинга кириб кетибди. Пайт пойлаб ўтирган ҳазилкашлардан бири оёқ учиды келиб, велосипеднинг ғилдираклари дамини чиқариб кетибди. Магазиндан чиқиб, Охунжон қизиқ қараса, велосипед абгор ҳолда. «Бу ишда бир сир борга ўхшайди», деб қўйибди ўзича. Кейин у велосипедини елкасида кўтариб, йўлга тушибди. Уни кўрган сўридагилар гўё ўзларини билмасликка олиб, гап қотишибди:

— Велосипед қутлуғ бўлсин, Охун ака!

— Шунчалик аяйсизми, сиз уни миниш ўрнига у сизни миниб олибди-ку!

— Зап янги велосипед экан, оғани, ювайлик!

Сўридагилар бирин-сирин келиб, Охунжон қизиқни ўраб олишиб, «Ювайлик», деб қисташаверибди. «Сир»нинг тагига тушуниб етган Охунжон қизиқ қўл силтаб, улфатларига дебди:

— Э-э! Кўрмаяпсизларми! Сизлардан чаққонроқ бир юувучи аллақачон ювив, кафанлаб қўйибди, энди мен буни кўмгани олиб кетяпман!

## ТИЛГА БОСА ҚОЛИНГ

Тошкентта келиб, филармонияга ишга кирған Охунжон қизиқни бир куни директор ўз хонасига чорлаб, айттибди:

— Охун ака, саҳнага чиқиб қизиқчилик қиляпсиз, аммо айтаётган гапларингизнинг ёзилгани менда йўқ.

Ўшаларни ёзиб бермасангиз, бундан буён саҳнага чи-  
қишингизга йўл қўймайман.

— Ёзиш кўлдан келмайди, мен фақат гапиришни  
 биламан.

— Унда котиба қизимиз ёнига боринг, машинкада  
 ёзади.

— Унда ҳам бўлмайди, котиба ёнига борсам тилим  
 калимага келмай қолади, мен фақат саҳнада яйраб  
 гапираман, холос.

— Гапларингизни бир амаллаб қоғозга туширишин-  
 гиз керак, мен унга имзо чекиб, муҳр босишим керак.  
 Бу билан ҳазиллашиб бўлмайди!

— Директоржон, бошимни кўп қотирманг, ёзол-  
 майман! Яхшиси тилимга имзо чекиб, муҳрингизни  
 босаверинг, бундан осони йўқ! — дебди Охунжон қизиқ  
 оғиздан тилини чиқариб.

## ФИНГ ДЕМАДИ

Катта лавозимда ишлаб келган Бойбўриев бирда-  
 нига амал курсисидан қулаб тушди. Энди енгил маши-  
 на-ю, шофёр йўқ. Нима қилсин, умрида яёв юрмаган,  
 кўча-кўйни билмаган, — ҳаммасини шофёри биларди.

Куни кечада уни маҳалламиз кўчасида учратиб қол-  
 дим. У мен билан маъюс кўришди-да, сўради:

— Мула Охун, ижроқўмга неchanчи автобус олиб  
 боради?

— Номерини айтганим билан барибир топиб бо-  
 ролмайсиз, келинг, сизга бир яхшилик қиласай. Нега  
 деганда бир вақт уйга кечроқ келаётганимда машинан-  
 гизни тўхтатиб, «Чиқ» дегандингиз.

— Раҳмат, Охун, яхшиликни унутмас экансиз.

Шундай қилиб, Бойбўриевни автобусга олиб чи-  
 қиб, ижроқўм биноси яқинидаги бекатга келганда де-  
 дим:

— Тушинг, келдингиз. Буёғини ўзингиз топарсиз.

— Ижроқўм эшиги олдига олиб борсангиз, деган-  
 дим.

— Йўқ, — дедим унга, — ўшанда сиз ҳам маҳалла  
 чойхонаси олдида тушириб, «Буёғига ўзингиз бораве-  
 расиз», дегансиз!

Гапим қаттиқ тегди шекилли, Бойбўриев ғинг де-  
 мади. Автобусдан тушиб, у ёқ-бу ёққа аланглаганича  
 қолаверди.



## Комил қори

Азалдан Кўқон шаҳри санъаткорлар ва ҳажв ҳамда кулги дарғалари номини олганларнинг маконидир.

Бошқа қизиқчилар сингари Комил қори Кулижон ўғли ҳам ана шу шаҳарда 1891 йили туғилиб, вояга етган. У салкам саксон йил яшаб, улкан ижодий йўлни босиб ўтди. 1926 йилдан то ўттизинчи йилгача Юсуфжон чаңгичи труппасида, қирқинчи йиллари эса Аха Бухор труппасида қизиқчиллик қиласи. 1937 йилги Москвада бўлган ўзбек санъаткорлари ўн кунлигига ҳам иштирок этган. Комил қори кўпинча қизиқчиллик асарларини ижро этишда Пўлат қизиқ билан ҳамкорликда одамларни кулдирган. «Келин тушди», «Тўн ўғриси», «Ҳаммол», «Ўлик сотди», «Бедана ўйини», «Афон табиби», «Уч қори», «Нашавандлик», «Шайтон» каби ичакузди томошаларни одамларга кўрсатиб, кўпчилик олқишига сазовор бўлган. Айниқса, унинг «Уч бўқоқ», «Кичкинажон» каби рақс-пантомимаси қизиқчилликда алоҳида аҳамиятга эга. Улкан истеъдод этаси Комил қори Кулижонов 1968 йили ўз она шаҳрида вафот этган.

Қуйида унинг Пўлат қизиқ билан бирга ижро этган «Тўн ўғриси» асарини зътиборингизга ҳавола этамиш.

### Тўн ўғриси

*(Бозор. Даврага виқор билан оқсоқол чиқиб, ўзини ўзи мақтайди.)*

Оқсоқол. Ҳалойик, билмасанглар билиб олинглар! Мана мен бозор оқсоқоли бўламан! Бу ерда ҳеч ким мендан бесўроқ иш қилмайди. Сотгандан ҳам оламан, олгандан ҳам оламан. Олмасам, ўша куни сира уйқум келмайди. (*Шу маҳал бозорга сўфи — Пўлат қизиқ кириб келади.*)

**Сўфи.** Бу бозорнинг оқсоқоли ким?!

**Оқсоқол.** Мана мен, олдингда турибман-ку, наҳот билмасант!

**Сўфи.** Э, оқсоқол сизмисиз ҳали? Ассалому алайкум!

**Оқсоқол.** Ваалайкум! Нима гапинг бор?

**Сўфи.** Оқсоқол почча, менга бир меҳрибонлик қилинг, пешин номози пайтида ечиб қўйган тўнимни кимдир ўғирлаб кетибди. Агар ўша тўнни битта-яримта бозорга олиб келса менга хабар қилсангиз.

**Оқсоқол.** Тўнингнинг бирор белгиси борми?

**Сўфи.** Белгиси: усти қора, ичи қизил, қўлтиғида жиндай чоки сўқилган жойи бор.

**Оқсоқол.** Тўнингни бозорда сотса қанчага оларкин?

**Сўфи.** Ўттиз сўмга олса керак.

**Оқсоқол.** Ундан бўлса хизмат ҳақи учун қирқ сўм берасан, шунда тўнингни топиб бераман.

**Сўфи.** Ия, тўнинг баҳосидан ҳам қўл-ку! Инсоф сари барака, деганлар, лоақал уч сўм олинг, тўрт сўм олинг!

**Оқсоқол.** Менга қара, ўғрини ушлашнинг ўзи бўлмайди, айтганимни берсанг тўнингни топиб бераман, бўлмаса йўлингдан қолма-е!

**Сўфи.** Бўпти, сизни бир амаллаб рози қиласман. (*Сўфи даврадан чиқиб кетади. Шу пайт тўн қўлтиқлаган ўғри бола кириб келади. У алангалааб, уёқ-буёққа қарайди. Оқсоқол уни кўриб қолди.*)

**Оқсоқол.** Хў бола, бақقا кел!

**Ўғри.** (дўқ қилиб) Менда нима ишингиз бор, бозорда юргани қўймайсизми?

**Оқсоқол.** (*мулоим товушда*) Мен сени танидим, ўғлим. Даданг билан қалин ўртоқмиз. Агар орқангда яшириб турган нарсанг сотиладиган бўлса, мен яхшилаб пуллаб берайин.

**Ўғри.** (*ўйланаб*) Қўйинг, оқсоқол почча, чап қовоғим учиб турибди.

**Оқсоқол.** Қовоғинг учган бўлса севинасан. Қани, яқинроқ кел, қўрқма. Олиб келган нарсангни қўрай, қанақа экан?

**Ўғри.** (*қўрқа-писа*) Бу дадамнинг тўнлари. .

**Оқсоқол.** Ҳа, баракалла! (*Тўнни олиб, очиб қўради. Қараса сўғи айтган тўннинг ўзгинаси.*) Об-бў, азаматей, бунга қанча нарх қўясан?

**Ўғри.** Эллик сўм.

**Оқсоқол.** Эллик сўм? Бунинг баҳоси ўттиз сўм.  
(*Оқсоқол юмшоқ гапириб туриб, авраб ўғрининг қўли аралаш белидан аргамчи билан боғлаб олади.*)

**Ўгри.** Нима қиляпсиз ўзи? Сизга тўн сотмайман!

**Оқсоқол.** Ҳа, қўлга тушдингми! Ростини айт, тўнни қаердан олдинг? (*Ўгрини ура бошлади.*)

**Ўгри.** (йиглаб) Дадамнинг тўни, дедим-ку!

**Оқсоқол.** Ёлғон. Ростини айт! (*Ўгрини яна ураверади.*)

**Ўгри.** Вой-вой! Оқсоқол почча урманг, ростини айтаман!

**Оқсоқол.** Тўғрисини айт, бўлмаса чалпак қилиб қўяман!

**Ўгри.** Баланд масжиддан олган эдим.

**Оқсоқол.** (*Сўфини чақиради.*) Ҳў, сўфи бу ёқقا кел!

**Сўфи.** Лаббай ака, топилдими?

**Оқсоқол.** Мана бу тўнни танийсанми?

**Сўфи.** (*тўнни қўлига олиб*) Ҳа, ўзимнинг тўним, усти қора, ичи қизил, қўлтигининг чоки сўқилган. Ким олган экан?

**Оқсоқол.** (*бойлоғлиқ болани кўрсатиб*) Мана бу олган экан.

**Сўфи.** Уринг бу баччагарни! Булар қаринлош-уруги билан ўгри! (*Оқсоқол билан сўфи ўгрини роса калтак-лайдилар. Ўгри додлаб, бўкиради.*)

**Ўгри.** (Йиглаб чақиради.) Дада! Ҳой, дада! (*Ҳөвлиқиб мударрис келади ва сўфининг ёқасидан маҳкам сиқиб олади.*)

**Мударрис.** Сен муттаҳам, нега ўғлимни боғлаб уряпсан!

**Сўфи.** Ўғлинг ўгри! (*оқсоқолга*) Бу баччагарнинг отасиям ўгри! Отасининг қўлтигини қаранг, бозорда бекор юрмаган у!

**Ўгри.** Дадамнинг қўлтиғига чипқон чиққан, қараманглар, оғрийди! (*Оқсоқол билан сўфи мударриснинг белбогини ешиб, қўлтиғидан бир жуфт калиш ва бошқа нарсалар ерга тушганини кўрадилар.*)

**Оқсоқол.** Боласи ўгри десам, отаси ҳам ўгри экан.

**Мударрис.** Кўп кеккайма, ўзинг порахўлар порахўрисан! .

**Сўфи.** (*оқсоқолга*) Ахир бола ўғирликни отасидан ўргантган-да! (*Даврада уриш-жанжал бўлиб, бир-бирларини судраб, чиқиб кетадилар.*)

## АСКИЯ

(Пўлат қизиқ Нормат ўғли билан Комил қори ўртасида «Чўтири» ва «Кал» лақабларига ишора қилинган пайров.)

**Пўлат қизиқ.** Ола хуржунни кўтариб олибсиз, йўл бўлсин қори ака?

**Комил қори.** Бозорга, ғалвир керак бўлиб қолди.

**Пўлат қизиқ.** Ҳафороқ кўринасиз, ё тутунча-пугунчани йўқотдингизми?

**Комил қори.** Э, Пўлатжон, шўрим курсин, тутунчани тушириб қўйибсан, деб янгангиз ҳаммаёғимни юлиб, шағал тўқилгандек қилиб қўйди.

**Пўлат қизиқ.** Уйингизда жазлик тамом бўлгандирда, ёғ қовоқни қозиқقا тескари илиб қўйибсизлар.

**Комил қори.** Ҳа, энди кунимиз ачитма патирга қолди.

**Пўлат қизиқ.** Қори ака, устунларнинг тагига гувалякларни териб қўйибсиз, эски чордевор бузиладими, дейман?

**Комил қори.** Бу, шувоққача билмабсиз-да!

**Пўлат қизиқ.** Тўрва қуллуқ бўлсин, жуда кунгирадор-а?

**Комил қори.** Куним сақич-мози сотишга қолди, элак олиб чиқиши ёдимдан кўтарилибди.

**Пўлат қизиқ.** Қори ака, зўрга кун кўриб юрибсизу, билмаганлар сизни бўйни йўғон, дейдилар.

**Комил қори.** Бетта айтганнинг захри йўқ!

**Пўлат қизиқ.** Ёнингиздаги мачитнинг гумбази битибди, қуллуқ бўлсин!

**Комил қори.** Шошилмай қолинг, Пўлатжон, битганида ўзим хабар қиласман, ҳали нақш солингани йўқ!



## Жўрахон Султонов

---

Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султонов машҳур асқиячи Юсуфжон қизиқнинг истеъодли шогирдларидан бири бўлиб, 1902 йил охирида Марғилонда туғилган. У 1935 йилгача Юсуфжон қизиқнинг концерт трулласида хизмат қилиб, ҳофизлик ва асқия айтиш сирларини яхши ўзлаштириб олади. 1932 йили Тошкентга келиб яшай бошлайди. Тошкент театрлари ва истироҳат боғларида мустақил ҳофизлик қилиб, асқиячиликни авж олдиради. Унинг трулласида Фанижон Тошматов, Маъмуржон Узоқов, бастакор, созанда Муҳаммаджон Мирзаев, бухоролик асқиячи аёл — Муҳаббатхон Мусаева (у конференсъелик қилиб, асқия пайровларига доимо қўшилиб турарди) сингари санъаткорлар қўшиқ, куй ҳамда асқия пайровларини олиб борардилар. Устоз асқиячи Жўрахон Султонов 1966 йил октябрида вафот этади.

Кўйида унинг тошкентлик машҳур ҳофиз Шоқосим Шожалилов билан бўқоқ пайровида бўлган асқиясини ўқийсиз.

### БЎҚОҚ

*(Кўқондан келган, бўқоқ лақабли асқиячи Усмон қорига тегажоқлик қилиб айтилган пайров.)*

**Шоқосим.** Жўрахон, ёнингизда ўтирган меҳмонни яхши танимаяпман. Айтинг, БУ ҚАФЛИК ўзи?

**Жўрахон.** Мен ҳам танимайроқ турибман, БУ ҚАФЛИКлигини қаердан билай!

**Шоқосим.** Бўлмаса сўраб билинг-чи, БУ ҚАҚқа борар экан?

**Жўрахон.** Шуни ҳам сўраб ўтираманми, БУ ҚАҚдан келган бўлса, ўша ёққа бораверади-да!

**Шоқосим.** Гапни БУ ҚОҚ белидан гапирадиган чи-қиб қолдингизми дейман, ўйлаб кўрсам, у одам менга ҳам танишга ўхшайди, кузимга иссиқ куринаяпти.

**Жўрахон.** Ҳа, бу укам тут дарахти тагида тўкилиб ётган қовхираган мевасини териб юрган экан, мен унга БУ ҚОҚмас, дедим.

**Шоқосим.** Э бўлди, эсимга тушди, анав куни катта йўл ўртасидаги ўрдакни кўриб, БУ ҚОҚилаяпти-я, деб ишора қилгандингиз.

**Жўрахон.** Шунақа, қарға қагиллагани қагиллаган, аммо БУ ҚОҒ, демайди.

**Шоқосим.** Жўрахон уни қўйинг, бошқа пулдор ўртоқларингиз билан юраверсангиз-чи, БУ ҚОҚ одам.

**Жўрахон.** Тунов куни болаларга ёнроқ тарқатяпсам, ўзини катталикка олиб, БУ ҚОҚдан беринг ҳам демайди-я!

**Шоқосим.** Ўлкамизда писта-бодом, аштак-паштак жуда серобдир-да, сизнинг БУ ҚОҚингизга қарабими-ди!

**Жўрахон.** Майли, омон бўлсак унинг БУ ҚОҚдан еганини ахир кўрармиз.



## Теша қизиқ

Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фарғоналиклар Теша қизиқни яхши биладилар. Тўй қилишни ният қилган ҳар бир киши Теша қизиқни тўйида иштирок этишини орзу қиларди. У бировлар айтиб юрган қизиқчиликларни такрорлашни ўзига эп кўрмай, янги-янги латифаю-ҳангомаларни ижод этарди.

Теша қизиқ Комилов Фарғонанинг Кўштегирмон қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Аввалига Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқларга эргашиб, қизиқчиликлар қилади, кейинчалик ҳаётда кўрган икир-чикирлардан таъсирланниб, латифа, ҳикоя ва бир пардали саҳналар ижод этади. Унинг ўзига яраша шериклари бўлиб, ҳаётий саҳналар яратишар, томошабинлар эса кўзларидан ёшлари чиққудек бўлиб кулишарди.

Афсуски, чинакам қизиқчи Теша Комилов телевидение, радио ва магнитофон ёзувлари ривожланган даврларга етиб келолмади, у 57 ёшида вафот этди. Аммо унинг қизиқ-қизиқ гаплари, латифа, ҳикоялари эл қалбила бир умр сақланиб қолди.

## ЛўЛИ КАМПИР

Давра ўртасига қанор қопдек гулли аёллар кўйлаги кийган, елкасида хуржун кўтарган лўли кампир кириб келади. Хуржунининг бир кўзида бобохўрознинг боши кўриниб туради. Бу Лўли кампир Теша қизиқдигини ҳамма билади. Лўли кампир гўё табиб. Бу ерга рўмолини ёйиб, дориларини тера бошлайди. Тили эса лўлилар шевасида жаврайди:

— Кимга табобатнинг асили, камёб дорилари керак? Келиб қолинг! Бош оғриққа дору бор, кўз оғриққа дору бор! Мана буниси сичқон ўлдиратурюон дору!

— Бунингиз фиштнинг майдалангани-ку! — дейди

Қизиқчининг шерикларидан бири келиб, ғишт парчаларини қўлига олиб.

— «Ғишт? Бо, қанақа ғишт? Бул жўн ғишт эмас, Азроил минорасининг ғишисти-ку, бу! Ҳар қанақа кучли сичқонни бир нафасда ўлдиради-қўяди.

Содда харидор бир сўм бериб, олмадек ғишт парчасидан бирини олади:

— Ростдан ҳам ғишт сичқонни ўлдирадими? Нима қилса ўлади?

— Бу иним, мерганлигингизга боғлиқ. Ана шу дуруни кафтда тутиб, сичқон тешган девор ёнида индамай ўтирасиз. Қўзингиз тешикда бўлсун, сичқон чиққан ҳамон шу дору билан миясига туширасиз. Эсономон дору бориб тегса ўлади, бўлмаса ногирон бўлиб, инига кириб кетади.

— Бунақангি ғишт парчалари уйимда босилиб ётибди, пулимни қайтар!

— Сотилган дору қайтариб олинмайду! Кимга яна камёб дорилар керак?

## ИТ ОВЛОВЧИ ОШНАМ

Ёшлиқдан офтобда қатиқ ялашган Маннон ит отар деган ошнам бор. У ҳамиша усти берк фургон аравада қўлида милтиги билан юради. Қишлоқларни айланиб, дайди итларни нариги дунёга жўнатади. Даромади чаккимас, ҳар бир ит териси учун беш сўмдан олади. Учрашдик дегунча аввал шакаргуфторлик қиласиз, кейин фургон аравада сайр қиласиз. Бу сафар ҳам анча чақчақлашдик, учинчи қадаҳдан кейин нима бўлганини билмайман. Бир маҳал ҳушимга келсан юмшоқ, иссиққина кўрпачаларда ётгандекман. Бошимда пар ёстиқ. Беланчақдами, бешикдами ётгандайман. Кимdir тўхтовсиз тебратарди. Ўпкам тўлиб кетди, ким экан мени бунчалик эъзозлаётган меҳрибоним, деб кўзими очсан, аравадаги отиб ўлдирилган итлар устида кетаётган эканман. Яхшиямки, олдинроқ билиб, Маннонга билдирамай аравадан тушиб қолдим. Бўлмаса мени ҳам мастиликда итларга қўшиб топшириб юбориши аниқ эди.

## ҚЎЗИМНИ ОЧСАМ

Саратонда Қўқонга бордим. Бозорга кираётганда бурчакдаги буфет кўзимга илиқ кўриниб кетди. Энди нима қилдим, тили ширин янганиз болаларга икки дўппи ва уч иштонбое олиб келишга пул берганди. Ҳамёnda бошқа хемири йўқ. Нима қилсам экан, манавини ишлатсам маликаи дилоромдан балога қоламан. Буфетга кирмасам сира-сира бўлмайди. Кўзни чирт юмиб кирдим, дўппиники турсину, иштонбоги бир гап бўлар, деб мўлжал қилдим. Буфетни яратгандан айланай, тик туриб, икки стаканни сипқариб юбордим. Тағин бирини кўтармоқчи эдим, чўнтакнинг таги кўриниб қолди. Ноилож пиёда йўлга тушдим. Кенагасгача кўнглим айниб келди, аҳири йўл четидаги ажриқча ёнбошладим. Ичимлик билан тановул қилган чалпакларни ташладим. Ухлаб қолган эканман, уйғонсам, кимдир яктағимнинг ёқасию оғиз ва юзларимни юмшоққина рўмолчаси билан артарди. Ўйладимки, меҳрибон сингиллардан бири келиб, артяпти, деб кўзимни очгим келмади. Қайси бири экан, дея кўзимни очсан, Қашқар қишлоқлик Мавлон беданабознинг исковичи чала чайналган чалпагу куртларни ялаётган экан. У ҳам буфетга кирганми, ҳайтовур ҳийлагина кайфи борга ўхшарди.

## БРИГАДИРНИНГ ЖАВОБИ

Уруш йиллари Теша қизиқ колхозда бригадир бўлиб ишларкан. Унинг бригадасига қарашли паҳта майдонларини ёввойи ўт босиб кетган экан. Бир куни колхозга текширувчилар келадиган бўлибди. Айбни ёпиш учун Теша қизиқ экин пайкаллари чеккаларини шошилинчда ўтдан тозалаттириб қўйибди. Текширувчилар келиб, бригада паҳтазорларини айланиб чиқишибди. Аммо текширувчилардан бири паҳтазор ичкарисига кириб, аҳволни билиб қолибди.

- Бу ўт босган ерлар ҳам сизнинг бригадангизга қарайдими? — кинояли сўрабди текширувчи.
- Йўқ тақсир, — дебди Теша қизиқ ўзини гўлликка солиб. — бу паҳтазорларнинг чеккаси бизга, ўртаси бошқа колхозга қарайди.

## Миршоҳид Мироқилов



Паканадан баландроқ, ўртамиёнадан пастроқ, дўнг пешана, кўзлари доимо кулиб турадиган Миршоҳид Мироқилов 1899 йили Қўқон шаҳрида таваллуд топган. У ўн тўрт-ўн беш ёшлигиданоқ қизиқчилар қаторига қўшилиб, кишиларни кулдиришга бел боғлаганлардан. Кейинчалик эса, труппа ва театрларда комик ролларни қотириб ижро этиб, элга танила бошлайди. 1929 йили Тошкентта келиб, Ҳамза номидаги ўзбек драма, ундан сўнгра эса, Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрларида комик ролларни моҳирлик билан ижро этади. Мироқилов асосан, кичик роллар устаси бўлиб танилган. «Майсаранинг иши»да Мулладўст, «Ҳамлет»да гўрков, «Ревизор»да Бобчинский, «Оғриқ тишлар»да Ризамат каби майда комик ролларни маромига етказиб ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Унга бундай ажойиб хизматлари учун 1937 йили Ўзбекистон ҳалқ артисти унвони берилган.

Машҳур қизиқчи ва комик артист Миршоҳид Мироқилов 1959 йил октябрида олтмиш ёшида Тошкент шаҳрида вафот этади. Унинг ўзи тўқиган кулгили латифа-ю ҳангомалари худди сариёғдек эшитувчиларга ёққани туфайли, ҳамма ҳали-ҳануз кулиб, эслаб айтиб юришади.

Кўйида ана шундай эсда қолган ҳикоя ва латифалардан намуналар ўқийсиз.

### АФАНДИ ВА МЕН

«Насриддин Афандининг қилмаган ҳунари қолмабди. Охири қирқ жўра ўғрилар тўдасига кириб, ўғрибосшига рўбарў бўлибди:

— Тақсир, мени жўраларингиз сафига олсангиз?

— Майли, Афандим, оламиз, — дебди ўтрибоши,— аммо шарт шундай, ҳозирнинг ўзида бирорта бойнинг уйини мўлжалга олиб, кечаси бизни бошлаб борасиз. Мабодо, овимиз бароридан келса, сизни қаторимизга оламиз!

Ўша заҳотиёқ Афанди қуллуқ қилиб чиқиб кетибди-да, йўлда дуч келган бир хонадон эшигига тамға босиб, мўлжални қатъий қилиб келибди. Тонг отар пайтида қирқ жўрани бошлаб, ҳалиги тамға босилган уйга олиб борибди. Ўғрилар овора бўлиб, арзигудек бирор нарсани топиша олмабди. Ниҳоят, қакиркуқирлар ётган уйга киришибди. Афанди бундай қараса ис босиб кетган шифтда бир сурнай осиғлиқ турганмиш. У сурнайни ола солиб чалаверибди. Шунда жўралардан бири:

— Э, ўлинг Афанди, бугунги овни расво қилганингиз етмай, сурнай чалиб, жар согланингиз нимаси? — деса, у шундай жавоб қилибди:

— Ҳой жўра, қизиқмисиз, оладиган нарсани ўғирлик бўлса ҳам ҳамма ёғини кўриб олиш керак-да!..»

Мана шу латифа менга жуда-жуда ёқади. Саҳнада, ўтиришларда, улфатчиликларда кўпинча шуни такрор-такрор айтиб бераман. Кейинги пайтларда уйда бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушиб, эшишувчилар қолиб, ўзим куладиган бўлиб қолдим. Гап бундай: оиласда болалар кўпайганидан кейин бизга ҳовлили жой беришди. Бир куни спектаклдан сўнг чарчаб бориб ўринга ётдим. Болаларнинг ҳам бўйлари анча чўзилиб қолганди. Катта уйни таъмирлаётганимиз учун ҳаммамиз кичик уйда қатор ётгандик. Бирдан ҳовлида дўпир-дўпир бўлиб қолди. Келинингиз иккимиз бундай қарасак, учта девдек-девдек йигит девор наҳрасидан ошиб тушияпти. Менинг хотинчам, сизларнинг келинойингиз овозини паст қилиб, «Вой ўлмасам, дадаси, ўғрилар тушишибди», деди. Бундоқ синчиклаб қарасам, хотинчанинг гапи тўғрига ўхшаб қолди. Ҳалиги учта гавда уй томонга келаверди. Хотинчам «Вой, дадаси, нима қилдик, келишяпти!» деди. Кўни-қўшиниларни чақиришга илож қолмаганди. Хотинчам яна мени туртиб: «Ҳой Миршоҳид ака, энди нима қиласиз!» деди. Бўлар иш бўлди. Энди жимгина ухлаган киши бўлиб ётавер, — дедим. Ўғрилар тепамизга келишиб, устимиздаги кўрпани очиб, «Турларинг!» дейишиди. Улар овозидан уйғониб кетган болалар «ойи-ойи»лашиб, онасининг пинжига

киришди. Мен ҳам таваккал қилиб, овозим борича: «Ой!» дедиму болалар орасига тиқилдим. Хотинчам жон ҳолатда ҳаммамизни қучоқлаб олиб, «Кўрқманглар, болларим, кўрқманглар! Ҳой Миршоҳид ўлгур, намунча қалтирайсан!» деб қўйди. Тўсатдан ҳалиги ўғриларнинг каттаси бўлса керак, дағдағдан тўхтаб:

— Нима, Миршоҳид? Бу чурвақаларнинг қай бири Миршоҳид? — деб қолди. Мен бехосдан «М..мен Миршоҳид!» деб юборибман. Қаранг, ўша ўғрибоши экан, бирдан ҳоҳолаб кулиб юборса бўладими. Шунда ўғрилардан бири «Миршоҳид ака сизмисиз?» дея мени даст кўтариб сўради:

- Ўша артист Миршоҳид-а?
- Ҳа, ҳа, мен артистман.
- Нима, унда бу аёл аянгизми?
- Йўқ, хотиним.

— Э борларинг-е, ҳовлига чиқларинг, — деди шерикларига ўғрибоши, — келинойи, баҳузур ётаверинглар, янглишибмиз. Бизни манави шеригимиз, шу ҳовлига битта одам кўчиб келган: қорни катта, басавлат, кўринишидан савдогарга ўхшайди, деганди. Қани, эшикни очинг Миршоҳид ака, биз чиқиб кетайлик, дея улар ҳовлига чиқишиди, кейин у шеригига қараб:

— Ҳов найнов, бу киши Миршоҳид акам бўладилар, савдогар эмас, қизиқчи артист. Кўйни тўла пул эмас, турган-битгани кулги! — деб дакки берди. Улар мен билан қуюқ ҳайрлашиб, мен очган кўча эшикдан чиқиб кетишиди.

## КЎЗОЙНАК

Раҳматли Муллатўйчи ҳофизни ҳамманглар танийсизлар. Ул табаррук зотнинг Абулқосим деган менга ўхшаган ўғиллари бор. Уни ҳам биласизлар. Хурматли зотнинг шогирди, ҳамкасабаси, бастакор Юнус Ражабий домлани ҳам яхши танийсизлар.

Устоз муллакам вафотларидан кейин мен радио қўмитаси ҳовлисида тасодифан антиқа бир сухбатни эшишиб қолдим:

— Абулқосим, — дедилар Юнус Ражабий, — Менинг пирим, сенинг отанг, илойим жойлари жаннатда

бўлсин, ҳали қадрлари кўп ўтади, кўп қўмсаймиз. Ҳа, айтгандай, отангнинг бир йўл-йўл бекасам тўнлари бўлгувчиди, ўшани манга ёдгорлик қилиб берсанг, қозиққа илиб кўйиб, нуроний савлатларини эслаб юрсам, девдим.

— Жоним билан берардиму, ўша тўнларини жанозада жоме мачитдан келган домланинг елкасига ташлагандик.

— Шунақами! Унда, айтгандай, бир сиртма сидирга уринганроқ тўнлари ҳам бор эди, ўшани...

— Уни маҳалла имомига кийдирилган.


— Ие, шунақа дегин... Ҳа, у кишининг садаф қадалган бир ҳассалари бўларди, ўшани...

— У ҳассани сўфи бувам тутиб юрибдилар.

— У ҳолда, лоқал кўзойнакларини бергин?

— Йўқ, уста, кеч қолибсиз, — деди Абулқосим, — у кўзойнакни ўzlари тақиб олиб кетганлар...

Эшитдинглар! Бу сұхбат худди эсдан чиқмайдиган латифанинг ўзгинаси, биродарлар!



Пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган республика аскиячиларининг кўрги қатнашчилари: 1-қатор (чапдан): Мамажон Мадаминов, Фойиб ака Тошматов, Ижроқўмбуба — Турсунбува Аминов, Мамарозик Исҳоқов, Абдулҳаймаҳсум Қозоқов; 2-қатор (чагдан): Мадаминжон Юсупов, Гуломжон Рўзибоев, Айниддин Зайниддинов, Зайнобиддин Юсупов (1968 йил).



## Фанижон Тошматов

Ажойиб бастакор Фанижон Тошматов яратган дилрабо қўшиқлар кимни мафтун этмаган, дейсиз! Со зандачилиқда эса у ижро этган нафис куйларни ҳар бир киши эриб кеттудек бўлиб эшитади.

Фанижон ака нафақат бастакор, балки меҳрибон мураббий ҳам эди.

Кулги мухлислари эса Фанижон акани кулги дарғалиридан бири сифатида танийдилар. Бунинг боиси у машхур қизиқчи Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг энг чистончи шогирдларидан бири ҳисобланади. Унинг лўнда ва ўткир ҳажвлари, нозик лутф билан йўғирилган аскиялари, самимий ва беозор ҳазил-мутойибалири кулги мухлисларига ойнадек равшан.

Фанижон ака кулгидошлар даврасида, ё бирон бир қизиқчилик кечасида, энг аввало, устози Юсуфжон қизиқ ҳикояларини эслашдан гапни бошларди. Аскиячилар даврасида эса сўз ўйини санъати заргари эканлигини намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўларди.

Фанижон ака 1919 йили Андижон вилоятининг Асака шаҳрида санъаткорлар оиласида дунёга келди. Ёшлигига Тошкент консерваторияси тайёрлов курсида ўқиб, куйлар басталайди. 1946—1967 йиллари Ўзбекистон радиосида созанди бўлиб ишлайди. Кейинчалик доторчи қизлар ансамбли раҳбари бўлиб, умрининг охиригача хизмат қиласи. У аския жанрини кино тасмасига олишда, уни радио ва телевидениега олиб чиқишида улкан хисса кўшган фидойи эди.

## СОЗЛАР ПАЙРОВИ

(Бу асқия янгийўллик санъаткор асқиячи Дадажон  
Қосимов билан бўлиб ўтган.)

**Дадажон.** Фанижон ака, келинг энди бир кулишиб олайлик! Мана доирани қизитиб келдим, ТАКА-ТАКА-ТУМ қилиб юбораверайми?!

**Фанижон.** Дурустсиз, Дадажон ука, доирада бўш келмайсиз, шу туришингизда БОМБИЛЛАБ юраверасангиз, кейин даф бўлиб кетмайсиз ҳам.

**Дадажон.** Кўп йиллик хизматингиз зое кетмади, ака, мана ҳукуматимиз сизни ҳам қадрлаб унвон берди, нақд бўлмаса ФИЖЖАК бўлиб кетардингиз.

**Фанижон.** Сиз ҳам яхши-яхши куйларни ўрганиб даврамизга киринг. Тўйма-тўй юраверсангиз: у КАЛ НАЙЧИ бўпти, дейишади.

**Дадажон.** Яхши ҳунар яхши экан-да, ака. Сиз ҳам скрипкачилигингииздан қолманг, билмаганлар: у СУР НАЙЧИ бўлипти, дейишади.

**Фанижон.** Мен сизни, ука, дурустроқ созанда бўлинг дейман-да, токайгача ҚОШИҚ УЙНАБ юрасиз. Ё гапимни эшитмайдиган КАРНАЙЧИМИСИЗ?

**Дадажон.** Маслаҳатларингизга раҳмат, Фанижон ака. Минг қилса УСТОМОУЗСИЗ! Ҳаммаси ҳам аста-секинда. Бир вақтлар сиз ҳам ШАҚИЛДОҚ чалиб юрадингизми?

**Фанижон.** Отангизга раҳмат, Дадажон, ана шунаقا чертиб турсам одам бўласиз-да. Гапимга ТАНБИРИНГ!

**Дадажон.** Фанижон ака, ажойиб табиатли созандасиз-да, анча-мунча гап сизга тўғри келмайди. «Бор, ДУТОР-СЕТОРИНГА тобим йўқ», деган гапни аччинингиз чиққандан айтардингиз?!

**Фанижон.** Ҳа, ука, ЧАНГИМ чиққан жойлари ҳам бўлган. Энди НАВО қиласверинг: у НАЙ МАНЧА эмас, деб.

**Дадажон.** Устозим бўлсангиз ҳам бир гапим бор. Ке-чирасиз, кўпчилик ичиди сансира бўлса ҳам айтиман: созларга ҚЎШ НАЙ, деман.

**Фанижон.** Ийи, бундан ҳам гап чиқипти-ку, ўсибсиз, ука, ўсибсиз! Мен сизни ҳали ҳам ҳаммом томида саҳарлаб ДУФ чаляпти, девдим.

**Дадажон.** Камол топинг, Фанижон ака, уста ҳам ўсади-да! Мен бирорни кўриб, сиз билан адаштирибман: мана бу ПИОН НИНА чаляпти, деб.

**Фанижон.** Шогирд деган уста олдида одоб сақлади.

**Шундай РУБОБ ишлар қилингки, эл баҳра олсин —  
токайгача ҚАЙРОҚ ўйнаб юрасиз, ахир.**

**Дадажон.** Уста, айтганингиз тӯғри, мени нақд  
бўлмаса эгиб, ГАРМОН қилиб юборардингиз.

## **ХАШАГИ ОЧИЛДИ**

*(Чорва пайрови)*

**Фанижон.** Кутлуғ бўлсин биродар, фермага мудир  
бўлибсиз.

**Мудир.** Куллук, куллук!

**Фанижон.** Энди ишни яхшилаб юборарсиз, сабабли  
заб (зав) ферма бўлиш орзусида эдингиз.

**Мудир.** Қувонаверинг ака, баҳонада оғзингиз оқариб  
қолади...

**Фанижон.** Мен пулга олиб ичишга одатланганман.  
Агар текинга ичсам оқ сутингиз ҳурматидан камчили-  
гинギзни айтольмай қоламан.

**Мудир.** Рост, оғайнилар хом сут берганни ҳурмат  
қилмай, пўстагингизни қоқиб кетишади.

**Фанижон.** Қўрқманг, сизга сут сўраб бормайман,  
қат(т)иқлигингизни биламан.

**Мудир.** Бошидан қаттиқ бўлсан, иш чакки бўлмас-а?

**Фанижон.** Ҳайвонга емишини берсанг, у сутини  
аямайди. Аммо унинг ҳақини чаккига сузманг.

**Мудир.** Тўғри айтасиз, илгариги мудир моллар риз-  
қига тушган курт эди, мен аксинча уларга хашак жам-  
ғардим.

**Фанижон.** Рост гапирияпсиз, бўлмаса чакки қадам  
босганингизда хашагингиз очилиб қоларди.

**Мудир.** Ака, пичанни қўйинг, бундоқ даромаддан  
гаплашайлик.

**Фанижон.** Аччиғингиз келиб, «Бе-да!» деворай, деб  
турибсиз. Бундоқ ферма атрофига қовун-тарвуз эккан-  
мисиз?

**Мудир.** Эккандик, сал озроқ сел ювиб кетди.

**Фанижон.** Сел ювмаган, палакка ишониб, сир очил-  
масин, деб мол қўйиб юборибсиз.

**Мудир.** Ака, икки ён тоғ (янтоқ), молимиз оч қол-  
майди.

**Фанижон.** Ҳар ҳолда полизга ҳам зътибор беринг,  
бўлмаса меҳмонлар олдига похол солиб юрасиз-да!

**Мудир.** Тушунарли ака, нима бўлса ҳам фермага  
келинг, қўрқманг, похол солмайман, сара ёғ (сариёғ)-  
ли патир ёптирганман.



## Сойиб қизиқ

---

Бу қизиқчи 1939 йили Тошкентга келиб, бир неча йил ўтгач, Муқимий номли театрнинг «Тошболта ошиқ» комедиясида бош ролни ижро эта бошлаганидан сўнг одамлар уни Тошболта дея атай бошлиши. Аслида исм-шарифи Сойиб Хўжаев эди.

Сойиб Хўжаев 1910 йили Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида туғилган, актёрлик фаолиятини 1927 йили Кўқон театридаги «Ҳалима» спектаклида эпизодик роллардан бошлаган. Кейинчалик Андижон театрига келиб, «Ревизор»да Бобчинский, «Майсарапанинг иши»да Мулладўст образларини қотириб ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Айниқса, пойтахтда Сойиб Хўжаев Тошболта ролини икки минг мартадан ортиқ ижро этиб, шунингдек, «Ёр-ёр» кинофильмida Аҳмаджонов, «Дилбарим» кинофильмida Зухиров каби комик ролларни қиёмига етказиб ўйнаб, бутун юртимизга машҳур бўлган. Ана шундай моҳир комик актёр, ҳамда қизиқчи Сойиб Хўжаев етмишдан ошганида вафот этган, унинг қизиқчилик соҳасидаги гурунглари, ҳамда латифаларини шогирдлари Батиёр Иҳтиёров, Ҳусан Шариповлар тўйлар, зиёфатлар, кулги кечаларида ҳикоя қилиб, гурра-гурра кулгиларни пайдо қиласидар.

Куйида Ўзбекистон ҳалқ артисти Ҳусан Шариповдан ёзигб олинган кулгили воқеаларнинг айримларини ўқийсиз.

### ТАХТА ДАЛАСИДА

«Тошболта пахта даласида» номли миниатюра телевизор тасмасига ёзилди. Аммо нимагадир белгиланган вақтда эфирга берилмади. Кечқурун Сойиб акамлар телефон қилиб қолдилар:

— Безовта қилган мен, бу берилмади-ку?! Ё телевизордагилар ухлаб қолдими?

Ўша пайтлари Сойиб акамлар уйдаги қурилишлари ташвишида фақат ўйлаганлари тахта эди. Ана шуни эслаб, шумлигим тутди.

— Э, уста бу ёғи чатоқ кетибди, — дедим.

— Нимаси чатоқ кетади? — сўрадилар уста.

— «Далалар оппоқ пахта» дейиш ўрнига «Далалар оппоқ тахта», деб юборибсиз, қолган сўзларни ҳам эшитинг: «Узоқдан бошларида оппоқ дуррача, эгниларида оппоқ кўйлак кийган мисоли тахта Пари келарди. Билакларидан ушладим, оппоқ юмшоқ — тахта...»

Шунда уста андак жим қолдилар. Кейин гўшакдан овоз келди:

— Безовта бўлмай қўяқол. Пахта учун қамашарди, тахта учун қамашмайди.

### УРИНМАНГ, УКА!

Сойиб акамларнинг қизиқ одатлари бор эди, тўйга ё меҳмонга борсалар:

— Валлоҳу аълам, аёллар йўқми! Бемалол ечиниб ўтирасак бўлаверадими? — дея сўрадилар. Розилик олгач, пайпокларини ечиб, туфлиларининг ичига, шимларини эса ёстиқ остига тахлаб қўйиб, аста-секин ёнбошлардилар. Бир куни ана шу алпозда ёнбошлаб ўтиргандилар, бирдан даврага таклиф қилиб қолишли. Шоша-пиша чиқсан эдилар, ховлини гурра-гурра кулги босиб кетди. Нимагадир бу галги кулги одатдагидан бошқачароқ, кучлироқ эди. Деразадан қарасак, Сойиб акамлар давранинг ўртасида bemalol ёнбошлаб ўтирадиган формадаги кийимдалар: бошда дўппи, эгниларида кўк нейлон кўйлак, оқ иштон, оёқларида тўй эгасининг ўн бешинчи калиши. Ҳали гап бошлаганларича йўқ, одамлар, атай қиляпти, деб ўйлашиб, қотиб-қотиб кулишяпти. Тўй бошини чақириб, дедим:

— Дарров чиқиб, битта чопон кийдиринг, устларини ёпади!

Тўйбоши топшириқни бажарди. Аммо тўн кургур торлик қилиб, қоринлари очиқда қолди. Шунда уста баланд овозда дедилар:

— Валлоҳу аълам, уринаверманг ука! Худо шундай яратиб қўйгач, уни беркитиш бандасининг қўлидан келармиди!



## Турсунбува Аминов

(1889—1971)

«Ижрокүм» лақаби билан машхур бўлган бу оқсоқол қария шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларида қишлоқ ижрокуми раиси ва жамоа мироби бўлиб сайдланган. Шунингдек, Ойдинбулоқ қишлоғида батраклар бирлашмасини тузиб, ўзи бошчилик қилган. У Бачқир (асли Балчиқ қир) қишлоғилик устоз асқиячилар — Дехқон юзбоши (Д. Шерназаров), Тумор қишлоғилик Эрка қори Каримовлардан асқия айтиш усулларини ўрганади. Кўқон шаҳрида бўладиган турли асқия кечаларида фаол қатнашиб, ўзининг топқирлик малакасини оширади. Айниқса, 1955—65 йилларда пойтахт Тошкентда бўлган асқия кечаларида қатнашиб, пайровларнинг турли шаклларида рақиблари билан тортишган. Қизиги шундаки, бўлиб ўтган асқиялардан кеёнин Йўлдошхон Носиров, Одилжон Қодиров, Абдусамад Бегимов, Маҳмуджон Қодиров, Хайрулла Ҳикматуллаев сингари ёш асқиячиларга пайров айтишиш пайдидаги камчиликларини тушунтириб, уларга йўл-йўриклиар кўрсатарди. Олтмишинчи йиллар ўргаларида Турсунбува асқия материалларини тўплаш ва уларни ўрганиш республика экспедицияси аъзоларидан бири эди. «Гулмисиз, райҳонмисиз», «Бедана» каби пайровларнинг замонавий мавзуларда айтишиш устаси бўлган Турсунбуванинг ўзидан ҳам кўпгина асқиялар ёзиб олинган. Турсунбува қатнашган асқиялар билан танишинг.

### ҚОВОҚСИЗ

(*Бу пайров Турсунбува билан асқиячи Қодиржон Дехқонов, Икромиддин Каримовлар иштирокида айтилган.*)

**Қодиржон.** Турсунбува, ҳўв анави ошпазни кўрдингизми, ёнидагиларга ҚОВОҚ ОШга керак, деяпти.

**Турсувбува.** Мулла Қодиржон, аввал мева-чевалардан олсангизчи, дарров ОШ ҚОВОҚсиз бўлсин, демасдан.

**Қодиржон.** Ёлмаса, ёз меваларидан тўйиб еб олинг, кейин ҚОВОҚ ОШсиз кетаверасиз.

**Турсунбува.** Ҳой Икромиддин ука! Қодиржоннинг гапларини эшитяпсизми, атайлаб шаҳардан меҳмонга келиб, ҚОВОҚ ОШисиз кетмайлик, дейдилар. Ундан кўра, ОШҚОВОҚдан ҚОВОҚ ОШИ қилиб қўяқолинг-да!

**Қодиржон.** Икромиддин, бу ёққа қаранг, бизга пиширишингиз битта ОШ-ку, ҚОВОҚ ҳам соласиз, дейдилар-а?

**Икромиддин.** Қодиржон ака, сизлардақа азиз меҳмонларга атаб ҳар хил овқат тайёрлаганмиз, буниси шўрва ОШ ҚОВОҚ-да, азизлар!

**Турсунбува.** Мулла Икром, Қодиржон акадан ташвиш қилманг, бу кишига ОШ ҚОВОҚдан олинса бўлгани.

**Қодиржон.** Турсунбува, ажойиб хуш феъл одамсиз-а, келтириб қўйишса, индамай олаверасиз, ОШга ҚОВОҚ солинмайди, деб.

**Турсунбува.** Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-чи, ОШдан ҚОВОҚ яхши, деб.

**Қодиржон.** Ўзингиз ҳам индамай олаверинг-да, ҚОВОҚдан ОШ яхши, деб.

**Турсунбува.** Ўзингиз ҳам суриштирмай тушираверсангиз-чи, ҚОВОҚ ОШми, ОШ ҚОВОҚми, деявермай.

**Қодиржон.** Бошқаларга қулоқ солмай, олавермайсизми, ОШ ҚОВОҚдан демай.

**Турсунбува.** Сиздан биринчи эшитяпмиз, одамларга ҳам айтиб юрибсиз ҚОВОҚдан ОШ бўлади, деб.

**Қодиржон.** Тансиқ экан деб, нафси бузуқлик қилиб, Икромиддин пиширган ошни еб қўйсангиз-а, ОШ ҚОВОҚда сигмайди.

**Турсунбува.** Сиз ҳам пайти келганида бир қозонни туширсангиз-а, ОШ ҚОВОҚдан кетади, деб.

**Икромиддин.** Қўйинглар, қовун сайлига келгансизлар, бунақанги совуқ гапларни. Қаёқдан ҳам тансиқ овқат қилдим. Икковинглар бир оз ўёқ-буёқдан гаплашиб ўтиринглар. Мен бошқа овқатга ҳаракат қилай, ҚОВОҚсиз!



## Абдулҳаймаҳсум Қозоқов

---

1989 йил кузида Қўрғонтепа туманидаги Фозилмон қишлоғида таниқли аскиячи Абдулҳаймаҳсумнинг 70 ёшга тўлганлиги нишонланди. Ўшанда унга сўз берилганида шундай деди:

— Кулгисевар одам — кўнгли очик, бефубор одамдир. Қалби нопок, қўли эгри, ўзганинг ҳисобига яшайдиган шахслар кулгини ёқтиришмайди. Улар кулса ҳам сунъий, зўрма-зўраки куладилар. Аския билан кишиларни кулдириш осон эмас. Мен аския сирларини мархум устозларим Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Мамажон Мадаминов, Фойиб ака Тошматов, Ижроқўмбува Аминов, Мамарозиқ Исҳоқовлардан ўргангандан...

Абдулҳаймаҳсум Қозоқов Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида истиқомат қиласди. У кўпинча Қўрғонтепадаги маданият уйида ёш аскиячиларга устозлик қилиб, пайровлар сир-асорини ўргатиб келган. Умрининг охиригача Абдулҳай ака ҳозиржавоб аскиячи шогирдларидан ҳисобланган Ҳасанбой Султонов билан йиғилишларда ва кулги кечаларида аския пайровлари қилган. Унинг антиқа сўз ўйинлари кишилар хотирасида сақланиб қолган.

### САВДОДАГИ САВДОЛАР

(Аския)

**Абдулҳаймаҳсум.** Фаровон давримизда барча меҳнат аҳли тегишлича қадрланмоқда. Жумладан савдо ходимлари ҳам. Ҳасанбой, сизни савдога ўтиб ишлайяпти, деб эшитдим, ростми?

**Ҳасанбой.** Ҳа, рост, шаҳардаги марказий универмагда бўлим мудири бўлиб ишлайпман.

**Абдулҳаймаҳсум.** Йкки марта келдим, магазинда

йўқсиз. Сўрасам, сотувчингиз, план бажарилмаётгани учун мудирни молга чиқариб юбордик, деди.

**Ҳасанбой.** Мен базага кетганимда келибсиз-да, устоз. Энди бемалол келаверинг. Сизга ёқадиган «Ходой» товар олиб келиб қўйдим.

**Абдулҳаймаҳсум.** Сиз бизга бозоргир товарларни сотмайсиз, унақасини сақлаб қўйиб, орқа томондан чайқовчига узатиб юборасиз.

**Ҳасанбой.** Бизда баъзан товарлар пайи билан сотилиди. Сиз эса нотўғри тушуниб, «Ҳасанбойнинг товарларини кўрдим, шапкаси бор экан», дебсиз.

**Абдулҳаймаҳсум.** Ҳасанбой, сизга эскидан одат бўлиб қолган, ноёб мол келиши биланоқ, таниш-билишга сотялман деб, тирикчилигингизга ишлатадиган харатжатларингизни бизлардан чиқариб оляпсиз.

**Ҳасанбой.** Биз харидорларга, доимо хушмуомалада бўлишга интиламиз. Ёки бирор марта нархни бузиб сотаётганимизда ушлаб олдингизми?

**Абдулҳаймаҳсум.** Эшитдик, савдонинг пулини тоҳо шахсий манфатингизга ҳам ишлатиб қўярканисиз. Шу боисдан бошлиқларингиз ҳам ҳайрон: Ҳасанбойнинг плани деярли катта бўлмаса ҳам уч ойдан бери тўлмаяпти, деб.



Водийлик асқиячилар: Мамажон Мадаминов, Фойиб ака Тошматов, Абдулҳаймаҳсум Қозоқвлар Тошкентда бўладиган асқия кечаси олдидан сухбатлашмоқдалар (1971 йил).

**Ҳасанбой.** Маҳсум ака, бунинг сабаби бошқа. Сизга ўхшаган таниш-билишларнинг илтимосларига қараб насияга ҳам муомала қилиб қўйяпман.

**Абдулҳаймаҳсум.** Ука, ҳозир қайта қуриш даври, давлат мулкига хиёнат қилсангиз, еб қўйгансан деб, жазолашади.

**Ҳасанбой.** Менга насиҳат қиласяпсизу, ўзингиз эса чайқовчиликни ҳалигача давом эттиряпсиз. Эшидик, биздан олган костюмни ўттиз сўм фойдасига сотаётганингизда ёлғон ишлатибсиз. «Кийиб турганим ўзимники-ю, қўлимдаги бирорвонки», деб.

**Абдулҳаймаҳсум.** Ҳозир одамларимиз жуда ҳалол, давлат мулкини асраршади, ўзингиз тўғри бўлсангиз бўлди, дўконингиз очиқ бўлса ҳам бирор тегмайди.

**Ҳасанбой.** Маҳсум ака, ҳали ҳам вақт бор, тезроқ тўғри хулоса чиқаринг. Акс ҳолда қўлингиз қинғир бўлса тартибга солиш учун... Олиб бориб қўядиганлар бор.

**Абдулҳаймаҳсум.** Ҳақ гапни айтдингиз, тўғри бўлганга нима етсин.



1988 йил 30 июнь. Тошкент шаҳрининг Тахтапул маъзесидаги «Оталар чойхонаси — кулги кошонаси»нинг очилиш маросимида пойтахтлик асқиичилар: Турсунбой Файзиев, Жамолиддин Зайнилдинов, Жалол Раҳимовлар эндижонлик кулги устаси Абдулҳаймаҳсум Козоқов билан «Гулмисиз,райхонмисиз» пайровини олиб боришмоқда.



## Мамарозиқ Исҳоқов

(1903—1979)

### Ёшлигидан деҳқончилик билан

шуғулланган Мамарозиқ ўз она қишлоғи — Кўқон туманидаги Найманчада меҳнат қилиш билан бирга асқиячиликка ҳам жиддий берилганди. У шўролар даврида ўттиз йилдан ортиқ қишлоғидаги жамоа ҳўжалигига раислик қилди, нафақага чиққач эса, боғдорчилик бригадасига бош бўлиб, мева-чева етиштириш, янги навлар яратиш борасида донг таратди. Найманчада бўладиган тўй-маъракаларни умрининг охиригача бошқариб, ҳамқишлоқларининг меҳрини қозонган. Ҳатто, қишлоқдаги асқия кечаларига бош-қош бўлиб, бошқа жойдан келган асқиячи гуруҳлар билан тарафма-тараф бўлган ҳолда топқирликда бел олишарди. Сўз заргарлари орасида унинг пинҳона лақаби «Чўтири» эди.

Асқия сирларини билишда Мамарозиқ aka устоз асқиячилар — уста Акбар Усмонов, Мелибод Фофуров кабилар билан бирга республикамизга таниқли машхур сўз ўйинлари усталари Деҳқон юзбоши Шерназар ўғли, Эрка қори Каримов, Матҳолиқ Масодиков ва бошқалар билан асқияда елка тирашиб, камолга етган. У айниқса, «Деҳқончилик», «Суғориш», «Йигим-тегрим», «Пиллакашлик», «Мевалар номлари» пайровларида улоқни ҳеч кимга бермасди. Ҳар бир пайровнинг яширин маъноларига алоҳида аҳамият берарди. Шунингдек, асқиянинг фарғонача усууларига қатъий риоя қиласди. Таниш-билишларининг ҳикоя қилишларича, Мамарозиқ aka она қишлоғи Найманчадан олисларга кам борган. Ҳамқишлоқ шогирдлари Акбарали Ҳамидов, Иброҳимжон Жўраевларга асқия айтишиш сирларини ўргатиб юрган. Соҳибкор боғбон Мамарозиқ Исҳоқов етмиш олти ёшида вафот этган.

## МЕВАЛАР НОМЛАРИ ПАЙРОВИ

(*Бу пайров асқиячи Ғойиб ака Тошматов билан бўлиб ўтган.*)

**Мамарозиқ:** — Тунов куни Риштон томонга бориб, роса ЎРИККА тўйибсиз, айтингчи, қанақа хилидан едингиз?

**Ғойиб ака:** — Қандай қилиб ўрикка тўяман, ўшанда бизга боғ ўртасида туриб олиб, ОЛМА-ОЛМА дейсиз-а!

**Мамарозиқ:** — Сўраб енг-да, сал қолди ўғри экан деб, АНЖИР қилиб қўйишимга!

**Ғойиб ака:** — Тўғри айтасиз, боғингизга кириб, қачон БЕҲИМ (*лаззат*) топганман ўзи?

**Мамарозиқ:** — Ҳа майли, энди мевалар кўп, еявенинг. Илгари АНОР ХОНга бериларди, ҳозир эзид, ЧОЙ НОК қилиб ичаверасиз!

**Ғойиб ака:** — Яна бизга анорни кўрсатиб, ОЛ МУРИД, деб юрманг!

**Мамарозиқ:** — Боқда бир келиб қолибсиз, буёғи сероб, — ОЛ ҲИРОТдан келган эмас, УЗИМИни енгу, боғини суриштиrmай олаверинг!

**Ғойиб ака:** — Мени меҳмон Ҳиротдан келган деб ўйлаб, ОЛ ИЧ-а! ОЛ ИЧ-а, дея қисталангламай, хурматимни жойига қўйиб, КУЛ ОЗ (*голос*) дейсиз.

**Мамарозиқ:** — Боғимизга келгандан сўнг, у-будан еб туринг-да, куруқ ЁНФОҚни чақавермай!

**Ғойиб ака:** — Мезбон ҳа деб алжирайвермайди, боғбон ХАНДОН ПИСТАга ўшаб оғзини очиб гапиравермайди-да!

**Мамарозиқ:** — Иззатингизни қилиб, меҳмон ЕР ЁНФОҚ дегандимда, хафа бўлмай, ОҚ ЎРИКдан тўйиб олинг!

**Ғойиб ака:** — Ҳўв, боғбон! Гапингиз ЖИЙДА чўлга ўшаб буриляпти-я, қани ИШКОМга ўтайлик!

**Мамарозиқ:** — Бу боғда ИШ КАМ экан деб, яна ётиб олманг, ШИНГИЛ ишлар кўп!

**Ғойиб ака:** — Узумзорга кирайлик ҳам, деб бўлмайди-я! Сал қолди ёқамдан тутиб, ерга ағдаришингизга!

**Мамарозиқ:** — Каллангиз ЗАМБИЛБОШ (*узум тури*) бўлиб оғрияпти, шекилли, довдираяпсиз!

**Ғойиб ака:** — Кўрқманг, ишкомга ўтмайман, КИШМИШ (*узум*) деб, мени мушук фаҳмлаб ҳайдаманг!

**Мамарозиқ:** — Билиб турибман, сизга ҚАНТАКИ (ўрик) ёқиб қолибди, мен тепасидан қоқиб турай, бемалол тўйиб олинг!

**Фойиб ака:** — Оғайни, бўлди етар! Ўрикларнинг ҳам ШИРАСИ зўр экан!

**Мамарозиқ:** — Шираси зўр, деб кўп еб БЎКИБ (жўқиз лақабига ишора) юрманг, кўрганлар БУ ОДАМ (бодом)га нима бўлди, демасин, соғ-саломат бўлинг!

### **МАМАРОЗИҚ АКАНИНГ ЧИСТОН ГАПЛАРИДАН**

— Тўра омборчи гурскетди қовундай семизлигидан ёрилай дейди-я!

\* \* \*

— Кўп майиз еб, икки ёқдама хуррак отаётган Умар кўкнорига қаранг!

\* \* \*

— Отдан тушса ҳам узангидан тушмайдиган Амир боши билан (кал лақабига ишора) сирғалиб, амалдан кетди.

\* \* \*

— Теша тажангни гапга кўндиришдан кўра қулогига танбур чёртган яхши.



## **Ака-ука Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар**

---

«От изини той босар», деганларицек, Зайнобиддин билан Мадаминжонлар ҳам қизиқчилик кўчасига кириб қолишган. Улар ёшлигидан оталари Юсуфхон қизиқ Шакаржонов иштирок этган сайил ва йиғинларга боришиб, қизиқчилик сирларини ўргана боришиди.

Зайнобиддин ака 60-йилларда Фарғона вилоят театрига ишга кирди. «Тоҳир ва Зухра» спектаклида сандиқчи, «Нурхон»да Ҳузурхўжа, «Майсарапанинг иши»да Мулладўст, «Аршин молалон»да Вали каби ролларни ижро этган. Шу билан бирга асқия ва қизиқчилик кечаларида фаол иштирок этиб келган. 1978 йилдан Фарғона давлат филармониясида хизмат қилган. 1989 йили унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди.

Укаси Мадаминжон Юсупов ҳам акаси билан барча йигилиш ва сайилларда иштирок этиб келган «Хорижли табиб», «Ўзи нима гап?» каби ичакузди интермедиялари ва бошқа асқия пайровлари, гурунглари билан ака-ука қизиқчилар томошабинларга кулги бахш этар эдилар. Аммо 1990 йиллар бошларида ака-ука қизиқчилар оламдан ўтишди. Улар айтиб қолдирган қизиқ-қизиқ гаплар ҳамон кулги муҳлислари ёдида сақланмоқда.

## ҚАНДИНГНИ УР

(Ширинлик пайрови)

**Мадаминжон.** Ака! Ҳозирги даврдаги ҳалқимизнинг жонбозликларини кўраётган дўстларимиз: «Қандингни ур, азаматлар!» дейишяпти.

**Зайнобиддин.** Ҳақиқатан ҳам ҳар бир кунимизни Асал ойига ўхшатаман, ука!

**Мадаминжон.** Қариб қуйилмас экансиз-да, ака! Магазиндаги шунча ширинликлар ёқмадими дейман, со туви жувондан сўраяпсиз: «Ирис борми?» деб.

**Зайнобиддин.** Ўзингиз ҳам байрам баҳонасида маст бўлиб ётиб қолган экансиз. «Қиёмига етиб, Тараша ҳолва бўлиб қолибди-я», деб ўртоқлар билан роса кулдик.

**Мадаминжон.** Ҳамма яхши кўрадиган «Пахтакор» шоколадидек ширин бўлиб юрадингиз, ўзлари ҳам қитдек еғанмилар, Шинни бўлиб қолганмилар, дейман.

**Зайнобиддин.** Шунақа ука, баъзан Мураббо, шиннилардан татиб туриб, Нишолда ҳам ялатиб қўясиз.

**Мадаминжон.** Ака, нима бўлди сизга, Повидло еб туриб, Жем дейсиз.

**Зайнобиддин.** Байрам дастурхонига қанақа ширинлик зарур бўлса, менга рўйхатини ёзиб беринг, аммо кўшиб ёзманг, ёсангиж Беновват бўлиб қоласиз.

**Мадаминжон.** Ака базага бемаҳал борманг, қоровул чиройли лентага боғлаб, «Зоологичний» экансиз, деб юрмасин.

**Зайнобиддин.** Ўзингизни ҳам етаклаб бораман ука. Ўша қоровул байрам кунлари шунчаки ҳазил, деб бикинингизга чўп тиқиб, Хўроқанд деб, болаларга пуллаб олар.

**Мадаминжон.** Ака, мен «Қорақум»декман, қоровул ёқтирмаса керак, ўзингиз Каллақанддек чақнаб бораверинг.

**Зайнобиддин.** Укажон, ширинликлар ҳақида ширинширин гапларни айтдик. Шакарнинг ози ширин, деганлар. Шакаржоновлигимизни ҳам унутмайлик, бўлди энди.



## Айниддин Зайниддинов

Тошкентлик асқиячиларнинг саркори ҳисобланган Айниддин Зайниддинов авваллари ҳажвий ҳикоялар, интермедиалар, бир пардали саҳна асарларини ижод этади. Кейинчалик эса асқиячилар баҳсларида иштирок этиб, кулги муҳлислирини хушнуд эта бошлади.

У 1925 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1954 йили Низомий номидаги педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тутатиб, мактабда, кейин эса рӯзнома ва журналлар таҳририятларида ишлади. Айниддин Зайниддинов бир неча бор асқиячиларнинг кўрик-танловлари совриндори бўлган. Айниддин вафотидан кейин унинг пойтахтдаги асқиячиларга саркорлик ишини Убайдулла Абдулаев, Фозилжон Султоновлар давом эттиришяпти.

### ЎЗИНГ ЁЛГОНЧИ

Тавба! Нима учун одамлар мени ёлғончи, дейди?  
Қаранг, умримда биттаям ёлғон гапирмаганман. Мана,  
эшишиб кўринглар.

Шу дeng, уйда ётавериб диққинафас бўлиб кетдим-да, бисотимдаги учта — иккитаси йиртиқ-йиртиқ, биттасининг бариям йўқ тўнларимдан бариям йўғини кийиб, йўлга равона бўлдим. Кетаётсам, олдимдан учта ариқ чиқиб қолди, иккитаси қуп-қуруқ, биттасининг намиям йўқ. Намиям йўқ ариқ ичида учта балиқ ётибди, иккитаси ўлик-ўлик, биттасининг жониям йўқ. Ўша жониям йўқ балиқни бариям йўқ тўнимнинг этагига солиб, йўлда давом этдим. Бир жойга борсам, қаршимда учта уй турипти, иккитаси вайрон-вайрон, биттасининг девориям йўқ. Ўша девориям йўқ уйга кириб қарасам, учта ўчоқ борақан, иккитаси бузуқ-бузуқ, биттасининг ёниям йўқ. Уларнинг тепасида

учта қозон эса ҳам осиғлиқ, иккитаси синиқ-пиниқ, биттасининг тагиям йўқ. Тагиям йўқ қозоннинг ичидан учта пичноқ кўринди, иккитаси пачақ-пачақ, биттасининг сопиям йўқ.

Ишнинг ўнгидан келишини қаранг, дарров енгни шимариб, сопиям йўқ пичноқ билан жониям йўқ балиқни тозаладим. Ёният йўқ ўчокқа тагиям йўқ қозонни яхшилаб ўрнатиб, қовура бошладим.

Бир пайт денг, бирор хабар берганми ёки балиқ ҳиди димоғларига кирганми, узун-қисқа бўлиб, қирқта улфатим келиши.

— Ха хумпарлар, насибаларинг қўшилган экан-да,— деб балиқни қозон-позони билан ўртага кўйдим. Ола-верибмиз-олаверибмиз, баъзилар бўкиб ҳам қолди. Шунда биттаси: «Тагига олов-молов ёқсанмидинг?» деб қолди. Қаранг, шошилинчда олов ёқишини унугтан эканман.

Қани эндијам бирор мени ёлғончи, деб кўрсин, «Ўзинг ёлғончи», дейман.

## ОШ ХАТИ

*Кунларнинг бирида Насриддин афанди қозиникига келиб:*

— Бой ота сизни тўйга айтиб юбордилар, — деса, қози:

— Мени тўйга таклиф этиш учун сендан бўлак тузукроқ одам қуриганмиди? — деб тўнгилабди. Шунда Афанди:

— Тузукроқ одамлар тузукроқ одамларни айтишга кетишиди, — деган экан.

Тошкентлик машҳур Саидаҳмад асқиянинг (у асқияда рақибларини «бир чўқишида» қочирадиган зукко, ҳозиржавоб бўлгани учун шундай деб аташган) ош хотини қандай тарқатгани тўғрисида бўлган ҳангомани эшигининг.

Саидаҳмад асқия ўғлини суннат тўйи қилмоқчи бўлибди. Таомилга кўра наҳорда юртга ош бериши керак. Бундан хабар топган маҳалла масжидининг имоми ёнига уч-тўртта салла-каллаларни олиб, маслаҳат ошига киришибди. Зиёфат сўнггида имом:

— Хўш, десак, мулла Саидаҳмад иним, сиз кўп саховатли, юртга танилган одамсиз. Тўй ошини каттароқ қиласиз. Етти даҳага ош хоти юбормасак айб бўлади.

Бу бирламчи савоби калон бўлса, иккиламчи ул шариат пешволарининг дуоларидан баҳраманд бўлғайсиз, шунда Яратган Олло бирингизга ўн беради, — дебди. Бошқалар ҳам бу гапни маъқуллаб, етти даҳа масжидига, ҳар биридан йигирма нафардан одам келишини айтиб, алоҳида-алоҳида тақлифнома ёзишибди.

— Хатларни ким тарқатади? — мутавали ундан илҳақ бўлиб сўрабди.

— Хотиржам бўлинглар, ўзим етказаман, — дебди Саидаҳмад асқия, — қўшнимнинг йўрга эшаги бор, ўшани миниб, бир зумда тарқатаман. Сизда оёқ иккита, у жониворда эса тўртта...

— Маъқул, — дебди имом. — Бу ёғи ҳал, энди бошқалари майли-ку, катта масжидимиз — Ҳости имомга уч-тўртта извош юбориш керак!

— Уни ҳам тўғрилаймиз, — дебди тўй эгаси.

Шундай қилиб, маслаҳат билан наҳорги ошга ўн пуд гуруч дамлашни, боз устига домла-имомларга биттадан чопон кийдиришни бўйнига қўйиб, маслаҳатчилар қўзғалишибди.

Орадан беш кун ўтгач, бомдод намозини нари-бери ўқиб, имом бошлиқ маҳалланинг барча намозхонлари ошга келишибди. Имом билан қори казо-казоларни кутиб олиш учун Саидаҳмад асқия ёнида ҳассакаш бўлиб туришибди...

Ошга айтилғанларнинг деярлик барчаси келиб-кетса ҳамки етти даҳа масжидидан ҳеч ким кўринмабди.

— Хатларни топширганимидингиз иним? — сўради имом тўй эгасидан.

— Ҳовва, тақсир.

— Ўзингизми ёки бирор кимса орқали?..

— Ўзим тақсир. Мана шу қўлларим билан анави омбордан чиқаётган сувга оқизиб: «Бор эгаларингта!» деганиман тақсир.

— Э-э, тақсир демангे, садқайи одам кетинг!

— Бўлти, бундан буён бетақсир деганим бўлсин,— дебди Саидаҳмад асқия пилдираб кетаётган имом орқасидан ва қўшиб қўйибди.

— Етти даҳадаги ўзим танимайдиган одамларга ош бериб, эсимни ебманми. Мана ҳолимга қараб, ўттиз кило гуруч дамлатдим, ҳаммага етиб ортди. Қолганини қўшниларга тарқатаман, тўй ошидан хотин, бола-чакалар ҳам есин! Савоби кўпроқ тегади. Нима дединглар? — деб ҳаммани кулдирган экан.



## Иброҳимжон Жўраев

Найманча қишлоғи уста Акбар Усмонов, Мамарозиқ Исҳоқовдек пайровлар тортишувида елкаси ерга тегмаган асқиячилар макони ҳисобланади. Кўқон туманига қарашли ана шу қишлоқда устозларидан асқия айтишиш сирларини ўрганиб, сўз ўйинлари устаси Иброҳимжон Жўраев этишиб чиққан.

Иброҳимжон 1927 йили сартарош оиласида дунёга келган. У отасидан соч, соқол олиш ҳунарини ўзлаштириб, кейинчалик мустақил равишда сартарошлик қила бошлайди. Шу билан бирга қишлоқдаги асқия кечаларига фаол қатнашиб, асқиячиликда кўпчиликка танила бошлайди. Йигирманчи асрнинг олтмишинчи йиллари бошларида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманига кўчиб келиб, сартарошлик ишини давом эттиради. Унинг бирдан-бир мақсади пойтахтда бўладиган асқия ва қизиқчилик кечаларида ўзини синааб кўриш эди. Шу боис дам олиш кунлари Тошкент шаҳрининг Лангар, Чилонзор Оқтепаси маҳаллалари чойхоналарида асқиячилар йиғинларига қатнашиб, кулги майдонида кураша бошлайди. Ўша пайтларда Расул Муҳаммадий асқия соҳасида илмий изланишлар олиб борарди. Иброҳимжондаги топқирлик, сўз ўйинларини маржондек териб ташлашдек хислатлар олимни қизиқтириб қўяди. У иштирок этган пайровлардан баъзиларини магнит тасмаларига ёзиб олади. Шунингдек, Иброҳимжон машҳур асқиябоши Фанижон Тошматов гуруҳида иштирок эта бошлайди.

Кейинги пайтда Иброҳимжон Жўраев ўз она қишлоғи Найманчада яшарди. Аммо Тошкентта кўчиб келди. Ўзини даволатмоқчи эди, бевақт ҳаётдан кўз юмди. Куйида Иброҳимжон билан тошкентлик шоир, Fa-

фур Гулом номли бадиий нашриётнинг энг биринчи ташкилотчи директори Насрулла Охундий ўрталарида бўлган қўшиқ пайровини қисқартирилган ҳолда ўқийсиз.

## АСКИЯ

**Иброҳимжон.** Насрулла ака, сизни шоир, деб юрадим, билсан қўшиқ айтишни ҳам қотираркансиз. Ҳофизлик МУБОРАК бўлсин!

**Насрулло.** Раҳмат, укажон! Аммо тингловчилар билб қўйишин, ГУЛУЗОРИМ деб, ажриққа ёнбошлаб, хиргойи қилган мана шу Иброҳимжон бўладилар. Тол новдасини ушлаб олиб, ЗУЛФ САВДОСИ АЛИФ ҚАДДИМНИ ДОЛ ЭТМИШ, деб нола қилган ҳам шу киши.

**Иброҳимжон.** Ҳайрон бўлманглар, акамиз гоҳо шунақангى ТЎЛҚИНланиб кетадилар. Аввалги куни қўлларига битта бутилкани олиб, унга МУНОЖОТ қиляптилар: КЎНГЛИМ ОЛГАЧ УЛ ПАРИ МАЖНУН ШАЙДО ҚИЛДИЛАР, деб.

**Насрулло.** Мен ўз кўзим билан кўрдим: Иброҳимжон КУЧА БОҒИДА дўппини яримта қилиб, ФАРФОНАЧА ШАҲНОЗни айтаптилар: ШАМЬИ ҲУСНИНГА НИГОРО, ЎРТАНИБ ПАРВОНАМАН, деб.

**Иброҳимжон.** Акамни тушунган ИЛГОР одам десам ишонмайсизлар. Кеча тол новдага миниб, БОШИМА ИШҚИНГ ТУШИБ, САВДО БЎЛУРМУ МУНЧА ҲАМ, деяптилар. СУВОРА бўлиб кетинг-е!

**Насрулло.** Баъзида Иброҳимжоннинг феъли айниб туради. Тунов куни белига беш-олти бўш бутилкани осиб олиб, ҚАЛАНДАР биз бўламиз, деяптилар. Боз устига хониш қиляптилар: БОРА-БОРА КЕТДИ ҚАДРИМ, ИНТИҲОРИМ КИМ ДЕСУН, деб.

**Иброҳимжон.** Билиб олинглар, ҚАЛАНДАРлардан тўрт-бештамиз, бешинчиси Насрулла акам бўладилар. У куни ариққа думалаб ётиб, АҚЛУ ҲУШ УЧДИ БОШИМДАН, Э ПАРИ ДЕВОНАМАН, деб хиргойи қиляптилар.

**Насрулло.** ЎЛТУРҒУСИ қизиқ деб, Иброҳимжонга қарасам, анча ўзига келиб қолибди. Ўша бўш бутилка-

ларни ерга уриб синдириб, ОШУҚ БЎЛУРДА БИЛ-МАДИМ МЕН НОТОВОН ҲАСТАКИМ, деяпти.

**Иброҳимжон.** Гап бошлашда, ҳофизлик МУБОРАК бўлсин, дегандим. Энди эса сизга ШАРМУ ҲАЁ МУБОРАК, Насрулло ака!

**Насрулло.** Бу одамга ишониб ҳам бўлмай қолди, МУСТАҲЗОД десам, ФАРГОНАЧА ЖОНОН чиқиб қолдилар. Дарров юрагимдаги гапни айтиб қўя қолдим: УЛ КУН ЖОНОН ЮЗНИ ТОБОН АЙЛАДИНГ, АБР ИЧИНДА ОЙНИ ПИНҲОН АЙЛАДИНГ, деб. Ё касби-рўзим САРТАРОШ, дея юраверасизми?

**Иброҳимжон.** Насрулла ака, ўйлаб кўрсам ҳали ашуаллар жуда кўп экан, яхшиси, МЕҲНАТ АҲЛИга навбатни берайлик, ҚИЛИНГ ФАЙРАТ, БУ ВОДИЙ СУВГА СЕРОБ ЎЛСИН, дейлик!

**Насрулло.** Тўғри айтасиз, ТО САҲАР ашула айтиш мумкин. Қисқаси, асқия ЯККА БУ ФАРГОНАДА, дея хулоса чиқарайлик!



Андикон шаҳридаги истироҳат боғида бўлиб ўтган республика асқиячилари ва қизиқчиларининг кўрик танлови (1988 йил)  
ғолибларини томошабинлар кутлашмоқда.



## Муҳиддин қизиқ Дарвишев

(1936—1995)

---

Фалакнинг гардиши билан қизиқчининг таржимаи ҳоли ҳам ўзига ўхшаш қизиқ бўларкан. Муҳиддин ёшлигидаёқ ҳар хил гаплар айтиб, қиликлар қилиб, тенгдошларини кулдириб юаркан. Унинг ёшлиги Ўзбекистон туманининг Доғистон, Эшон, Супра ва Бувайда туманининг Оққўрғон, Янгиқўрғон қишлоқларида ўтди. У ўрта мактабни битириб, Самарқанддаги қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг агрономия куллиётига ўқишига кирди. Олийгоҳда тўгаракларга қатнашди. Ҳатто, А. П. Чеховнинг асарлари образларини ижро этиш борасида ўтказилган танловда биринчилликни олди. Олийгоҳни яхши тамомлагаёт, Бувайда туманидаги жамоа хўжаликларида агрономлик қилди. Шу билан бирга Фарғона вилоятининг Кўқон атроф туманларида бўлиб ўтган кулги-табассум кечаларида чиқишлиар қилиб, ўзининг турли хил латифа ва ҳантомаларини айтиб, кулги ишқибозларини мамнун этади. Туман марказларидаги ҳалқ театрларида эса комик ролларни ҳам ижро этади. Бу орада у Учкўприк туманининг маданият уйида ишлайди. Республикада бўлган қизиқчи ва аскиячиларнинг 1-, 2-, 3-, 4-кўрик-танловларида шоҳсупаларга кўтарилиб, ёрлик ҳамда дипломларни кўлга киритади. 1989—1990 йилларда эса Кўқон шаҳар маданият уйи қошида ташкил топган «Қаҳ-қаҳа» ҳажвий гурухига раҳбарлик қиласи ва шу асосда кооператив очади. 1995 йил октяброда жигар хасталигидан вафот этади.

От изини той босар, деганларилик, Муҳиддиннинг кенжатои ўғли Жалолиддин отасидан ўрганган қизиқ-қизиқ латифаларни образга кириб айтиб, тенгдошлари ва бошқаларни кулдиргани-кулдирган.

## ИТНИНГ ИТЛИГИ

— Мұхиддинниң итінде мәхмөннен көз аспағанда — деб ҳикоя қыллади андижонлик асқиячи Ҳасанбай Султонов. — Мен, раҳматли Қодир Дәхқонов, Мансур Охунов. Күрсак, у үйде экан, зумда чиқди, ичкарига таклиф этди. Қарасак дарвоза хона йўлаги ўртасида катта қўппак ит ётибди.

— Индамайди, юраверинглар, — деди Мұхиддин. Ҳақиқатан индамас экан. Ҳаммамиз устидан хатлаб ўтдик, ит индамади. Мұхиддиннинг ўзи ҳам ўтиб, итнинг қорнига қаттиқ бир тепди. Ит фингшиганича нари кетди. Бундан хотинининг жаҳли чиқди шекилли жавраб берди.

— Жимтина ётган шўрликни нега тепасиз!

— Ҳе, ит бўлмай ўлсин! — деди Мұхиддин хотинига жавобан. — Шунча акалари келибди, кўнгил учун лаоқал, бир марта акилламади-я!

Биз бир-биримизга қараб, учковимизнинг ҳам асқиячилар орасида пинҳона лақабимиз «Ит» эканлигини эслаб, кулиб қўйдик.

## ИККИ ДАРВОЗАЛИ ҲОВЛИ

Раҳматли падари бузрукворимиз аравасоз уста бўлган эканлар, — деб ҳикоя қыллади Мұхиддин.— Ҳовлимиз пахса деворига ўрнатилган икки табақали дарвозанинг биридан катта гиддиракли Кўқон араванинг бузуғи кирса, иккинчи дарвозадан янгиси ёки созлангани чиқиб кетаркан.

Ўттизинчи йиллар ўрталарида бойларни тутатиш ишлари авжига чиққанди, яъни улар Украина ё Сибирга кўчирма қилинарди. Кўқон атрофида кимнинг ҳовлисида икки табақали дарвозаси бўлса ўша қулоқ ҳисобланарди. Текшириш навбати бизниңи келди: ҳаммада биттадан икки табақали дарвоза бўлса бизниңида иккита. Текширувчилар ичкарига кирмаёқ: «Бу одам ашаддий қулоқ!» — деган холосага келишди. От, аравамиз тортиб олиниб, ота-онамизни Украина га кўчирадиган бўлишди. Кўч-кўронни қизил вагонга ортишиб, жўнатишли ҳам. Кейин эса қариндош-уругу таниш-билишлар, «У бой эмас, арава созловчи уста эди, шунинг учун иккита икки табақали дарвозаси бор эди», деб у ер-бу ерга ариза ёзишавериб, Украинадан ота-



Такрорланмас қизиқчи ва аскиячи Муҳиддин Дарвишев қарияларни кулдириб, дуоларини олмоқда.

онамни зўрга қайтариб олиб келишган экан. Бир ёғи колективлаштириш даврида аравасоз уста сувдек зарур бўлиб ҳам қолибди-да! Ана шунаقا, оға-инилар, мен икки дарвозали ҳовлида «қулоқ» оиласида дунёга келган Муҳиддин Дарвишев бўламан!

### ТЕЗЛАШТИРИШ

Жуда катта қурилиш бўлаётган жойга комиссия келибди. Муҳандис у ёқقا, ишбоши — прораб бу ёқقا ҳаллослаб чопармиш. Етти-саккиз қурувчи эса қуруқ замбилиғатакни шалдиратиб, у ёқдан-бу ёқقا гилдиратмиш. Комиссия аъзолари ҳайрон бўлишиб, қурилиш бошлиғидан сўрашибди.

- Нима иш бўляпти ўзи?
- Қурилишда қайта қуришни жадаллаштиряпмиз, — леб жавоб берибди бошлиқ.
- Замбилиғатакларда юк йўқ-ку?!
- Ишларни тезлаштирганимиз учун юкларни ортишга ҳам вақт етишмаяпти-да!

## ВОКЗАЛДА

Соат ўнда кетадиган «Андижон—Тошкент» поездига чиқиш учун икки киши Кўқон вокзалига борибди. Шунда биринчиси иккинчисидан сўрабди:

— Соат неча бўлди?

— Тўққиз.

— Ўҳ-хў, поезд жўнашига роса бир соат бор экан, ҳўв анави магазинда таниш ошнам бор, юр, гаплашиб ўтирамиз.

Магазинчи қадрдан ошналарини илиқ кутиб олибди. У бир буханка нон, икки дона помидор келтириб, тўнтарилган яшик устига ёйилган газетага кўйибди. Стаканларга ароқдан қўйиб, роса эзмаланиб ўтиришибди. Охири улардан бири қўлидаги соатига қараб:

— Ўнта кам ўн бўлибди, кетдик, — дебди. Улар перронга келишса поезд йўқ.

— Поезд қани? — сўрашибди бир кишидан.

— «Андижон—Тошкент» поездини сўраёттан бўлсангиз, кетганига бир соат бўлди, — дебди перрон хизматчиси.

Ўшанда маст йўловчи шеригига айтармиш:

— Асқарвой, яхшиям соатга қараб чолганимиз. Бўлмаса икки соат кеч қоларканмиз.

## ЧАЙҚОВЧИГА МУКОФОТ

Ҳафизхон исмли бир киши Сибирь томонга бораётган самолётда учиб кетаётган экан. Ярим йўлда бир барзанги қўлида тўппончаси билан учувчиларга ўшқира бошладби:

— Ҳозир, чет элга ҳайдайсан!

Ўшанда ҳамма йўловчилар титраб, кўрқиб ўтиришарди. Жони ҳиқилдоғига келган наманганлик Ҳафизхон ўрнидан даст туриб, учувчиларга дўқ ураётганнинг орқасидан секин бориб, икки қўлини қайирган экан, тўппончаси тушиб кетибди. Қолганлар унга ёрдам беришиб, ўшқираётганнинг оёқ-қўлини боғлашибди. Самолёт ўз вақтида бориб кўнибди. Тушаётганларни милиционерлар ўраб олиб, подполковниги йўловчиларга қараб:

— Орангизда Ҳафизхон ким? — дебди.

— Мен, — деб ўртага чиқибди. Подполковник

унга қаҳрамонлиги учун мукофотлар берибди. Ҳафиз-хондан ўша пайт радиодан келган мухбир интервью олибди:

— Айтинг-чи, Ҳафизхон, қандай қилиб барзангини қўлга туширдингиз?

— Қарасам учувчини четга ҳайдада, деб зўрлаяпти. Зўрлаш бунақа бўлади, деб икки қўлини қисдим, йиқилди.

— Мабодо чет элга ҳайдаса борармидингиз?

— Чет элда нима бор, бу шаҳарда помидорнинг килоси ўн сўм, чет элда бир сўмдан сотаманми?

### ДАДАМНИНГ ИШИНИ...

Кунлардан бир куни Бозорбой ака деган эшагини толга боғлаб, у бу олгани бозорга кирибди. Чиқса эшаги йўқмиш. Шунда овозининг борича ҳайқирибди:

— Ҳалойиқ, манави толга эшагимни боғлаб, бозорга кириб чиқсан, йўқ. Шуни билиб олинглар, мен яна бозорга кириб чиққунимча эшагимни келтириб, жойига боғлаб қўйинглар, қўймасанглар отамнинг қилган ишини қиласман!

Шундай дебди-ю, у яна бозорга кириб кетибди. Бир маҳал чиқса эшаги жойида турганмиш. Елкасидағи хуржунни эшакка босиб, индамай кетаверибди. Эллик қадамча юргандан кейин 2—3 ёш йигит эшакнинг жиловидан ушлаб сўрабди:

— Дадангиз нима иш қилганди?

— Эшагини ўғирлатиб қўйиб, уйга яёв қайтган эканлар, — дебди Бозорбой ака.

### АФАНДИ ВА ИФВОГАР

Бир одам ифвогарлиги туфайли қишлоқда отнинг қашқасидек бўлган экан. Кўчада кетаётган Афандининг рўбарўсидан ўша ифвогар чиқиб қолибди. Шунда Афандининг эшаги кетма-кет ҳанграб юборибди. Ҳалиги ифвогар Афандига дебди:

— Бу қанақаси, айтиб қўйсангиз бўлмайдими? Менинг ёнимда ҳанграйдими?

— Биродар, — дебди Афанди, — бунинг тилига сиз тушунмасангиз, мен тушунмайман.

Шу пайт эшак бошини қаттиқ силкиб, ҳалиги одамнинг башарасига сўлагини сачратиби.

— Айтиб қўйинг, унинг устидан ёзиб, таъзирини бераман!

— Э-э, тушунарли, — дебди Афанди, — мен эмас ўзингиз айтинг, унинг тилига сиз тушунаркансиз. Эшак ҳар ҳолла эшак-да!

## НАВРЎЗ КУНИ

Байрам арафасида бошлиқ барча милиционерларни йигиб, уларга уқтирибди:

— Эртага Наврўз байрами. Ҳамма хушмуомала бўлиши керак!

Эртаси қуни автобус бекатида гавдали бир милиционер турганда, кимдир қаттиқ акса урди.

— Ким акса урди! — жиддий оҳангда сўради милиционер. Ҳеч ким индамади. Акса урган бир онахон экан, у «Апшириш мумкинмас эканда, бекатда» деб ўйлаб, тескари қараб тураверди.

— Ким акса урди, деяпман!?

Яна ҳеч ким индамади. Бекатдагилар елка қисишиб, милиционерга ҳайрон ҳолда тикилишарди. Шунда ҳалиги онахон, айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди, деб милиционерга ўнг қаради:

— Ўғлим, мен билмай...

— Соғ бўлинг, онахон! — деди милиционер зўрмазўраки илжайган ҳолда честь бериб. — Соғ бўлинг! Наврўзингиз қутлуг бўлсин!

## ҚЎҚОН РУХИЙ КАСАЛХОНАСИ ҲАНГОМАЛАРИ

### Ота-бала экан

Касалхонанинг кўча томонидаги деразасидан икки бемор қараб турганди, икки киши кўчада бир-бири билан сўкишиб ўтиб қолди:

— Аҳмоқ экансан!

— Сен жиннисан!

Бу гапларни эшитиб турган bemorlar бир-бирига дерди:

— Буларнинг иккови ҳам соғмас экан. Бир-бирини болхонадор қилиб боллашяпти.

— Ҳой оғайнилар! — деди bemorlarдан бири ово-

зининг борича бақириб. — Буш келманглар! Бирингга арпа, бирингга буғдой! Гиж-гиж.

— Ановиларни қара, бизлардан кулишяпти, ақли паст хўтиқ! — деди кўчада сўкишашётганларнинг ёши каттарофига.

— Мендан эмас, сен эшакдан кулишяпти! — ўшқирди кичикроғи. Шунда деразадан қараб турган беморлардан бири ҳайрон қолиб, деди:

— Вой ановиларни, бир-бирига бегона десам, отабола эканлар!

### Таксичининг қилиғи

Кунлардан бир куни касалхонага текширувчи келди. У дарвозадан кириши билан тузуккина бир кишига рўбарў келиб, ундан сўради:

— Бош врачнинг хонаси қаерда?

— Қани ўтиринг, ўзим олиб бориб қўяман, — дедида, сўнг текширувчининг бир қўлидан ушлаб: «Фир-фир-ғир! Ду-дут!» деб бошлаб кетди. Бош врач ўтирадиган хона олдига бориб, «Етиб келдингиз, уч сўм тўланг!» — дебди. Текширувчи яна у ер, бу еримга тушириб қолмасин, деган хаёлда шоша-пиша ёнидан уч сўм чиқариб берибди. У бош врач ҳузурига кириб, бўлган воқеани баён қилибди. Ўшанда бош врач хотиржам дебди:

— Ҳа, уми? У аввал шаҳарда такси ҳайдовчиси бўлган-да!

### Сиз соғсиз...

Беморлардан бири касалхона ҳовлисидаги узун дарахт тепасига чиқиб олиб, сира тушмабди. «Кечаси билан қолиб кетса йиқилиб тушмасин», деган ўйда бош врач уни кўрқитиб туширмоқчи бўлиб, милтиқ олиб келиб ўшқирибди:

— Қани, туш! Тушмасанг, отаман!

— Отсангиз отаверинг, тушмайман!

Шу пайт ҳовлида юрган bemorлардан бири бош врачнинг қўлидан милтиқни тортиб олиб, бақирибди:

— Яхшиликча туш, бўлмаса отаман!

Бу гапдан кейин у дарахт устидан апил-тапил тушибди. Бош врач шунда ундан ўпкалаб деди:

— Мен ёлвордим, дўқ урдим тушмадинг, ановининг бир оғиз гапига югуриб тушдинг-а? Одам ҳам шунақа бўладими?

Бош врачга қараб, дарахтдан тушган бемор куйиниб гапирибди:

— Ахир, сиз соғсиз, у эса жинни! Унга ишониб бўладими, отса отаверади!

### Сузиш мусобақаси

Беморлардан тўрт-бештаси касалхона ҳовлисидағи суви қуриб қолган ҳовузга тушиб, худди сувда сузаётгандек у ёқ-бу ёққа бориб келишаркан.

— Ҳа, йигитлар, нима қиляпсиз? — сўрабди бош врач.

— Сузиш мусобақаси ўтказяпмиз, — жавоб берибди улардан бири.

— Ҳовузда сув йўқ-ку! — ажабланибди бош врач.

— Сув бўлмаса ҳам ҳовуз бор! — дебди бошқаси.

— Ҳа, майли, мусобақа ўтказаверинглар, — дея бош врач ўз хонасига кириб ўтирганда, улардан биттаси кириб келди.

— Нима бўлди, мусобақа тугадими, ҳеч ким сувга чўкмадими? — мийигида кулиб сўрабди бош врач.

— Яхши ўтказдик. Фақат, бир киши сузишни билмаганидан сувга чўкканди, уни кийим-пийими билан симдорга ёйиб қўйдик! — деб мақтанибди бош врач ҳузурига келган бемор.

### Мих қоқиб қўй

Шифохонага ҳар ҳафтада бир марта сартарош келиб, bemorларнинг сочини ўзининг ўтмас машинкасида олиб, қийнаркан. Ўша сартарош келган куни бир бемор шеритига айтармиш:

— Оғайни, бир мих топиб келиб, сочимнинг орасига болға билан қоқиб қўй.

— Нега ундан деяпсан?

— Анови сартарошнинг машинкаси михга тегиб синса, сочимизни ололмасди-да!



## Рустам Ҳамроқулов

Одатда, қизиқчилар кулги билан машғул бўлганликлари туфайли бўлса керак, кўп йил умр кўрадилар. Аммо фалокат оёқ остида деганларидай, Рустам навқиронлигига даёқ автомобиль ҳалокатидан оламдан кўз юмди. Унинг нияти, режалари бошқача эди, амалга ошмай қолиб кетди.

Рустам Ҳамроқулов асли поплик бўлиб, театр санъати олийгоҳини тутатганидан кейин Алишер Навоий номидаги Наманганд вилояти музикали драма театрига ишга боради. Орадан кўп ўтмай, тиришқоқлиги ва санъатга бўлган муҳаббати туфайли театрнинг етакчи санъаткорига айланади. Шу билан бирга у қизиқчиликка алоҳида зътибор беради. Унинг нафис пардага ўралган кулгили ҳикоялари, қочирикли ҳажвиялари ва нозик лутфлари ҳар қандай тингловчини ҳам ўзига мафтун этарди. У кулгини оламдаги энг зўр бунёдкор куч, деб биларди. Истеъодли қизиқчи қисқа умр кўрган бўлса ҳам анчагина кулгили асарлар яратган.

### НИМАНИНГ НИМАСИ БЎЛМАЙДИ?

Элимизда шундай гап бор: осмоннинг устуни бўлмайди, ҳовузнинг қопқоғи, кўрпанинг енги, ошпиçoқнинг қини бўлмайди.

Бир куни санъаткор дўстлар билан бирга ўтиришиб қолиб, яна нималар бўлмаслигини ўйлаб топдик. Билсак жуда кўп нарса бўлмас экан. Масалан, маймуннинг шими, муттаҳамнинг ушлаб оладиган думи, баъзи шофёрларнинг ўпкаси, йигитларнинг юбкаси, ферма мудирининг эти, чайқовчининг бети, ҳолвайтарнинг тузи, ифвогарнинг юзи, қайроғочнинг гули, курумсоқнинг пули, ҳўқизнинг сути бўлмайди, бошлиқни шахматда ютиб бўлмайди. Ҳалол одамнинг қайғуси, порахўрнинг уйқуси бўлмайди. Тоғ тошининг маъини, отарчининг тайини бўлмайди.

## ҚАССОБ ОТАРЧИ

Бир бўри ўлжка излаб қишлоққа тоғдан тушибди.  
Қараса, олдидан бир қўзичноқ чиқиб келаётганмиш.

— Ҳа-а, сени ейман! — дебди бўри.

— Кошки эди, — дебди қўзичноқ. — Ўзим ҳам сизни  
қидириб юргандим... Фақат, илтимос, мени ейишдан  
олдин битта ашула айтиб берсангиз. Ширин овозин-  
гизни эшитиб, роҳатланиб ўлсам.

Бўри жон-жон деб, қўзларини юмганича катта ашу-  
ладан бошлабди:

*Во-яй, юрурмиз тоғлар аро-я,  
Қайдасан кўзи қаро-я,  
Ув-ве! Ув-ве!*

Бир маҳал ашулани тугатиб, бундоқ қўзини очиб  
қараса олдида қўзичноқ йўқмиш, жуфтакни ростлаб  
қолибди. Шунда бўри пешанаисига шап эткизиб уриб:

— Касбинг-ку қассоблиг-а, нима қилардинг отар-  
чилик қилиб, — дебди.

## ТЎЙДАГИ ТАРЗАН

Бир жойга тўйга боргандик, энди тўй-тўйда! Тўйхона  
эгасининг яқин-йироқлари, илонбошилару саватбош-  
лар дарвозани икки томонга очиб, икки қатор деворга  
орқаларини тираган ҳолда туриб, келганларни кутиб,  
кетганларни кузатиб туришибди:

— Келинглар, ҳов келинглар! Қани ичкарига, ич-  
карига!

— Хуш келибсизлар! Хуш келибсизлар!  
— Яна кимлар келяпти?  
— Тракторчилар.  
— Уларни гўзапоя устига олинглар!  
— Энди домлалар келишяпти.  
— Ҳа, уларни айвонга олинглар!  
— Нима қиласиз, раҳбарлар келишяпти?  
— Дарров ичкаридаги тузатилган жойга олиб, ях-  
шилаб кутинглар!

Тўй бўлганидан кейин ўз-ўзидан енгил машиналар  
турна қатор бўлиб кетади. 50—60 енгил машина кўча  
чеккасида турибди. Беш ё олти яшар бир зумраша ма-  
шиналарнинг ҳали униси, ҳали буниси устига чиқиб,

Қичқиради. Қўл қовуштириб турганлардан бирининг ўғли эканми, мақтай кетди:

— Бизнинг ўғилча. Чингачгук йўғ-е, Тарзан бўляпти, ота ўғил-да! Машинани жуда яхши кўради...

Зум ўтмай зумраша бир машинанинг капотини очди. Эгаси бориб, болага қаттиқ гапирмай капотни ёпиб келди, отаси дурустроқ лавозимда экан-да. Кейин у нариги машинага ўтиб, одамларга кўринмайдиган томонига яширинди, чўнтағидан пичоқасини олиб, машина эшигига алланимани чиза бошлади. Машина эгаси боланинг отасига айтганди, ота жонивор бориб койий кетди:

— Бас қил, яп-янги пичоқни ўтмас қилиб қўясан!

### ТАЖАНГНИНГ ЎҒЛИ

Катта ариқдаги сувда оқиб келаётган тўрт яшар болани кўрган бир одам дарров уни олиб, оёғини осмонга қилиб, хушига келтирди.

— Яхшиям болакай кўриб қолдим, соғ-омон қолдинг, — деса, болакай нима дермиш денг:

— Раҳмат, тога! Илоё сизни ҳам дадам қурутсин!

— Ие, оббо, оғзингда замбарагинг борми, кимнинг ўғлисан?

— Мамарайим тажангнинг ўғлиман!

Қаранг, ҳатто, дадасининг лақабигача билади-я! Болани олиб бориб, уйига қўйиб келса, кетма-кет Мамарайим тажанг ҳам келибди. Ҳалиги одам ўйлабдики, ўғлини қутқарганим учун менга тўн кийгизса керак, шунга келгандир, деб:

— Ҳа, ака қўйинг, бир ердаги одаммиз, менинг ўрнимда бошқа бўлганида ҳам шу ишни қиласарди, — деса, Мамарайим тажанг дермиш:

— Ҳеч қанақанги оворагарчилиги йўқ, боламнинг дўпписи қани, ё уни олмай оқизиб юбордингизми?

### ПУДАШ

Илон изи бўлиб учиб келаётган «Жигули»ни автоинспектор тўхтатди. Ҳайдовчи басавлат одам экан, тўйдан келаётганини айтиб, автоинспекторни писанд қилмай ўтираверибди.

— Қани, ҳужжатларингизни олинг! — талаб қилибди инспектор.

- Қанақа ҳужжат керак, мана! — дебди ҳайдовчи.
- Тўйда кўп отганга ўхшайсиз, машинани четга олинг!
- Сал-пал ичдик, мастмасман!
- Унда, янги чиққан япон аппарати бор, дарров қанча ичганингизни аниқлаб беради, — инспектор сум-касидан аппаратни олиб унга тутибди. — Қани, пуданг-чи!
- Пудасак, пудайверамиз, — деб ҳайдовчи аппаратга пуфлабди, ўшанда аппаратдан садо чиқибди:
- Жиринг-г! Соливой ака қудаларининг тўйига бориб, кетма-кет тўрт пиёлани сипқартганлар, устидан газакка шампан ичганлар.
- Ё, тавба, аппаратингиз зўр, йўғ-е бузук экан! Раҳима сен ҳам пудачи, тўғри нотўғрилигини биламиз қўямиз, — дебди Соливой ака. Орқада уч яшар боласин олиб ўтирган янга ҳам аппаратта пуфлабди. Аппаратдан шундай садо чиқибди:
- Жиринг-г! Раҳима янгамиз ҳам аввал шампан, кетидан озоқ конъяк ичганлар. Газагига минерал сув ичганлар.
- Ёпираи! Бу аппаратингиз бузилган, аёл киши ҳеч замонда конъяк ичармиди? Энди Анварчик ҳам пудасин, шунда аппаратнинг бузукми, тузуклиги аник бўлади, — дебди Соливой.
- Автоинспектор уч яшар Анварга аппаратни тўғирлабди:
- Қани ўғлим, бир пудаб юбор! — дебди Соливой. Анвар пуфлабди, аппарат гапга кирибди:
- Анваржон ҳам эллик грамм ароқ, кетидан шампан ичганлар, газагига шоколад еганлар!
- Айтдим-ку бузук деб, — туриб олибди Соливой. Автоинспектор ҳам аппаратим ҳақиқатан бузук экан, бўлмаса уч яшар болани ароқҳўр қилиб кўрсатармиди, деган хаёлда Соливойга юзланди:
- Ака, мана ҳужжатларингиз, аппаратимиз бузилганга ўхшайди, бирорта телевизор тузатувчи устага кўрсатиб кўрайичи буни. Энди сиз чеккадан тезликни оширмай, эҳтиёт бўлиб ҳайданг! — деб автоинспектор қўлидаги аппаратини 5—6 марта силкиб, ҳайрон бўлганича қолаверибди. Йўлда машинасини учирив кетаётган Соливой эса хотинига мақтанаармиш:
- Аяси, болага ичирманг, ичирманг дердинг, мана ичирса фойдаси тегаркан-ку!

## АЙТИШУВ

Бу айтишув яқинда автобаза директори билан Ачам кампир ўрталарида бўлиб ўтган. Бир ёғи аканг қарагай ҳам автобазада ҳайдовчилик қилганмиз-да, шу боис айтишувдан хабардорман. Нима кўп — юртимизда тўй кўп. Тўйга автобус сўрайдиганлар ундан кўп. Ачам супрақоқтиларини уйламоқчи бўлгандаридан автобазага шеър битиб келибдилар, уни директорга ўқибдилар:

*Бўйга етди супрақоқтим, уйламаса бўлмайди,  
Келин деган узокроқдан, хаптовузсиз келмайди...*

Директор ҳам режалари бажарилмай хуноби ошиб, бир ёқдан автобус сўровчилар жонига текканидан қуидаги шеърий жавобни тайёрлаб қўйган экан:

*— Энди, хола, юрадиган етти-саккиз хизматда,  
Қолганлари бузук-ёриқ ётишибди «иззатда».  
Собитхонни берай десам, орқасидан урдирган,  
Садирники, яна кечга олд ойнасин синдирган.  
Боқи шайтон тормози йўқ, колоткаси ейилган,  
Ислом алкаш статорсиз, гупчаги ҳам эгилган.  
Чап чироги ёнмаса ҳам майли, Рустам, борақолсин,  
Тузуккина қизиқчи у дуюнгиз олақолсин!*

Қаранг, Ачам баҳона бўлди-ю, менга жавоб тегди-кўйди!



## Хожибой қизиқ

— Сохта кулгини ёқтирмайман, — дейди хўжандлик қизиқчи Хожибой. Дарҳақиқат, унинг мимикаси ва ҳарақатларида зўрма-зўракилик, бачканалик учрамайди. У ўзига хос услубда қизиқчилек қилиб, кулги шинавандаларини ром этади.

Ҳ. Тожибоев Тожикистоннинг Пролетар туманидаги Янгиқишлоқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилади. Ўнинчими битирганидан кейин икки йил қишлоқ жамоа хўжалигида ишлаш билан бирга олий ўқув даргоҳига кириш учун жиддий тайёргарлик кўради. Унинг мўлжали киноактёр ёки рассом бўлиш эди. Ўғлиният мақсадини эшигандага отаси Шодимурод ака билан онаси Шаҳринисо опалар аввалига бир оз ёқтирмай бошқа касбни топгин ўғлим, дея ранжишганди. Аммо Ҳожибой айтганидан қолмади. 1973 йили Тошкентдаги театр ва рассомлик институтига ўқишга киради. Бу даргоҳда улкан санъат усталаридан таълим олади. Дипломни қўлга олгач, Хўжанддаги драма ва комедия театрига йўлланма билан боради. Кейинроқ эса Андижон давлат филармонияси солисти Шерали Жўраев гурӯҳи билан концертларда конферансъелик қила бошлайди. Шу билан бирга ора-чора қизиқ-қизиқ гаплар айтиб, тошабиниларни гурра-гурра кулдиради. Орадан бир йил ўтгач, қизиқчилек соҳасида мустақил қадам ташлай бошлайди. Ўзбекистон ва Тожикистон туманларида бўладиган култи кечаларида ўзбек ҳам тоҷик тилларида қизиқчилек қиласди. 1990 йили Тошкентда бўлиб ўтган ёш қизиқчилар танловида голибликни қўлга киритади. Шундан кейин Ҳожибой ўзининг қизиқчилек репертуарларини бойитиб, янги-янги замонавий мавзуларда чиқишлилар қиласди. Ҳозирги кунда эса у алоҳида концерт дастури асосида республика театрлари саҳналарида томошалар кўрсатмоқда. Куйида Ҳожибой Тожибой ижодидан намуналар ўқийсиз.

## КЕЧИКИШ

Маҳалламиздаги обрўли бир чапани одам таниш ҳофизниги келиб, дебди:

— Биродар, кейинги якшанба куни элга наҳор оши бермоқчиман. Ўшанга бориб, ошга келганларни яхши кушиқларингиз билан хурсанд этсангиз?

Ҳофиз ёнидан тўйга бориш рўйхати бор — темир дафтарини вараклаб дебди:

— Эрталабки ошга бўлса, вақтим бор экан, албатта бораман!

Орадан ҳафта ўтиб, шанба куни кечқурун бир жойга бориб хизмат қилиб, уйига ҳофиз анча кеч қайтибди. Эртаси куни эрта билан ўйкудан қузини очса тонг ёришиб кетибди. Шоша-пиша кийиниб, асбобини қулига олиб, юргурганича тўйхонага борибди. Борса, тўйхона эгаси асаби бузилган ҳолда ўёқдан-буёқча юриб, сўқинаётганмиш. Шунда ҳофиз унинг ёнига бориб, ёлбора бошлабди:

— Акажон, кечиринг, айб ўзимда! Кеча бир тўйдан анча кеч қайтиб, ухлаб қолибман! Кечиринг, айб менда!

— Нимангни кечираман, расво бўлдим!

— Кечиринг, ҳамма кетган харажатларингизни тўлашга ҳам розиман!

— Ҳа сенлар шунақасанлар, шарманда қилдинглар!

— Агар истасангиз, бошқа бир тўйингизда кечқурундан то тонггача хизмат қиласман, кечиринг ака!

— Нимангни кечираман! Ҳалигача ош дамлайдиган ошпаз ҳам келгани йўқ-қ! — деб тўйхона эгаси кўкрагига урармиш!

## ЖОНИМ

Бекатга навбатдаги автобус келиб тўхтади. Ҳамма чиқиб бўлди. Фақат бир бўйдоқ йигит ёнидаги қизга илтифот билан дерди:

— Жоним, сиз чиқинг, кейин мен!

— Йўқ, аввал сиз чиқинг, мен сиздан кейин чиқаман, — деб қиз йигитга йўл берди. Шунда йигит бир кўлинни кўксига кўйиб, ёлворгансимон тақрорлади:

— Жоним, йўқ деманг, аввал сиз чиқасиз.

Буларнинг гаплари ғашига теккан автобус ҳайдовчиси ўшқирди:

— Хой йигит, аввал сен чиқ, кейин «жон»инг чиқади!

## ГАПЛАРИМИЗ ҚИЗИК

Куча чеккасида турсам рўбарўга «Жигули» келиб тўхтаб, ҳайдовчи ойнани тушириб сўради:

- Биродар, бу йўл қаёқقا боради?
- Ҳеч қаёқقا бормайди, — дедим.
- Наманганга борадими?
- Қизиқ экансиз, йўл бормайди, ўзингиз борасиз!

\* \* \*

Салдан кейин бир танишим келиб деди:

— Ошна, самоварга чиқиб, уч-тўрт улфат ош дамлайлик!

— Ё тавба! Самоварга чиқиб? Ахир қайнаб турган самоварга чиқамизми? Яна уч-тўрт киши ош дамларканми? Самоварнинг устига бир киши зўрга сифадику! Қайнаб турган самоварга-я? Ўзинг чиқавер. Ундан кўра, чойхонага борайлик, дегин!

## АВТОБУСДА

Автобусда кетаётиб, аллакимнинг сизга тикилиб қараётганини сездингиз. Мастлигидан кўзлари сузилиб кетаётган барваста йигитнинг қомати автобус силкингандан лангарчўпи олиб қўйилган дорбоздек чайқалади. Аммо унинг елимдек нигоҳи сиздан узилмайди. Биринки ўгринча қараб қўясиз.

— Йўқ, нотаниш, — ўйлайсиз. У сурилиб, рўпрангизга келади. Фўлдирабгина ўқинч билан тилга киради.

— Танимадинг-а?.. — Сўз оҳангидан сиз танимаганингиз учун ўрганиб кетаётганини сезасиз, вазиятни юмшатишга уринасиз.

— Қаранг-а, хотирам қурсин. Танимайроқ турибман. Ўзингизни таништиринг ака, ёдимга келмай турибди-я.

Унинг юзида ўқинч янада бўртиброқ кўринади, мушти тугилиб, аламдан бош чайқаганини кўрасиз. Ўртадаги жимлик сизга азоб бераётганини сезиб, у яна охиста тўнгиллади.

- Ана шунақасан-да, танимайсан-да!

Хотирангиз панд бергандек хуноб бўлиб, балки эслаб қоларман, деб унинг юзига нигоҳ ташлайсиз. Юрагингиз орқага тортиб кетади. Чунки у ҳамон сизга қаттиқ тикилиб турибди. Фазабдан юzlари, муштлари ҳам катталшиб кетгандек.

— Танимадинг-а, — бош чайқади у.

— Йўқ, акажон, танимадим. Автобусга кирганингиздан буён танимай турибман. Одамни қийнамай, кимлигингизни айтсангиз-чи!

Жаҳл аралаш айтган гапингизни гёё эшиитмагандек, у паст овозда фўлдирайди.

— Ана шунақасан-да, танимайсан-да.

— Жон ака, одамни қийнаманг, ўзингизни таништилинг. Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим-ку! Кимлигингизни айта қолинг, — ялина бошлайсиз. У эса ҳамон нигоҳини сиздан узмаган. Ўқинч тўла кўзлари сузилиб, ўзича бу ҳолнинг аламлигини чукур ҳис қилибми, бош чайқаб кўяди.

Ўзингизни тиканда ўтиргандек ҳис этасиз. Миянгиз архивига жавоб ахтариб кетган саволлар бари қуруқ қайтади. Буқадек тикилиб, яқин келиб қолганидан оғиздан ароқ ҳиди анқиб турган Йигитнинг кутилмаган ҳаракат қилиб юбориши мумкинлигини эслаб, хавотирланасиз.

— Танимадинг-а?

Ялиниш ҳам фойда бермагандан сўнг, энди жим туриш лозим, деган холосага келиб, автобус деразасидан ташқарини бепарво томоша қилаётган киши бўласиз. Аммо тобора қаттиқроқ тикилаётган нотаниш кимсанинг нигоҳи хавотирингизни ошириб, бирор корҳол рўй бериб қолса, ўзингизни ўнглаш учун унга қуён қарашиб қиласиз. Йигитнинг юзида эса ҳамон ўша ифода.

— Ана шунақасан-да, танимайсан-да!

Дод деб юборгингиз келади.

— Танимадим! Юз карра танимадим. Ўзингизни таништирангизчи, қон бўлиб кетдим-ку, кимсиз ўзи?

Унинг юзидаги ифода ўзгармайди.

— Танимадинг-а? — оғир бош чайқаб кўяди у.

Асабларингиз қақшаб, ундан бирор жўали сўз ундириб бўлмаслигига икror бўлиб, ҳар қанча мушкул бўлмасин, рўпарангиздаги «танишин»гизни унутишга

қарор қиласиз. Кутылмаганды унинг сўз бойлигигига янги қалом қўшилади.

— Ёдингдами?..

Хурсанд бўлиб, уни қувватлаш учун бидиллай кетасиз.

— Ёдимдан кўтарилибди-я, ака қаранг, қачон учрашган эдик?

У эса бепарво ва вазмин жавоб беради:

— Ёдингдами, бундан олти йил аввал... Бозор эшигидан чиқаётганингда сигарета берган эдим... Танимадинг-а... Шунақассан-да.

— Э, ака ўша сизмидингиз? Энди танидим-а. Илгарироқ эслатсангиз ҳам бўларди-ку, — беихтиёр унга ялтоқланасиз.

— Тўхта! Сен артистсан-а? Қўшиқ айтиб берасан,— хаёлига ногоҳ келган бу фикр уни қанча қувонтирган бўлса, сизни шунча маъюслантиради. Маймун йиглагулик бу ҳолдан чиқишга уринасиз.

— Йўқ, ака мен ҳеч қўшиқ айтмаганман, қўшиқ айтадиган артист эмасман.

— Айтасан... — кескинлашади у. — «Майда-майда»-ни айтасан.

Афtingизга мушт тушириб қолишидан кўрқиб, палағда товуш билан қўшиқ айтишга киришасиз.

«Майда-майда мероқси,

Жонам ба чашмани ту...»

— Тўхта? — қичқиради у. — Майдалашиб кетдик. Йирикроғидан айт.

Атрофга халоскор излаб, ночор тикиласиз, гўё у ҳам автобусда бошқа одамлар борлигини сезгандек товушини баландлатади.

— Ҳамманг қўшиқ айтасан? «Майда-майда»ни... Ким айтмаса, — у белкуракнинг юзасидек келадиган кафтларини бир-бирига ишқаб, айтмаган кимсанинг пачогини чиқаришини ифодалаган бўлади. Автобусдаги олдинги қаторда ўтирган қотмадан келган уйқудаги йигитдан ташқари барча ёшу қари, кампир-у қиз, йўловчию-ҳайдовчи қўшиқ айтишни бошлайди.

— Майда-майда...

Олдинги ўриндиқдаги чолнинг овози алоҳида эшитилади:

— Майда-майда, майда-майда,  
Шопиржон тезроқ ҳайда...

Орқада бир кампир қўлини дуога очганини кўрасиз:

— Майда-майда, майда-майда,  
Ер ютсин сени, майда-майда...

Шоффёр йигит ҳам саросимада, бир йўлга, бир йўловчиларга қараб қўшиқ айтади:

— Майда-майда, майда-майда,  
Секинроқ айтинглар, майда-майда,  
ГАИга яқинлашиб қолдик, майда-майда...

Автобус қаттиқ силкинади. Олдинги ўриндиқларнинг бирида ухлаб ўтирган қотма йигит уйғониб, пой-ма-пой қўшиқ айтиётганларга ва уни чайқалиб тинглаб бораётган йигитга ҳайрат билан тикилади. Вазиятни тушуниб етганданми, бадмастнинг рўпарасига келиб, унинг ёқасини ушлайди. Бадмаст кўзини очар экан, у чаққон ҳаракат билан орқага тисарилади. Аллақандай ғайритабиий ҳаракатлар қилиб, кўз илғамас тезликда оёқларининг юзаси билан бадмастнинг афтига тарсаки тортади.

— Нима «майда-майда», нима «майда-майда». Ҳозир машина босиб кетган қурвақадек қилиб қўяйми?

Бадмаст ташаббус қўлидан кетганини, рўпарасида каратэчи турганини сезиб, жимиб қолади.

— Э, бор экансан-ку, ука! Бир соатдан бери азобимизни берди бу ярамас, — деб бадмастнинг юзига шапалоқ тортишга ултурасиз. Автобусдаги кампиручоллар каратэчини олқаб, дуога қўл очганларида унинг авзойи бирдан ўзгаради.

— Бас қилинглар, жим! У мушукдек сакраб ўрнидан туради. «Майда-майда» қўшиғи эскириб кетди. Эшишиб олларинг, ҳаммаларинг энди «Қиз бола»ни айтасанлар...

Ҳамма анграйиб қолади.



## ҚИЗИҚЧИ ЁЗУВЧИ

### Адҳам Ҳамдам

Оламда шундай одамлар борки, улар билан гаплашган кишининг губорлари тарқаб, ўзини енгил ҳис этади. Раҳматли Адҳам Ҳамдам ана шундайлардан эди. Уни ҳамма «Фарғона Афандиси» ёки «Афандининг невараси» деб қўйишарди. «Юманите» газетасининг муҳаррири Андре Вюрмсер Тошкентга келганида Адҳам ака тарифини эшишиб, Фарғонага атайлаб борганди. У Адҳам Ҳамдамдан жуда кўп оригинал латифанамо, кулигили ҳикояларни эшишиб, француз тилида «А.Ҳамдам ўғли — ҳозирги замон Насриддини» сарлавҳали икки саҳифадан иборат мақола зълон қилганди. Бундан ташқари, Азиз Абдураззоқ, Йўлдош Сулаймон, Бекмирза Маҳмудовлар Адҳам аканинг юзлаб латифаларини, кулигили ҳангомаларини матбуотда чоп этганлар.

А.Ҳамдам 1915 йили Тошкентда туғилган бўлиб, шоира Зулфия, Илёс Муслимлар билан амакивачча эди. У Самарқанд дорилфунунини тутатиб, 1938 йили ўша ердаги нашриётда, сўнг ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд бўлими раҳбари бўлиб хизмат қилган. Унинг урушдан кейинги ҳаёти Фарғона билан боғлиқ. Вилоят газетасининг бош муҳаррири, ўтган асрнинг 70-йилларидан умрининг охиригача ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими бошлиғи. Ҳозир Адҳам Ҳамдам тирик бўлганида 90 ёшга тўлган бўлар эди. Ана шу муносабат билан қизиқчи-ёзувчининг кўпчиликка маълум бўлмаган латифа-ҳикояларини кулги шинавандаларига тақдим этамиз.

## ҚОЗОНИНГЛАР БИТТАМИ?

Эътиборли меҳмонларни Адҳам ака Қувадаги бир колхозга бошлаб келганди. Меҳмонлар билан гурунгланиб ўтирганида уни раис қозон бошига имлаб чақиради. Адҳам ака келса уч-тўрт одам хизматга шай туриди. Улар олдида раис Адҳам акадан сўрайди:

— Меҳмонларнинг кўнгли нимани тусайди? Палов қиласликми, ё жамбил шўрва? Агар аччиққина шавла десангиз ҳам биз тайёр!?

Одатига кўра Адҳам ака меҳмонлар томонга қараб туриб, бир кулимсираб олдида, кейин ҳаммага эшигтириб савол берди:

— Нима қозонинглар биттагинами?!

Бу саволга ошпазлар хохолаб кулиб юборишиди.

## КУЛДИРИШ ШИФОКОРИ

1977 йили Адҳам Ҳамдам Кримдаги «Ўзбекистон» санаторийсида дам олиб келдилар. У кишидан «Дам олишлар қандай ўтди?» деб сўраганимизда куйидаги қизиқ бир воқеани айтган эдилар.

Адҳам аканинг кўлчиликни кулдириб юрганини кузатган сиҳатгоҳнинг бош шифокори у кишини ўзининг хизмат хонасига чорлаб сўрабди:

— Жуда хушчақчақ одам экансиз, касбингиз нима?

— Касбимиз сизга ўхшаш шифокор, — дебдилар Адҳам ака ҳазил аралаш. Бош шифокор бу ҳазилни чин фаҳмлаб яна савол бериби:

— Илмий унвонингиз борми?

— Бор бўлганида қандоқ, — дебдилар кулимсираб, — фан номзодимиз.

— Қайси соҳа бўйича илмий иш олиб боргансиз?

— Сочни асраш бўйича, — дебдилар Адҳам ака тепакал бошларига ишора қилиб.

— Бўлмаса, — дебди бош шифокор, — илтимос, бутун кечга яқин клубимизда ёш аёлларга сочни асраш тўғрисида маъруза қиласиз, келишдикми?

— Келишдик! — дебдилар аскарчасига честь бериб. Шундан кейин Адҳам ака сайр қилиш учун Қора денгиз қирғоғига кетибдилар. Кечга яқин сиҳатгоҳ дарвозасидан киришлари билан катта ҳарфларда ёзилган эълонни кўрибдилар: «Бугун санаторий клубида тиббиёт фанлари номзоди А.Ҳамдамов «Ёш аёллар сочи-

ни асраш» тўғрисида маъруза қиласилар. Қизиққан барча ёшларнинг иштирок этиши сўралади!» Бу эълонни ўқибоқ Адҳам ака шоша-пиша бош шифокор хонасига кирибдилар. «Мен сизга ҳазил қилгандим, бошқача тушишибсиз», дебдилар.

— Ҳазил-пазилингизни билмайман, клубда қўлларига қоғоз-қалам ушлашиб, ёш қиз-жувонлар кутиб ўтиришибди. Қани, юринг, — дея бош шифокор Адҳам акани қистабди. Улар ичкарига киришлари билан қарсаклар янграбди. Бош шифокор Адҳам акага сўз берибди. Минбарга чиққан Адҳам ака аввал соchlар ва уларнинг турлари ҳақида бир амаллаб сўзлабдилар, айтганларини тингловчилар бирма-бир ёзиб олишаётганмиш. Улар диққатини чалғитиш учун дебдилар: «Энди ёзмай, айтганларимни каллангизга яхшилаб жойлаб олинг! Хўш, шу кунги тим қора, майин хушбўй ҳидли соchlарингизни, ҳатто, орангизда тилло ва кумушранг соchlilar ҳам бор экан, уларни қандай умрингизнинг охиригача асрайсиз? Бунинг учун шаҳардаги хўжалик дўконларидан яп-янги қайчи ва цеплофан халтасини оласиз, ҳозирги гўзал соchlарингизни ярмидан шартта қирқиб, унга жойлаб, сандиққа солиб қўясизлар, кексайиб, сочингиз тўкилиб, менга ўхшаб қолганингизда сандиқни очиб, цеплофандаги сочингизни олиб: «Оҳ, менинг ёшликтаги гўзал сочим», деб эслайсизлар!..»

Клубда ёш аёлларнинг кулгиси гурилаб кетибди. Шунда Адҳам ака, қўлларини силкиб, кулгини тўхтатиб, дебдилар: «Уэр сингиллар, мен тиббиёт фанлари номзоди эмас, кулдириш фанлари номзодиман. Эълонни ёзганлар янглиш ёзишган!» деган эканлар, яна кулги авжига чиқибди.



## Ҳотам Тешабоев

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Охунжон қизиқ Хузуржоновлар қизиқчилик мактабининг ҳозирги кундаги давомчиларидан бири Ҳотам Тешабоевdir.

Ҳотамжон Марғилон шаҳар маданият уйида ташкил этилган халқ театрида камол топди. Эндилиқда шу театрнинг режиссёри бўлиб ишламоқда. У қизиқчилик билан бирга асқия айтиш, оғзаки гижжак ва бошқа созлар оҳангидага кўйлар чалишни ҳам ўз ўрнига қўяди. Ҳ. Тешабоев туман, вилоят кўрик-танловларида қатнашган. У республикамиз қизиқчи ва асқиячиларининг 1-, 2-, 3-, 4-кўрик танлови лауреати бўлган.

### ОВДА

Маҳаллада бирга ўсиб-улгайган ўртоқлар билан овга борадиган бўлдик. Менда ов милтиғи бор эди, олволдим. Дўстлар машинада юриб ўрганган эканлар. Мен эса кўпроқ пиёда юрардим, шунинг учунми, ҳалиги иккала дўстим юролмай қолишибди, қоринлари очиб хуштак чалаяпти.

Иккала дўстимни қўлтиғидан елкамга олволганман, кетяпмиз, кетяпмиз. Ўрмоннинг ўргасига келсак, бир кичкинагина уйча бор экан. Уйчага ўртоқларни олиб кириб, деворга суюб ўтқазиб кўйдим. Сизлар шу ерда дам олиб ўтиринглар, мен бирор нарса топиб кела-ман, пишириб еб, кейин Марғилонга қайтамиз, деб милтиқни олиб чиқиб кетдим. Кетаётсам хашаклар орасида бир йўлбарс турган экан, рўбарўсидан чиқиб қолибман. Менга қараб ириллаган эди, шошганимдан «Ассалому әлайкум!» дебман. Менга тушунмади шекилли, яна қаттиқроқ ириллаган эди, ўзимга-ўзим Ҳотам эсинг борида қоч, дедим-да, орқага қараб чопдим, тезликни соатига 120 га босдим. Йўлбарснинг

тезлиги ортиқ экан, 140 га босиб, етиб олай, етиб олай, дейди. Үчакишгандай, уйгача етиб келай деганимда йиқилиб тушсам бўладими? Йўлбарснинг тормози ушламас экан, лип этиб уйчага кириб кетиб қолди. Ўрнимдан дарров турдим-да, уйчанинг эшигини ёпиб, маҳкам қилиб қўйдим. Айланиб ўтиб, деразадан қараб дўстларимга манавини еб туринглар, ҳозир бундан катттарофини олиб келаман, дедим.

## ПЕНСИОНЕР КЕЛИН

Оғайнилар, сизларга айтадиган арзим бор, айтсам майлами? Мен тенгилар неварали бўлишли, ҳалиям уйланганим йўқ. Дадам, бувам, бувимлар, ҳатто, опам, акам, укаларимгача менга келин ахтариб юришади. Ҳа, менбопини топишолмайди, ёки Ҳотамжон балким ўзингнинг севганинг борми, деб бир оғиз мендан сўрашмайди ҳам. Сўрашса-ку, бир амаллаб айтардим. Қўшнимизнинг қизини яхши кўраман. Ҳа, шундоққина ён қўшним. Бирор мард топилмайдики, шу ўртадаги деворни олиб ташлаб, иккала ҳовлини бир қилиб юборса. Уларнинг ҳовлисидан ўтган ариқ бизницидан чиқиб кетади. Кичик сув ўтадиган жойда омбор бор, мен ҳар куни ана шу омбор тагига кириб, томоша қилиб ётаман. Қайси бир дам олиш куни эди, дадалари, ойлари юмуш билан бозорга кетишиди. Мен эса омбор тагида ётиб томоша қилардим, ҳовлиларини супирдилар, идишларини ювдилар, ҳамма ишларни тахт этиб, айвончага тўшакча солиб, устига чиқиб, Шерали Жўраевнинг чиройли қўшиқларидан айтиб, дўппи тикиб ўтирдилар. Мен томоша қилиб, маҳлиё бўлганимдан дадам келиб қолганларини билмай қолибман. Дадам: Ҳотамжон заҳда нима қилиб ётибсиз, деб қолдилар. Сир бой бермай, товуғимиз шу ёққа ўтиб кетибди, тув-тув, деб қичқириб қолдим. Дадам товуғимиз йўқ эди-ку, деб ҳайрон бўлдилар. Ҳозир ўтиб кетган товуқ бизники эмасмиди, деб баҳона қидирдим. Ўшанда дадам бошларини қимирлатиб, ўғлим энди уйлантириб қўймасак бўлмайди, деб айтдилар. Мен одоб сақлаган киши бўлиб, дадажон, ҳали ёшман, энди қирққа кирдим, бунинг устига бирор жойда ишламайман, уйлантириб қўйсангиз келинни кийинтириш керак, боқиш керак, десам, сиз ташвиш қилманг ўғлим, унаштириб қўйган келиннинг пенсияга чиққанига икки йил бўпти, десалар бўладими!



## Йўлдошхон Носиров

1937 йилнинг қирчиллама қиши чиласида туғилган Йўлдошхонни ҳеч ким асқиячилар саркори бўлади, деб ўйламаганди. Йўлдошхон Кўқон шахридаги пайпоқ тўкиш комбинати, 2-пахта тозалаш заводида ишлаб юрган пайтларидаёқ ёш асқиячилар тўгараги машгу́лотларига қатнаша бошлайди. 1964 йилдан бошлаб, устозлари етакчилигида асқия давраларида иштирок этади. 1966 йили республика асқиячилари танловининг лауреати бўлади. Унинг ташаббуси билан 1985 йили Кўқон шахрида асқиячилар клуби ташкил этилди. Бу клубга ҳозиргача бош-қош бўлиб келмоқда.

### ШАҲАРЛАР ПАЙРОВИ

(Бу асқияни Йўлдошхон қўйконлик асқиячи Адҳамжон Мирхалилов билан айтган.)

**Йўлдошхон.** Адҳамжон, республикамиз харитасида кейинги ўн-ўн беш йил ичидан қирқдан ортиқ янги шаҳарлар пайдо бўлди. Келинг, Ўзбекистон бўйлаб бир саёҳат қиласлилар. **ҚАРШИ** эмасмисиз?

**Адҳамжон.** Жуда яхши ўйлабсиз. Менда ҳам шунаقا ният бор эди. Демак, саёҳатлар **МУБОРАК!**

**Йўлдошхон.** Адҳамжон, узоқ йўлга чиқяпмиз. Йўлга у-бу пиширтириб олинг. **НОРИН** бўлса ёмон бўлмасди.

**Адҳамжон.** Йўлдошхон, саёҳатта кетаётганимизни сиз билинг-у мен билай. Бегонани аралаштирунганг. Ўртамизда **БЎКА** бўлиб юрмасин!

**Йўлдошхон.** Поездга билетни олиб қўйдик. Бу саёҳатга жўнашимизда **НИШОН**ада.

**Адҳамжон.** Йўлдошхон, икковимиз бир йўлга тушсак, бизга ҚУВА ҳам бир тош. Шунаقا эмасми?

**Йўлдошхон.** Тўғри айтдингиз, энди бизга йўл писандми? Олдин УЧҚЎРҒОНни кўрсатиб келайми?

**Адҳамжон.** Йўлдошхон, йўлни БУХОРОга солсак дегандим. Лекин ЖИЗЗАҲда ушланиб қолмасак эди-да!

**Йўлдошхон.** Нега ушланиб қолар эканмиз, ёки ҳалигидай... таниш ШАҲРИҲОНларингиз борми?

**Адҳамжон.** Эй, қўйсангизчи, шундай гапларни. Мен билган Шаҳриҳонлар уй-жойли бўлиб кетишган. Нима дейсиз, кичкина КЎРМАНА-КАРМАНА олиб борсакмикан?

**Йўлдошхон.** Демак, меҳмонга кириб ўтамиз демоқчисиз. Шундайми? БЕКТЕМИР поччам тўғри тушунса тушунди... Бўлмаса, икковимизни КОСОНГа қараб кувлаб қолса-я??

**Адҳамжон.** Унақала ҚЎШҚЎПИРнинг таги минг танга булиб кетар дейманов...

**Йўлдошхон.** Бир саёҳатга чиққанимизда ХОРАЗМ томонларни ҳам кўрсатиб келсангиз АСАҚАНгиз кетармиди?

**Адҳамжон.** Йўлдошхон, мени айлантиргани олиб келсангиз. Ҳамма нарсани номма-ном тушунтиrint, МАН-ФИТман.

**Йўлдошхон.** Мен ҳам сизга ишониб юрувдим. Роса топишибмиз-да. Сиз ҳам ФИЖДУВОНа экансиз.

**Адҳамжон.** Сафарга чиқишдан олдин ҳамма нарсани олдингиэм? Ҳеч нарса эсингидан чиқмадими? ЧИРОҚЧИ??

**Йўлдошхон.** Адҳамжон, хотирангизга қойилман. Чироқни эсга солмаганингизда ЯНГИЕРларда роса адабимизни ер эканмиз.

**Адҳамжон.** Йўлдошхон, ҳар эҳтимолга қарши ТЕР-МИЗни ҳам олволинг.

**Йўлдошхон.** Ҳали ШЎРЧИ бу ёқда қолиб, УЧҚЎП-РИКдан сув ичамиз денг.

**Адҳамжон.** Саёҳатимиз ҳам яқунлаб қолди. Келинг, ОШни ҚОРАСУВ боғида қила қолайлик.

**Йўлдошхон.** Мана кўп жойни айланиб чиқдик. Ҳамма шаҳарлар бир-биридан чиройли, гўзал. Ҳаммаёқ ГУЛИСТОНу ШАҲРИСАБЗ. Адҳамжон, энди бошқа асияларимиз ҚЎҚОН боғида авжга чиқаверсин.



## Жўрахон Пўлатов

Наслдан наслга ўтиб келаётган қизиқчилик туфайли Жўрахон ҳам асқиячилар кўчасига кириб қолган. Унинг ота-боболари таникли қизиқчи асқиячилар бўлишган. Катта боғоси Шомат қизиқ бўлса Зокир эшон, Саъди маҳсумлар билан бирга Бердиёршум бошчилигида хон саройида ташкил топган гуруҳда фаол қатнашган. Кичик боғоси Нормат қизиқ эса, Зокир эшон бошчилигида ги кичик оғзаки саҳна асарларини яратишда иштирок этиб, кулги шинавандаларининг олқишига сазовор бўлган. У сафдошлари мулла Ҳошим, Мўмин қишлоқи, Саъди маҳсум, Юсуфхон қизиқлар билан «Қарзни ундириш», «Болани ўқитиши», «Атторлар» каби кичик комик спектаклларни сайлгоҳлар ва дала боғларда ижро этиб, ичакузди ролларини моҳирлик билан бажарган. Жўрахоннинг отаси Пўлат қизиқ эса ота-боболари касбини давом эттириб, замондошлари Юсуф қизиқ, Охунжон қизиқ, Ака Бухор, Мамадали қорилар даврасида асқия пайровлари ва қизиқчиликларни олиб борган. Ҳатто, у 1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида ҳам қатнашиб, қизиқчилик соҳасида муваффақиятлар қозонганд.

Энди Жўрахоннинг ўзи ҳақида гапирсак, у 1934 йили қўқонлик қизиқчи хонадонида туғилди. Отаси Пўлат қизиқ ўша пайтлари Жўрахон Султоновдек асқиячи-ҳофизнинг санъат оламида парвоз қилаётганига ҳавас қилиб, ўғлим ҳам шундай бўлсин, деган ниятда фарзандига унинг номини қўйганди. Шундан кейин у бошқа фарзанд кўрмади. Жўрахон якка-ю ёлғиз оила эркатоири бўлиб вояга етди. 1956 йили армия сафидан хизматни бажариб келиб, мусиқа мактабига кириб ўқиди. Аммо ота-боболари касби қизиқчилик, асқиячилик уни тинч қўймади. Турли бадиий кечалар, тўй

ва зиёфатларда бўлган асқиячилар пайровларида иштирок этди. Кейинчалик Муҳиддин Дарвишев, Йўлдошхон Носиров, Фиёсиддин Абдураҳимов, Муҳаббатхон Тошпўлатова, Муҳаммаджон Шариповлар билан биргаликда асқиячи, қизиқчилик гуруҳи ташкил этиб, унга бошчилик ҳам қилди. Ҳозирги кунда у пойтахтда бўладиган барча байрам ва қизиқчилик кечаларида йил сайн фаол иштирок этиб келмоқда.

Энди эса Жўрахон иштирок этган пайровлардан бирини ўқиб кўринг.

## ЭШИККА ҚАРАНГ

*(Қўқонлик асқиячилар Жўрахон Пўлатов билан Неъматжон Тошматовлар ўртасида бўлиб ўтган қурилиш материаллари пайрови.)*

**Жўрахон.** Неъматжон ука, хусусий дўкон очганингизни эшишиб, ёнингизга бормоқчи эдим, айтинг-чи, иморатга ярайдиган материал борми ё йўқми? Ёки ўзи келиб қолар деб, РОМ очиб ўтирибсизми?

**Неъматжон.** Ака, ҳозир асабим сал бузилиб турибди. Ром очишни ҳам йифиштириб қўйдим. Сизга ўшаган бир мижғов келиб ФИШТ-ФИШТЛАБ, гишингишингланувчилар бор-да.

**Жўрахон.** Харидорлар бирор нарсани сўраса ҳар доим МУМ тишлиб ўтираверасиз, ука!

**Неъматжон.** Яхши гапиришса айтганини қиласиз, аммо СЕН-МЕНГА (цементга) бориб, асабимнинг ОШИҚ-МОШИФИНИ ўйнатиб юборишади.

**Жўрахон.** Савдо ходимисиз, салга ОШИҚ-МОШИФИНГИЗ ўйнаса ЁFOЧдек озиб, соғлиғингизни йўқотасиз, асабни асранг!

**Неъматжон.** Мана ўзингиздан қиёс қилинг, дўконга бормасдан, асабимни узун МИХ билан ковляпсиз!

**Жўрахон.** Ҳой ука, бунақангি жizzаки бўлсангиз, савдода ишлолмайсиз, сал кенгроқ бўлинг, дўконни доим ҚУЛФЛАМАЙ, бундоқ очиб ўтиринг!

**Неъматжон.** Дўконни очаман, бироқ сизга ўшаганлар келиб, материаллар нархларини кўриб, ТАХТАдай қотиб қолишади.

**Жўрахон.** Нега ундай дейсиз, ҳозир ҳаммаёқда ТЕРАК экиш авжидату, ўша тераклардан ТАХТА тилдириб, нархини арzonлаштирангиз бўлмайдими?

**Нематжон.** Айтиш осон, бунағанги уddабуронлик қилиш қийин. Ўрмон хўжалигига бориб, терак-перак сўрасангиз, сиз сўраган арzon терак ҳали ўсиб етилгани йўқ, дейишиб, ЭШИКни кўрсатишади.

**Жўрахон.** Э ука, ўзингиз ҳам ўта лоқайд экансиз, фақат дўконга ЕЛИМланиб қолмай, ўзингиз тахта тиладиган кичик корхона очиб, тадбиркорлик йўли билан материалларни уйиб ташланг.

**Нематжон.** Дўконга ОҲАК, ҚУМни уйиб қўйганман, қани сиздек бир сувоқчи бўлса — кўтара савдо қилардим.

**Жўрахон.** Бўлди ука, сиздан тадбиркор чиқмас экан, ТОШингизни териб юраверинг!



1988 йили Андижонда бўлган республика аскиячилари ва қизиқчиларининг кўрик-тандови ғолибларидан бир гурӯҳи: (чапдан) Жўрахон Пўлатов, Ҳасанбой Султонов, Муҳиддин Дарвишев, Иўлдошхон Носиров, Мухаббатхон Тошпўлатовалар шаҳарлар номлари пайровини олиб боришаётир.

## Шомурод Ўтамуродов



Шомурод оға 1955 йили Тошкент театр ва рассомлик институтини тугатганидан кейин Нукусдаги К. С. Станиславский номидаги музикали драма ва комедия театрига келиб, комик ролларни ижро эта бошлайди. Шу билан бирга қизиқ-қизиқ ҳангомаларни түқиб, йифилишлар, концерт ва култи кечаларида кўпчиликни кулдиради. Кўп йиллик хизматлари эвазига унга Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ҳалқ артисти унвони берилди, шунингдек, Бердақ номидаги Давлат мукофотига ҳам сазовор бўлди.

### ТОҒАМГА ТОРТГАНМАН

Қизиги шундаки мен на отамга, на онамга ўхшайман. Қари-қартангларнинг айтишича тоғамга тортган эмишман. Тоғам эса овулдаги энг ақлли, ҳозиржавоб, бамисоли Ўмирбек лаққидек одамларни думалатиб кулирадиган киши эди. Урушдан олдинги йилларда бола эдик, колхоз идораси олдида ўйнаб юрардик. Бир вақт узоқдан янги олган ҳангисини йўрттириб тоғам кела бошлади. У бизга яқин келганида симёғочдаги радиокарнай бирданига тилга кирди:

«Нукус вақти билан соат ўн икки!»

Радиокарнай овозидан эшак хуркиб, тоғамни ағдариб ташлади. Тоғам ўринидан сакраб турди-да, радиокарнайга қараб қўлини пахса қилди:

— Ўв, сендан бирор соат сўрадими? Неча бўлганини эшагимнинг ҳанграшидан ҳам билиб оламан!

## ҚУШИБ СОТИШ

Спорт магазинига кирсам менбоп ажойиб куртка турибди. Олмоқчи бўлдим, сотувчи унга лижа қўшиб берди.

— Лижа учмайман-ку!

— Агар лижани олмасангиз, куртка ҳам сотилмайди.

Иложисиз лижани ҳам олдим. Нега десангиз биздаги ҳамма магазинчилар қўшиб сотиш касалига йўлиқсан. Чойнакка — оташкурак, нафталинга — ток қайчи, кўк чойга — белқурак кабиларни қўшиб сотишаверади. Ҳозир ўша лижа мойи билан турибди. Бир вақт келиб, у камёб молга айланса ўша магазинчининг ўзига олиб бориб топшираман. Ўшанда у мен берган лижага занг босган конькиларни қўшиб сотар.

## ЎМИРБЕКНИНГ ОҒАЙНИСИ

Ўтов ташқарисида Ўмирбек хаёл суреб ўтирганда Дўстназар деган оғайниси келиб қолди.

— Нега хомушсан? — сўради Ўмирбек.

— Э сўрама, — деб гап бошлиди оғайниси. — Ёшим ўттизга етганида ўттизта Дўстназар деган исмилларни топаман, деб аҳд қилгандим, йигирма тўққизаси топилди, биттасига қолганда қийин бўляпти, излайвериб оёғимда оёқ қолмади.

— Ўттизинчисини топиб берсан нима берасан.

— Сенга тўн кийдиардим.

— Унда тўнни олиб келавер, ўттизинчи Дўстназар ўзинг бўласан.

— Э пишмаган хом калла, — дебди оғайниси суюниб, — ўзимга келганида янгилишибман-да!

## Абдуллахон Акбаров



Қизиқчи бўламан деганлар кўп, аммо унинг уддасидан чиқадиганлар саноқли. Абдуллахон ёшлигидан қизиқчи бўлишга интилди. Кулги кечалари, қишлоқда бўладиган тўйлардаги қизиқчиликларни кузатиб борди. Фарғона Давлат педагогика институтини тутатганидан кейин Олтиариқ туманидагиFaфур Ғулом номли 34-ўрта мактабда кимё ва биологиядан дарс бера бошлади. Шу билан бирга кичикичик йигилишларда ўзининг қизиқчилик маҳоратини синааб кўрди.

Аста-секин Абдуллахон Акбаров ёр-дўстларининг тўй, гап-гаштакларида, шаҳар ва қишлоқлардаги кечаларда ўз истеъодини ишга сола бошлади. Шундай қилиб, у Кўкон атрофидаги жойларга қизиқчи бўлиб танилди. Республикаизда ўтказилган «Қизиқчи-89» кўрик-танловида шоҳсупанинг иккинчи погонасини эгаллади.

— Ўзим кичкина, кўримсиз одам бўлсан ҳам орзуларим улкан, — дейди Абдуллахон бир пиёла чой устида сухбатлашиб қолсангиз.

Яхши орзу, ният киши келажаги учун қанот ҳисобланади. А. Акбаровнинг Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Муҳиддин Дарвишевлар сингари бўлиши учун унга омад тилаймиз.

### ҲАЙКАЛ ОЛДИДА

Шўро замонида Тошкенту Москвани кўрмаган «Пахта бизнинг бойлигимиз, ўттиз сўмдир ойлигимиз», деб юрган ўзбек деҳқонларидан Абдурайим ва Мамарайим тоғаларга Ҳиндистонга саёҳатга бориш учун йўлланма берилибди. Улар Ҳиндистонни роса томоша қилиб, ибодатхоналарни ҳам кўришибди. Ибодатхонада олти қўлли аёл — Кришна ҳайкалини кўриб, Абдурайим тога дебди:

— Мамарайим, анови ҳайкал-хотинни қара, олтида кўли бор экан-а!

— Қизик, — дебди Мамарайим тога ҳайкалга тикилиб, хаёлга чўмаркан ўзбек аёлларининг иши кўплигидан тиним билмаслиги кўз ўнгидан ўтиби. — Роза ўзбекларбоп хотин экан-да, Абдурайим?

## ОИЛАДАГИ ИЗЗАТ-ХУРМАТ

Эр хотинини, хотин эрини ҳурмат қилса бундай оиласда жанжал, можаро бўлмайди. Чунки ота-боболаримиз ҳурмат қилсанг, иззат топасан, деганлар.

Бир йигит уйланиб, фарзанд кўрганидан кейин хотинини ёнига чақириб, дебди:

— Хотинжон, ўртоқларим битта болали бўлганларидан сўнг, ўз хотинини сенсираб чақиришапти. Мен ҳам бутундан бошлаб сизни сенсираб чақирсам, нима дейсиз?

Хотини индамай ерга қараб ўтиравериби. «Сукут аломати ризо», деб тушунган эр илк бор сенсираб дебди:

— Қалайсан хотин?!

— Ўзингчи? — деб жавоб берибди хотини.

## АЙФОҚЧИ

Ўн беш ёшида уйланган бир йигитнинг тўнғич ўғли етти ёшга етиб, ота қаерга борса у билан бирга бораркан. Ёш ота эса кўчада кўринган чиройли-чиройли қизларга гап отгиси келаркану ёнидаги айфоқчидан ҳадиксираркан. Охири у ўғлига айтиби:

— Ўелим, бегона қиз-жувонлар олдида мени дада, деб чақирмагин, уяламан. Ака дегин, хўпми?

Ўшанда ўғли елкасини қисиб туриб дадасига деярмиш:

— Бўпти! Унда аямни ҳам бегона эркаклар олдида опа, деб чақираман-да!

## ШАПАЛОҚ

Сартарошхонада шогирд бола соқол олаётib, мижознинг чап юзини кесиб олиби. Устасининг аччиғи чиқиб, бир шапалоқ ураётган экан, шогирд бола энгашиб қолиб, тарсаки мижозга тегиби. Бола гўрликка

бориб, бечоранинг қулоғини ҳам кесиб олган экан,  
мижоз қўрқанидан:

— Жон ука, индамасдан челякка ташлаб қўявер,  
устанг кўрмасин, — дебдию секин чиқиб кетибди...

### ЧИҚМАГАН ЮТУҚ

Бир куни яхши ният билан беш юз сўмлик лотерея  
билети сотиб олдим.

Бир томонга лотерея билетларини, бир томонга газетани қўйволиб астойдил текшириб чиқсам... бир сўм ҳам ютуқ чиқмади. Аламимни кимдан олишни билмай, бўғилиб ўтирган эдим, шу пайт хотиним кириб:

— Вой дадаси, нима чиқди? — деб қолди. Баттар жазавам қўзиб:

— Нима чиқарди, сенга яна битта эр чиқди, —  
десам, нима деди денг:

— Агар у ҳам ўзингизга ўхшаган бўлса, бориб пу-  
линни олиб келаверинг, — эмиш, гапини қаранг!

### УЙДА

Эр диванда газета ўқиб ўтиrsa, телефон жиринглаб  
қолибди:

— Хотин, телефонни ол. Агар мени сўрашса йўқ,  
дегин.

— Эрим шу ерда ўтирибди, — деган экан, эрининг  
жаҳли чиқиб:

— Мен уйда йўқман дедим-ку! — деса, хотини:

— Сизга телефон қилишгани йўқ, — деб хўрсиниб  
қўйибди.

### ҲОЗИРЧА ДУРУСТ

Қайта куриш ишлари оммавий тус олган пайтда  
бир фермада ҳам «хўжа қўрсин» учун қайта куриш  
қилишибди. Ферманинг ён-берида ўтлаб юрган бир  
«дайди» кўй колхоз қўйига қараб:

— Сизларда қайта куриш қалай кетяпти, — деган  
екан, у:

— Ҳозирча дуруст. Мана, арқонимиз уч метрдан  
беш метрга узайди, лекин... Охурни олти метр суриб  
қўйишгани чатоқ бўлди-да, — деб зорланибди.

## ЭР-ХОТИН

Олатдагидай сархуш келган эрига хотин дўқ қилиб:

- Ё мени дейсиз, ё ароқни! — деса, эри шумша-йиб тураверибди. Хотинининг баттар жазаваси қўзиб:
- Бўлинг, танланг! Ҳозироқ! — деб бақирса, эр жониворга жон кириб:
- Ароқ ўзи нечта?! — деярмиш.

## ИЖАРАГА ОЛГАНМАН

Ҳозирги пайтда тўртта одам йигилиб қолса сиёсатдан гаплашади. Айниқса, аёл киши сиёсатга аралашса қийин бўлар экан.

Бир хотин эрига қараб:

— Дадаси, мана қайта қуриш, ошкоралик бўляпти, лекин аёлларнинг меҳнати ҳали ҳам енгиллашгани йўқ. Шунинг учун бугундан бошлаб уйдаги ҳамма ишларимни хўжалик ҳисобига ўтказаман, — деса, эри ҳайрон бўлиб, «Нима қилмоқчисан?» деб сўрабди.

- Эрталаб нонушта тайёрлаб берсам 50 тийин, овқат тайёрлаб берсам бир сўм, кийимларингизни ювган куним уч сўм берасиз!..
- Бир тийин ҳам бермайман!
- Нега бермас экансиз!
- Чунки, мен сени отангдан ижарага сотиб олганман...

## АБДУРАЙИМНИНГ БУЙРУГИ

Ҳарбийлар сафида хизмат қилиб юрган Абдурайимдан бир куни майор сўрабди:

- Нега бугун хомуш кўринасан?
- Ҳамма тенг ҳуқуқли, дейсизлару бизга буйруқни бераверасизлар, биз бажараверамиз.
- Тушунарли, — дебди майор мийигида кулиб, — бўлмаса бугун сен буйруқ берасан, мен бажараман.
- Ҳамма буйруғимни ҳам бажараверасизми?
- Ҳа, ҳаммасини.
- Унда аскарлар сафга туринглар! — буюрибди Абдурайим, ҳамма сафга турибди, майор ҳам оддий аскарлар сафига кирибди.
- Ўртоқ майор, икки қадам олдингга чиқинг! — Майор буйруқни бажарибди. Абдурайим эса аскарларга қараб дебди: — Бугундан бошлаб манави майор сизларга буйруқ беради, мен бир ҳафтага Фарғонага — уйга бориб келаман!

## Йўлдош Мирқурбонов



У ёшлигидан қизиқчиликка берилганди. Маннон Уйур номидаги Сурхондарё вилоят театрига ишга кирди-ю, қизиқчиликни авж олдириди. Машхур Юсуфjon қизиқ, Охунжон қизиқ ва уларнинг давомчилари Мұхиддин Дарвишов, Зайнобиддин ҳамда Мадаминжон Юсуповларнинг қизиқчилик услубларини ўрганди. Ўзичалик бу борада изланишлар қилди. Шу боис спектакларда ҳам комик образларни қотириб ижро этмоқда.

### ГАСТРОЛГА БОРГАНДА

Андижонда гастролда юрибмиз. Спектаклларни нон, чой, конфет, олма шунга ўхшаган нарсалар билан таъминловчи йигит келиб: «Йўлдош ака, спектаклларга олиб келган конфетларни артистларимиз еб қўйишяпти. Ҳар куни конфет ташийвериб мадорим қолмади. Бир маслаҳат беринг нима қиласай?» деб қолди.

— Қани юр-чи, шу баҳонада магазинларниям томоша қиласамиз, — дедим. Иккаламиз озиқ-овқат магазинига бошлишиб кириб бордик.

Кулоқларига шапалоқдек тилла балдоқ тақсан, тилла тишли сотувчи аёлнинг олдига бордим-да:

— Сизларда еб бўлмайдиган, тошдек қаттиқ конфетдан борми? — дедим. Жувон анқайиб қараб тури-ю, ранги оқарип кетди.

— Үнақа конфетлар бизда йўқ, — деди титраб.

— Борликка бору, бизга кўрсатгингиз келмаяпти-а! Барибир «списать» қилиб юборасизлар. Яхшиликча кўрсатинг, бўлмаса текшириб кўрамиз. Топмагунча кўймаймиз, — дедим ёлғондакам пўписа қилиб.

Биз конфетларни бирма-бир ушлаб қаттигини қилира бошладик.

Бир пайт: «Келинглар, келинглар, меҳмонлар! Қадамларингизга ҳасанот», деган гапни эшитиб, бури-

либ қарасам, қорнига ёстиқ бойлагандек йўғон киши биз томон пешвоз келяпти. Йўғон киши қалтираб келиб, иккаламиз билан қучоқлашиб кўришди. «Балким, спектаклларимизни кўрган бўлса, таниб қолгандур», деб ўйладим. У бизни кўймасдан ичкарига бошлаб кирди. Ҳалиги киши ўзини магазин директори, деб таништирди. Биз ҳам исмларимизни айтдик. Суҳбат устидаги «Туманларда бўлдик, бугундан шаҳарга келиб магазин айланниб юрибмиз», дедим.

Директор: «Зап келибсизлар-да, қани, дастурхонга қаранглар», деди. Бояги тилла тишли аёл кириб-чиқиб стол устини ноз-неъматлар билан тўлдириб юборди. «Қани, қани, олинглар», деб қистарди директор. Қорин очиқиб, музыка чалиб турганди.

Зиёфат роса қуюқ бўлди.

— Кўриб қўй, — дейман реквизитор йигитга пи-чиirlab, — обрўни қара!

Директор олдимиизга биттадан ўроғлиқ нарса қўйди. «Бу сизларга мендан арзимас совға», деди. Сўнг, яна, бир оз ўтирангизлар бўларди, деди. Мен: «Энди борайлик, ҳали театрга ҳам ўтишимиз керак», дедим.

— Театрга бормоқчи бўлсангизлар, ҳозир биттасини юбораман, «fir» этиб бориб билет олиб беради, — деди.

— Биз ўзимиз театрда ишлаймиз, кечқурун спектаклимизга боринглар, — дея таклиф қилдим.

Директор негадир ҳангук манг бўлиб қолди.

— Сизлар артистмисизлар! — деди бўшашиб.

— Ҳа, туманларда хизмат қилдик, бугун театрларингизда спектакль кўрсатамиз, — деди.

— Ҳмм, ҳали бор-йўғи артистмисизлар?

— Бу ерга келишимиздан мақсадимиз, саҳнага олиб чиқаётган конфетларни артистларимиз пақкос тушириб қўйишиб, бу йигитни ташвишга қўйиши. Шунга иложи бўлса, тишни синдирадиган қаттиқ конфетлардан топиб берсангизлар, — дедим.

Директор ёмон ўқрайди. Олдимииздаги совғаларни олиб шкафга тиқди. Кейин деди:

— Унақаси бизда йўқ. Бошқа магазинлардан қидиринглар.

## Мирза қизиқ билан Обидшоу



Бу қизиқчиларнинг иккови ҳам тенгдош, иккиси ҳам Тошкент театр ва рассомлик олийгоҳини бир пайтда тутатган истеъдод эгаларидир.

Мирза қизиқ пойтахтнинг Қўйлиқ даҳасида хизматчи оиласида туғилган. У гўдак чоғида отаси вафот этиб, ўн фарзандни тарбиялаб, вояга етказиш онаси Ойсара аяга қолади. Ана шундай оилада улфайган Мирза Холмедов олийгоҳни битирганидан кейин санъатнинг қизиқчилик соҳасига қадам қўяди, элга танилади, ўз номида кулги театри ташкил этиб, муваффақият қозонади.

Обид Асомов эса Тошкентнинг Новза даҳасида темирийўлчи хоналонида дунёга келади. Отаси Боситхон Асомов вагонларни кузатувчи — вагон оғаси вазифасида ишларди, онаси Тўхтахон опа фарзандлари Собит ва Обидларнинг ажойиб қизиқчи бўлишлари учун қайғурдилар. Бироқ катта ўғил Собитхон барвақт оламдан ўтди. Обид эса ёшлигидан Аркадий Райкин чиқишиларини кузатиб, унга тақлидлар қилиб, ўзи ҳам мустақил равишда кулги муҳлисларини ҳурсанд этди. Телеэкранда «Обид-шоу» кўп серияли қўрсатуви бўлиб, муҳлислари орасида унинг қизиқчилик лақаби ҳам «Обид-шоу» бўлиб кетган.

### КЎЗ ДОКТОРИ ХОНАСИДА

(Мирзабек Холмедовдан)

Ҳарбий хизматга чақирилганларни тиббий кўрикдан ўтказиш пайти эди. Бир корейс йигити кўз доктори хонасига кирди. Унинг кўзини текшириш учун доктор аввал майда ҳарфларни кўрсатган эди, у ҳаммаси-

ни тўғри айтди. Навбат катта-катта ҳарфларга келганида йигит тутилиб, ўқиёлмай қолди.

— Нега майда ҳарфларни шариллатиб ўқидингту каттасига келганда тутиляпсан? — сўради доктор ҳайрон қолиб.

— Катта ҳарфларингиз кўзимга сифмаяпти-да, — дея жавоб берибди корейс йигит ўшанда.

## НОС ҚАНИ?

Бир неча йил илгари қурилган эски уйнинг дарвозаси олдига енгил «Нексия» автомашинаси келиб тўхтади. Ундан башанг кийинган бир йигит тушиб, ҳовлидан ўтиб уйга кирди:

— Ассалому алайкум, ота! Мени танимаяпсизми, дейман. Мен ўғлингизман. Ўн йилча бурун нос олиб келиш учун мени бозорга юборгандингиз. Ўшанда шаҳарда қолиб кетиб, яхшигина иш топиб олгандим. То-пишим яхши бўлганидан уйландим. Ҳозир ўз уй-жоийим, фарзандларим, одамлар кўрса ҳавас қиласидиган машинам бор. Қалай ота, зўрми?!

— Зўрликка зўр-а! Энг кераклиси менга нос эди. Қани нос? — деди қария бўшаб қолган носқовоғини кўрсатиб.

## ТУҒУРУҚХОНАДА

(Обидшоу бисотидан)

Озиқ-овқат дўқонида ишлаб юрган пайтимда хотинимнинг дарди тутиб қолиб түғуруқхонага элтиб қўйдим. Эртасига кечга яқин хабар олгани борсам, менга ўхшаган эркаклар иккинчи қаватдаги деразаларга қараб, хотинчалари билан гаплашишяпти. Мен ҳам оқ ҳалатли аёлга қараб: «Асомовани чақириб юборинг, илтимос!» дедим. Кўп ўтмай, хоним дераза олдида пайдо бўлдилар.

— Нима бўлди? — сўрадим ундан қўлимни карнай қилиб.

— Суюнчи беринг, дадаси, ўғил!

— Ўғил дейсанми? Кимга ўхшайди? Менгами ё ўзингами?

- Бўй-басти ҳам, башараси ҳам худди ўзингиз?
- Оғирлиги қанча экан?
- Уч кило-ю, икки юз!
- Ойимнинг айтишларига қараганда мен уч кило-ю беш юз бўлганман. Суришириб кўр, яна ўглимни тортган ҳамшира тарозидан уч юз граммни уриб қолган бўлмасин!

## БУВИМНИНГ ГАПЛАРИ

Очиғини айтсам, эркакларимиз аёллари билан тेатр ё кулги кечаларига боришга ҳалигача ийманиб туришади. Бунга, ҳатто, аёлларимиз ҳам ўрганиб қолишган. Узоққа бормай, яқинда хонадонимизда бўлиб ўтган бир қизиқ воҳеани айта қолай. Кулги кечасига тақлифнома олиб келиб, хотинжонга тутқаздим:

- Бирга борамиз, бир яйраб кулгин!
- Кўйинг, болаларга уйда қараб турадиган ҳеч ким йўқ.
- Бувим борлар-ку!
- Улар етмишдан ошганлар, қийналиб қоладилар.
- Бўлти, — дедим-да, бувимни кўярда-кўймай кулги кечасига олиб кетдим. Томошахонанинг энг олдинги қаторига бувимни ўtkазиб, ўзим саҳнага чиқдим, қизиқчилик қилиб, одамларни кулдирдим. Кеча тугагач, бувимни уринтиrmай етаклаб келиб, жойларига ётқиздим. Эрта билан нонушта пайтида бувимдан сўрадим:
  - Буви қалай кеча ёқдими?
  - Ёқсанда қандоқ томошахона жуда чиройли экан. Шифтдаги ўймакор гуллари ҳам антиқа.
  - Бувижон, томошахонани кўйинг, кечада мириқиб кулдингизми? Мен одамларни кулдирганимда гапларимни эшитиб, яйраб кетгандирсиз?
  - Яйраш қаёқда болам, сенга ачиниб кетдим. Роса жағинг-жағинга тегмай гапирдинг-да!
  - Гапларимга бундоқ сиз ҳам қулиб ўтирдингизми, демоқчиман.
  - Ростини айтсам, гапларингни сира эшита олмадим, болам!
  - Нега энди?
  - Негалигини биласан, чап қулоғим азалдан эшитмайди, ўнг қулоғим шамоллаб қолганди, пахта тиқиб

олгандим. Уни олиб ташлаш эсимга келмабди-да, болам!

Ана сизга бувим, яъни момоларнинг гаплари.



Тошкентлик қизиқчилар Тұхтамурод Азизов билан Собит Асомовлар үзларининг күлтили ҳангомалари билан қаҳқашалар пайдо қилишмоқда (1978 йыл).



## Одамбай Абдулаев

Оиладаги ўн фарзанднинг бири Одамбай эди. У мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ латифалар айтиб, кўпчиликни кулдириб юрарди. Ҳатто, баъзи бир кишилар: «Мактабимиз директорининг ўғли масҳарабоз бўладиганга ўхшайди», деб кесатиб ҳам қўярди.

Одамбай 1973 йили Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги «Беш мерган» қишлоғидаги ўрта мактабни аъло баҳолар билан тутатиб, Тошкент давлат театр ва рассомлик институтига ўқишга кирди. Институтни муваффақиятли тутаттанидан кейин эса 1985 йилгача Самарқанд шаҳридаги қўғирчоқ театрида ишлади. Ҳозирги кунда у Урганчдаги Оғаҳий номли музикали драма ва комедия театрида комик ролларни ижро этмоқда. Шу билан бирга Хоразм вилоят телевидениесида ҳафта сайин кўрсатиладиган «Бир табассум сози билан» ҳажвий музикали бўлимни мунтазам бошқариб келади.

### ТАРВУЗ

Мен ҳам қизлар билан сайд қилиб юрганман.

Кўп эмас, учтагинаси билан-да?

Бир куни уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ҳалиги учинчи қизимни уйга таклиф этдим. Каттакон саккиз килолик тарвуз бор эди, уни сўйиб, қизни меҳмон қилдим. Бир пайт десангиз, гап билан бўлиб саккиз килолик тарвузнинг етти килосини ўзим, бир килосини ҳалиги қиз еди. Меҳмондорчиликдан кейин қиз мени кузатиб қўйинг, деса бўладими. Уни кузатиб кетаётуб ўйлаб қолдим, аттанг тарвузни бекор ебманд... Кетяпмиз, кетяпмиз катта-катта уйлар бор, миттиси йўқ. Ҳалиги қиздан саккиз қадамча орқада қолиб кетибман.

— Нима мен билан юргингиз келмаяптыми, — деди қыз.

— Йўқ, сиз билан юргим келяпти-ю, кеча янги туфли олгандим оёғимни қисяпти.

— Булмаса автобусга чиқа қолайлик.

— Йўқ, автобусга чиқсак, тиқилинчда анжирдек эзилиб кетаман, бўлмайди...

Кетаяпмиз-кетаяпмиз, катта-катта уйлар бор, кичкинаси йўқ.

Бир пайт узоқдан бир кичкинагина уйча кўриниб қолди. Хурсанд бўлганимдан чопиб бордим. Ичкаридан мўйловли амаки чиқиб «оқидан керакми, қизилиданми!» дейди.

— Амаки менга оқиданам, қизилиданам керакмас, сиз... ҳалиги... тарвуз еб қизлар билан юрганмисиз?

— Нима? Жўна ҳозир тарвуз-парвузингни чиқариб қўяман!

Қандай келган бўлсам ўшандай кетдим.

Кетаяпмиз-кетаяпмиз, катта-катта уйлар бор, кичкинаси йўқ.

Борган сайин қадамларим майдалашиб борялти. Охир катта уйларга ҳам киришга аҳд қилдим. Шартта бир уйга кириб кетаётсам, «Қаёққа кетяпсиз», — дейди ҳалиги қиз. Мен, шундай бир танишим олдига кетяпман, дедим. Кейин билсан қиз ҳам ўша уйда турар экан.

Қўярда-қўймай қиз мени уйига таклиф этди. Эшик қўнғирогини босувдик, кампир буви очди:

«Ха... келинглар, келинглар! Эрталаб бозордан битта тарвуз олиб келиб, холодильникка қўювдим, ўшани сизларга сўйиб берақолай, муздаккина» деганди, аъзойи баданим титраб кетди. Бувижон тарвуз емайман, дейишга бўлмади...

Уйларида рангли телевизорлари бор экан, биринчи программада «Робинзон Крузо» деган кино бўлаётган экан. Робинзон сув ўртасида оролда битта ўзи ўтирибди. Алам қилганидан сенга ҳавасим келади Робинзон, деб юборибман. Фильм тугаб, хоккей бошланди. Хоккейга қизиқиб кетиб, уч бўлак тарвуз еб қўйибман. Яна бирпас ўтирадим, ҳаммасига сабабчи шарҳловчининг «Го-л!..л...л!» дегани бўлди.

«Тарвуз емай ўл...л!

Ҳаммаёқ ҳў...ў...л!»



## Муртазо Юсупов

Уни қишлоқдагилар Муртазо, гоҳо Муртоз қизиқ, деб ҳам аташади. Афандинамо бўлганиданми, кулги билан кишилар кайфиятини кўтаришга ҳаракат қиласди. Ҳазил-мутойиба деса томдан ташлашга тайёр. Ўзи Иштихон туманидаги тикувчилик фабрикасида хўжалик мудири вазифасида ишлайди.

Эътиборингизга Муртазо қизиқ ҳангомаларидан айримларини ҳавола этамиз.

### АКАМСИЗ

Турғунлик йиллари Муртазо эрталаб ишга бориб, кеч қайтарди. Хотини оғир оёқ бўлганлигидан ишламасди. Уйидан пахта теримига одам чиқмагани учун бригадир раисни бошлаб келибди. Раис Муртазони ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ койий кетибди:

— Эш-шак! Кучук! Ҳўқиз!

Ўшанда Муртазо қизиқ икки қўлини кўксига қўйиб раис ўшқиргани сари «Акамсиз», сўзини такрорлаб тураверибди. Ташқарига чиққан раис бригадирга «Бопладимми!» деб мақтанибди. Шунда бригадир мийигида кулиб, «Эш-шак» деганингизда «Акамсиз», дея у боллади, деб тушунтирган экан, раис мулзам бўлиб қолибди.

### БРИГАДИР ЖИМ БЎЛДИ

Бир куни бригадир сувчи йигитни койий кетди. Қараса бўлмайдиган, шундан Муртазо қизиқ деган орага тушли:

- Ака-укасизлару бақиришингларга ҳайронман.
- Қанақасига ака-укамиз? — сўрабди бригадир.
- Ўртоқ бригадир сизнинг исмингиз Болта, унинг исми Теша. Ахир Болта билан Теша ака-ука-да!



## Абдураҳмон Сиддиқов

Уни водийда кўпинча «риштонлик қизиқчи», деб аташади.

Абдураҳмон 1978 йили аскарликдан қайтиб келганидан сўнг ҳофизларга доирачилик қилиб, қишлоқларда бўладиган тўйларда юради. У ана шу тўйларда Муҳиддин Дарвишев ҳангомаларидан айтиб, кўпчиликни кулдиради. Кейинчалик эса қизиқ-қизиқ латифа ва ҳикояларни ўзича тўқиёдиди, уларни тўй ва кичик давраларда айтиб, маҳоратини синааб кўради. Шундай қилиб, Абдураҳмон Сиддиқов қизиқчилик кўчасида дәдил қадам ташлай бошлайди. У Абдулла Қодирийномидаги Тошкент давлат маданият илмгоҳини сиртдан битирган. Ҳозирги кунда ўзи туғилиб ўсган жойи — Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Чек-Насриддин қишлоғида яшайди.

### ҚАЕРДАН ЎРГАНГАНСАН?

- Хурсанали, лайлакнусха кийимларни кийиб олибсанми, буларни қаердан топяпсан?
- Риштондан.
- Сигарета чекишини қаердан ўргангансан?
- Риштондан.
- Қора кўзойнак тақишини-чи?
- Риштондан.
- Баккенбард, соқол-мўйлов қўйишни-чи?
- Буни ҳам Риштондан.
- Одамгарчиликни ҳам ўргансанг бўларди, ука?
- Албатта, ўрганаман! Аввал Москва телевидениеси кўрсатсин, кейин ўрганиб оламан!

### ОЗГИНА ҚЎШГАНМАН

Машинасига ёқилғи қўйиб чиққан ҳайдовчи жонжади билан бензин қуювчига бақирди:

- Инсоф борми, ўзи? Бензинга шунчалик кўп бошқа мой қўшасизми?
- Оғзингга қараб гапир, бензинга кўп бошқа мой қўшмаганман.
- Унда нима қўшгансиз?
- Бошқа мойларга озгина бензин қўшдим, холос.

## ЭСДАН ЧИҚИБДИ

Яп-янги аравачали мотоциклни ҳайдаб кетаётган бир киши кўча чеккасидаги дарахтга зарб билан урилиди. Уни эшитган автоинспектор бир зумда етиб келиб, тергай бошлабди:

- Биродар, наҳотки, шундай баҳайбат дарахтни кўрмаган бўлсангиз?
- Кўрдим, — деди у ўзини оқлаш учун, — аммо мотоциклимининг аравачаси борлиги эсимдан чиқиб қолибди-да!

## МЕН ЕТИММАН

Улкан тижорат дўйонига бир ёш йигит кириб, уёқ-буёқса кўз югуртириб, сотовчи қизга юзланиди:

- Анави қофоз қутидаги нима?
- Нархи саккиз юз минг сўмлик видеомагнитфон.
- Ўшандан бештасини олиб беринг?
- Бажонидил, тўрт миллион бўлади.
- Энди манави қофоз қутидаги нима?
- Ҳар бири икки миллиондан турадиган япон кинокамераси.
- Бундан иккитасини олиб беринг.
- Марҳамат, олинг. Ҳаммаси олти миллион бўлади.
- Мана пули, санаб олинг.

Эртасига шу дўйонга бир қария кирибди-да, кўзойнагини тақиб, нархларни ўқий бошлабди:

- Бир миллион юз минг, саккиз юз минг... Войбўй, қизим, буларни ҳам сотиб оладиганлар бормикин?
- Ҳа, бор.
- Менга анави ўн сўмлик таёқни олиб беринг?
- Отахон таёқ эмас, аждар расми туширилган ҳасса, нархи юз сўм.

Шу пайт дўкон мудири қарияни кўриб қолиб, қуюқ сўраша кетибди. Олаётган буюмини кўриб ажабланиб дебди:

— Отахон, шундай бадавлат киши бўлатуриб, арзимаган юз сўмлик ҳассани оласизми, лоақал манави етти юз минглик пўстиндан олинг, қишида мазза қилиб кийиб юрасиз.

— Э, ўғлим, унга пул қани. Ўзим нафақада бўлсам, оладиган нафақам ейдиган овқатимиздан ортмайди.

— Кўйинг-е! Сизда пул бўлмаса ариқда сув ҳам бўлмайди. Кеча ўғлингиз олти миллион сўмлик мол олиб кетди. Наҳотки...

— Нима деб валдираяпсиз, ўғлимнинг отаси бор, мен эса гирт етимман!

## ЙЎҚОЛГАН СИГИР

Шўринг қурғур бир деҳқоннинг соғиб ичиб турган сигири тўсатдан йўқолиб қолибди. Ҳовлиқиб кўчага чиқса бир одам ўтиб кетаётган экан.

— Биродар, йўлингизда мабодо, бирорта ола сигирни учратмадингизми?

— Йўқ, нимайди?

— Сигирим йўқолиб қолди-да!

— Пешанаси ола қашқамиди?

— Худди шунақайди?

— Думининг уч томони оқмиди?

— Топдингиз, ўша меники!

— Бўйnidаги арқони қорамиди?

— Худди шунақа, айтган белгиларингизнинг ҳаммаси тўғри!

— Тўғри бўлса, унда сигирингизни сира кўрганим йўқ.

— А?!



## Ботир Мұхаммадхұжаев («Қизиқчи—89» лауреаты)

Болалигидан санъатта бўлган интилиш Ботирни тинч кўймади. У Тошкент шаҳрининг Себзор даҳасидаги ўрта мактабни тутатганидан кейин Тошкентдаги театр ва рассомчилик санъати институтига киради. Бу институтда драма ва кино актёри ихтисоси бўйича дипломли бўлади. Аммо у институтни тутатганидан кейин театрда бирор ролни ижро этишдан кўра қизиқчилек қилиб, одамларни кулдиришни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Йиғилиш ва кечаларда ўзи тўқиган латифа ва ҳажвияларни, тақлидларни ижро эта бошлайди. Шу билан бирга қизиқчилар клуби «Кўзгу»да фаол қатнаша бошлайди. Бу ерда Мирза Холмедов, Обид ва Собит Асомов, Тўхтамурод Азизовлар билан биргаликда катта-катта концертларда қизиқчилек қилиб, културистикани хушнуд этади.

### БЕЗОРИНИНГ ЖАВОБИ

Айбланувчи Шодиқул Бекқулов қора курсида ерга тикилганича маъюс хаёл суриб ўтирибди.

— Ўрнингиздан туринг, суд келмоқда!

Ҳамма ўрнидан сакраб туради. Думалоқдан келган тепа кал судья стуллар орасидан пилдираб ўтади-да, бориб креслога ўтиради:

— Ҳуш, — деди пешанасини дастрўмолча билан арта туриб судья, — айбланувчи Шодиқул Бекқулов нима учун Таннозхон деган аёлни куракла турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилдингиз?

Айбланувчи Шодиқул Бекқулов чукур бир хўрси-ниб олди-да, тушунтира кетди.

— Мен эрталаб ишга кетаётгандим, яъни автобусда ёнимдаги ўриндиқ бўш эди, мана шу аёл ёнимга ке-

либ ўтирди. Кўлидаги сумкани очиб ичидан ҳамёнчасини олиб, ундан абонемент олиб, компостер қилиб, яна уни ҳамёнчасига солиб, сумкани ёпиб йўлда давом этди. Бир оздан кейин текширувчи чиқиб, текшира бошлади, навбат шу аёлга келганида, кўлидаги сумкани очиб, ичидан ҳамёнчасини олиб, сумкани ёпиб, ҳамёнчани очиб, абонемент билетини текширувчига узатди, кейин ҳамёнчани очиб, ичига абонементини солиб, ҳамёнчасини ёпиб, сумкасини очиб, ичига ҳамёнчани солади. Мен бекатда тушиб, трамвайга ўтирган ҳам эдимки, ўша аёл билан келишиб олгандек, у ҳам ёнимга келиб ўтирди. Бирдан сумкасини очиб ичидан ҳамёнчасини олиб, ичидан абонемент олиб, ҳамёнчасини ёпиб, абонементни компостер қилиб, яна ҳамёнчасини очиб ичига солиб, сумкасига соглан ҳам эдик, бирдан ердан чиққандек салонда текширувчи пайдо бўлди. Бирин-кетин билетларни текшира бошлади. Бу аёл эса ҳар доимгидек, сумкасини очиб, ичидан ҳамёнчасини олиб, сумкасини ёпиб, ҳамёнчасини очиб ичидан абонемент олиб контролёрга узатди. Кейин ҳамёнчасига солиб, сумкасини очиб, ҳамёнчасини унга солиб...

Бирдан судьянинг қоши чимирилди ва асабий ҳолда деди:

— Менга қарант айбланувчи Шодикул Бекқулов майнавозчиликни бас қилинг, бўлмаса ҳозир...

Судьянинг башараси алланечук ўзгариб, терлаб кетди.

— Ахир мен нима қилай, кейинги бекатда ҳам текширувчи текширди-да! — дея олди, холос.

### БОЛАЛАР ҲАҚИДА

Бир киши ҳовлиқиб шифокорга сим қоқди:

— Доктор беш яшар ўғлим авторучкамни ютиб юборди!

— Ҳозир бораман! — дебди доктор.

— Сиз келгунингизча мен нима қилай?

— Қаламда ёзиб туринг.

\* \* \*

— Ойи, сиз отмисиз? — сўрабди ўғли.

— Йўғ-е!

— Унда нега мени «тойчоғим», дейсиз.

## **Соҳиб Мамасолиев**

(«Қизиқчи—90» лауреати)



**Янги туғилган чақалоққа Сойиб**  
Хўжаевдек кулги устаси бўлсин, деган ниятда отаси Соҳибжон исмини қўйган экан. Ёш Соҳиб улгайгани сари отаси Турсункул ака уни санъатга ҳавасини ортиришта интиларди. Бу интилиш бекор кетмади, кейинги йилларда Соҳиб Мамасолиев Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тутатиб, Обид Асомов бошчилигидаги «Наргиз» студиясида ижодий ишини давом эттиради. Соҳиб кўпинча жаҳондаги машҳур санъаткорлар овозига тақлид қилишни яхши кўради. Унинг бирдан-бир орзуси Сойиб Хўжаевдек кулги дарфаси бўлиш. Яхши ният — ярим мол. Орзуси ушалади, албатта.

### **ШИФОКОР ҲУЗУРИДА**

Ҳассасини дўқиллатиб, шифокор ҳузурига келган қария, унга дардини айта кетди:

— Дўхтир болам, кечалари ухломайман. Оёқларим зирқираб оғрийди. Бунинг устига-устак бошим ҳам қақшаб оғрийди. Дори-пори берсангиз, дўхтиргон, оғриқларим қолса, дардан ҳалос бўлсам. Ўн беш фарзандим бор, ахир!

- Неча ёшдасиз, отажон?
- Етмишдаман, болам.

— Етмишга кириб, уялмасдан бошим, оёғим, дейсизми? Мана мен, шифокор бўлатуриб, қирқ ёшда бўлсам ҳам бош, оёғим оғрийди. Оғриқ қўзиганда хотинимни чақираман. Оғриган жойларимни уқаласа яхши бўламан-қоламан.

— Дўхтир болам, унда айтинг-чи, хотинингиз қачон бўш бўлади?

— Э, отахон хотинимнинг бўш вақти йўқ. Яхшиси уйга бориб, бувимларнинг бўш вақтларини билинг, лардингиз давоси топилади-қўяди.



## Болтабой Тошматов («Қизиқчи—90» лауреати)

Тошкентлик ишчи Нуъмонжон ака ўғли Болтабой-нинг спортга қизиқишидан мамнун эди. Ўғли 1972 йили ўрта мактабни тутатгандан сўнг армия сафига чақирилади. У икки йил мобайнида спорт мусобақаларига қатнашиб, оғир атлетика бўйича спорт устаси деган унвонга сазовор бўлди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, у Тошкент Давлат дорилфунунининг тарих факультетига кириб ўқиди. Шу билан бирга Мирза Холмедов, Анвар Мамарасулов сингари қизиқчилар даврасига қўшилади. Улардан қизиқчилек сирларини ўрганаркан ўзига хос йўл танлайди: ҳар хил ҳайвоnlар, паррандалар қиликларини қилиб, кишиларга қулгу бағишлайди. Унинг репертуаридағи кўпгина қулгили ҳангомалар мимик кўринишларга эга. Ҳозирги кунда Болтабой қулги муҳлисларини янги-янги чиқишилари билан суюнтирмоқда.

### ИСМИМ ПАНД БЕРМАДИ

Гавдам сал бўлиқроқ бўлгани туфайли ҳарбий хизматта борганимда баъзилар «Нега исмингиз Болтабой?» дейишса, бошқалар «Спорчимисиз?» деган савонни беришди. Охири спортчи бўлсам бўла қолай деб, мусобақаларда иштирок этиб, спорт устаси бўлдим.

Кунлардан бир куни менинг спорт билан шуғулла-наётганимни кўриб турган хизматдошим нима дейди денг: «Исмингиз Болтабой, щунга яраша отангизнинг исмлари Тешабойдир, сиз уялиб, Тошматов қилиб олгандирсиз?»

— Э, тавба! — дедим мийифимда кулиб, — исмимга қараб баҳо берманг. Отамнинг исм-шарифлари Нуъ-

монжон Тошматов, Ҳеч қанақа Тешавой бўлғанмас.  
Гавдамга қараб исм-шарифимни тўқиманг.

— Ҳа, унда жуссангизга қараганда исмингиз панд бермабди.

— Тўғри айтасиз, исмим панд бермайди, ўзим ҳам исмимни оқлаш учун ҳаракат қилдим.

## ОҚТОМОҚНИНГ ҚИМИЗИ

Кўпинча тошкентлик беданабозлар Чимкентнинг кент яйловлари ва бедопояларига боришиб бедана овлашади. Кунлардан бир куни беданабоз Раҳим мўйлов деган овга кетаётса, қишлоқ чеккасида бир қозоқ аёли қимиз сотиб ўтирган экан.

— Қимизинг зўрми? — сўрабди мўйлов.

— Ичиб кўринг, биласиз, — дебди аёл. Мўйлов катта пиёладаги қимизни симириб юборибди-да, яна кўй, дегандай аёлга қарабди.

— Энди, буни ўзинг ичиб бер, — дебди мўйлов. Аёл пиёладаги қимиздан икки марта хўплаб, қолганини мўйловга узатибди.

— Исминг нима? — сўрабди мўйлов.

— Оқтомоқ.

— Эринг, болаларинг борми?

— Эрим шофёр эди, авария қилиб ўлган. Бир ўғилчам бор.

— Менинг ҳам хотиним кейингисини туғаётганида туғруқхонада ўлган. Кел энди, Оқтомоқ, томогингдан бир ўптири.

— Қалай бўларкин?

— Ҳеч нима бўлмайди, ма, манави беданамни ушлаб тур, сени яхши кўриб қолдим, бир ўпай.

Оқтомоқ мўйловнинг беданасини қўлида ушлаб турибди, у эса аёлни бағрига босиб, жон-жаҳди билан ўпибди. Кейин Оқтомоқдан беданасини қўлига олса бедана ўлиб қолган экан.

— Ие, она-болали сигирга буни алмаштиргмагандим, уришқоқ зўр эди, ўлдириб қўйибсан-ку?!

— Кўкамов, — дебди Оқтомоқ, — қимизнинг зўрлигидан мени бағрингта босиб ўпдинг. Усиндайда бедана экану, қўлимда хўрозд бўлсам ҳам ўлиб қоларди-да! Ачинма, яна бир зўрини анов бедапоядан тутиб оларсан!



## Убайдулла Абдуллаев

Унинг ўзи Тошкентдаги 106-ўрта мактабда математикадан дарс беради. Шу билан бирга тошкентлик асқициялар — Айниддин Зайниддинов, Турсунбой Файзиев, Фозилжон Султонов, Жалол Рахимов, Жамолиддин Зайниддиновлар даврасида кулги кечаларида қатнашиб, кундан-кунга ўз маҳоратини ошира борди.

Убайдулла Абдуллаев «Муштум», «Гулистон» журналлари ва «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» рўзномалари саҳифаларида катталар ва кичикларга атalgan митти хандалари билан тез-тез қатнашиб туради.

### ҚЎКАТЛАР ПАЙРОВИ

**Убайдулла:** — Ҳой, қадрдан дўстим, ҳозир мустақил юртимизда баҳор келинчаги Наврӯзой кезиб юрибди. Агар хўп десантгиз, ана шу келинчак шаънига шифобаҳш қўкатлар номлари пайровини бошласак, дейман.

**Жамолиддин:** — Тўғри айтасиз, ҳозир ҳамма ўзини қўкатлару гулларга урайяпти. Шунинг учун бугундан бошлаб мен ўзимни Жамбил, деб атадим. Қоқига ўхшаб сарғайиб ўтирамай сиз ҳам бир гап айтинг?

**Убайдулла:** — Баракалла, қўкатлардан сўз очганим учун бирданига Жағ-жагингиз очилиб кетдими, дейман. Жамбилман, деб Райҳонларга зимдан кўз олайтияпсиз-а! Тағин унинг Чучукмомо деган бувиси билиб қолмасин, нақ қулогингиз тагида Шавла қайнатиб, таъзирингизни беради-я!

**Жамолиддин:** — Байрам чоғида сиз ҳам қўлингизда гулдаста билан Бўтакўзининг йўлини пойлаб юрманг, эгнингиздан Исириқ бўйи келиб, Хашагингиз очилиб қолади-я!

**Убайдулла:** — Жуда мени камситманг, Сув қаламири бўлиб, аччиқ-тизиқ гаплар қиляпсиз-а?

**Жамолиддин:** — Сал асабийлашяпсизми, нима бало, Аччиқмия еганмисиз ўзи?

**Убайдулла:** — Ундей деманг, ҳатто Чучукмияни ҳам емаганман. Очамбитидай чақиб, асабга тегяпсиз-да, хурсандчилик кунлари ахир бундоқ Ялпизлаб ҳам турингда.

**Жамолиддин:** — Майли аччигингиз келмасин, тагин жаҳл устида Янтоққа ағанаб юрманг, эҳтиёт бўлинг.

**Убайдулла:** — Сиз ҳам салга асабийлашиб, Газанда бўлмай, тилингизни ширинроқ қилинг, бўлмаса эшигандар, бу ўзи азалдан сассик Саримсоқ экан, деб ўйлашади.

**Жамолиддин:** — Майли энди, йўсма кетар, қош қолар, дейдилар. У-бу гапни қўйиб, манавини эшигинг. Яқинда Паркентга боргандим, кўчада одамлар кўк сомса сотишаётни экан, бу қайси гиёҳдан, деб сўрасам, Мотор деган гиёҳдан экан. Олиб енг ака, юрагингизни қиздиради, дейишали.

**Убайдулла:** — Улар сизни Эрмон йигит деб билишганда, танангизга Дармон бўлсин, дея ўйлашган бўлса керак.

**Жамолиддин:** — Йўқ, топмадингиз. Паркентликлар шаҳримиздан Бегона Ўтди, деб ўйлашибди. Агар сиз борганингизда кўчамиздан Семиз Ўтди, дейишган бўлармиди.

**Убайдулла:** — Етар энди дўстим, гиёҳлар номлари ни эшиставериб, қулогим ҳам Отқулоқ бўлиб кетди. Дам олайлик, эртага Лола сайлига боришими керак.

**Жамолиддин:** — Яшанг дўстим, гулбаҳор кунлари Ўрик гулларида очилиб-сочилиб юрайлик! Ҳамиша соғ-саломат бўлинг! Қани, юринг, «Наврўз» чойхонасига бориб, бир Чой ўтдан ичиб, ҳордиқ чиқарайлик.

## НОРИННИНГ ТАЪМИ

Бизнинг маҳаллада бир ифвогар бор. У ҳар кимнинг касбидан, кийимидан, юриш-туришидан, гапидан, қилган ишидан ёки овқатидан бир камчилик топмаса кўнгли ўрнига тушмайди. Маҳалладаги хонадонлардан бирида қирқ йил бир заводда ишлаб нафақага чиқаётган отахоннинг олтмиш ёшлиқ юбилейлари нишонланди. Меҳмондорчиликда тортилган норинда гўшт мўлроқ эди. Ифвогар олдига қўйилган тақсимчадаги нориндан навбатдаги луқмани олар экан:

## **КУЛГИ ДАРҒАЛАРИ**

*Аскиячи ва қизиқчилар ҳақида*

**«Шарқ» нашриёт-матбаз  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2005**

**Мұхаррир Қ. Қаюмов**

**Рассомлар: Р. Эгамбердиев, Х. Содиков.**

**Бадий мұхаррир А. Мусахұжасев**

**Техник мұхаррир Р. Бобоханова**

**Сағифаловчы М. Атхамова**

**Мусаффиулар Ю. Бизаатова, Ж. Тоирона**

Теришга берилди 24.05.2004. Босишига рұхсат этилди 20.01.2005.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Таймс гарнитура. Офсет босма. Шартлы босма  
табоги 6,72. Нашриёт-хисоб табоги 5,87. Алади 3000 нұсха. Буюртма  
№ 817. Бағоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаз  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**